

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**Ал-Хоразмий номидаги Урганч Давлат университети**

**Ўзбек тилшунослиги кафедраси**

**Қўлёзма ҳуқуқида**

**Атаджанов Умид Ражаббоевич**

**ОГАҲИЙНИНГ «ЗУБДАТ УТ-ТАВОРИХ» АСАРИДА ЎЗЛАШМА ҚАТЛАМ**

**Мутахассислик: Лингвистика (ўзбек тили) 5А 220102**

**Филология магистри илмий даражасини олиш учун**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Иш кўрилди ва ҳимоя  
қилишга рухсат берилди.  
«Ўзбек тилшунослиги»  
кафедраси мудири:**

\_\_\_\_\_ **ф.ф.н. А. Примов**

«\_\_\_» \_\_\_\_\_ **2011 й.**

**Илмий раҳбар:  
филология фанлари номзоди,  
катта ўқитувчи: А. Ўразбоев**

**Урганч-2011**

## МУНДАРИЖА

<b>ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ</b> .....	3
<b>КИРИШ</b> .....	7
<b>I БОБ. АСАРДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ МАВЗУИЙ-СЕМАНТИК ГУРУҲЛАРИ</b> .....	22 – 40
1.1. Мансаб ва унвонни англлатувчи сўзлар .....	22
1.2. Дипломатияга оид ўзлашма сўзлар .....	33
1.3. Маъмурий-худудий бўлиниш билан боғлиқ ўзлашмалар .....	34
1.4. Ижтимоий табақаларни ифодаловчи ўзлашма сўзлар .....	37
1.5. Иқтисодий жараён билан боғлиқ ўзлашма сўзлар .....	38
1.6. Сиёсий жараён билан боғлиқ ўзлашма сўзлар .....	39
<b>II БОБ. АСАРДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ</b> .....	41 – 63
2.1. Асардаги эроний қатламга мансуб ўзлашма сўзлар .....	41
2.2. Араб луғавий қатламига мансуб ўзлашма сўзлар .....	51
<b>III БОБ. АСАРДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТАҲЛИЛИ</b> .....	64 – 79
3.1. Эроний луғавий қатламга хос ўзлашма сўзларнинг таркибий таҳлили .....	64
3.2. Араб луғавий қатламига хос ўзлашма сўзларнинг таркибий таҳлили .....	68
<b>УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР</b> .....	80
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	82

## ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўзбек миллати дунёнинг барча халқларига ҳам насиб этавермаган катта маънавий меросга эга. “Бешафқат давр синовларидан омон қолган, энг қадимги тош ёзувлар, битиклардан тортиб, бугун кутубхоналаримиз хазиналарида сақланаётган 20 мингдан ортиқ кўлёзма, уларда мужассамлашган тарих, тил ва адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, физика, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончиликка оид ўн минглаб асарлар бизнинг беқиёс маънавий бойлигимиз, ифтихоримиздир”<sup>1</sup>. Ана шундай туганмас беқиёс маънавий хазинадан тўлақонли фойдаланиш учун ўзлашма сўзларни чуқур билиш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Тилшунослигимизда ўзлашма сўзларни лингвистик жиҳатдан ўрганиш ҳали ўз ечимини тўла топган масала эмас. Хусусан, уларнинг этимологик жиҳати анчайин мураккаб масала бўлиши билан бирга бу борада мунозарали ўринларга кўплаб дуч келинади. Ўзлашма сўзларнинг ясалиш хусусиятларини улар тарихан мансуб бўлган тиллар хусусиятига боғлиқ ҳолда ўрганмасликнинг имкони йўқ. Шу жиҳатдан тадқиқот туркий, араб, эроний (хусусан, дарий, тожик, форс) тилларининг грамматик хусусиятларини ҳисобга олишни талаб қилади. Ўзлашма сўзларнинг мавзуй-семантик таснифининг ҳам маълум чегараларини белгилаш зарурати бор. Юқорида қайд қилинган долзарб масалалар тарихий асарларда бир-бирига боғлиқ ҳолда энг кўп қўлланилган ўзлашма сўзларга оид сўзларни муайян адиб (муаррих) ёки асар мисолида лингвистик тадқиқ қилиш эҳтиёжини юзага келтиради ва ана шу зарурат натижасида ушбу иш юзага келди. Тадқиқот объекти сифатида Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдату-т-таворих” (“Тарихлар сараси”) асари танланди. Лингвистик жиҳатдан деярли ўрганилмаган адиб асарининг тадқиқот объекти сифатида танланиши ва юқорида таъкидланган мураккаб илмий масалалар мавзунинг долзарблигини белгилай олади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Тошкент: Шарқ. 1998 – Б. 3-4.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Огаҳий асарларидаги ўзлашма сўзлар ўзбек тилшунослигида махсус тадқиқот объекти бўлган эмас. Ўзбек тилшунослигида Огаҳий асарлари тадқиқига доир ишлар салмоғи унча катта эмас. Булар С.Долимов<sup>1</sup>, З.Дўсимов<sup>2</sup>, Ҳ.Дадабоев<sup>3</sup>, Р.Йўлдошев<sup>4</sup>, А.Ўразбоев<sup>5</sup> ишларида кузатилади.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Урганч давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуидаги истиқболли режаси таркибига киритилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ишнинг асосий мақсади Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдату-т-таворих” асарида қўлланилган ўзлашма сўзларни лингвистик таҳлил қилиш ва умумлаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- асардаги ўзлашма сўзларнинг мавзуй-семантик гуруҳларини белгилаш ва ушбу гуруҳларга кирувчи сўзларни таснифлаш;
- ўзлашма сўзларни луғавий қатламларга ажратиш, уларни ўзбек тили тарихий лексикасининг умумий тизими билан қиёслаш;
- ўзлашма сўзларга мансуб сўзларнинг ўзаро қариндош бўлмаган, лекин яқин маданий, сиёсий, географик, диний муштаракликка эга бўлган халқлар тилларида бир-бирига ўзлашиш ва сингиш сабаблари, лингвистик ва экстралингвистик факторларни аниқлаш;
- ўзлашма сўзлар тизимида мансуб сўзларнинг таркибий таҳлилини диахрон ва синхрон аспектлар асосида тадқиқ қилиш. Бунда улар тарихан мансуб бўлган тиллардаги ўзига хос ясашиш хусусиятини эътиборга олиш;

<sup>1</sup> Долимов С. Огаҳий поэзиясида омоним ва синоним сўзлар // Ўқитувчилар газетаси. 1957. – №51.

<sup>2</sup> Дўсимов З. Огаҳийнинг “Зубдату-т-таворих” асарининг лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида // Огаҳий абадияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 37-41.

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳ. Огаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминлар тизими хусусида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) №3. – Тошкент, 2009. – Б. 21-24.

<sup>4</sup> Йўлдошев Р. Огаҳий поэзиясида соннинг қўлланилиши // Илм сарчашмалари. 2004. – №4. – Б. 92–96; Огаҳий поэзиясида антонимлар // Илм сарчашмалари. – 2005. – №1. – Б.52–55.

<sup>5</sup> Ўразбоев А. Огаҳийнинг “Риёз уд-давла” асарида ижтимоий-сиёсий лексика: : Филол. фанлари номз. дисс ... – Тошкент, 2009. 156 б.

– ўзлашма сўзларнинг ҳозирги ўзбек адабий тилида турли лисоний ходисалар (маъно торайиши, маъно кенгайиши ва ҳ.к.)га учраши, уларда рўй берадиган фонетик ўзгаришлар кабиларга эътибор қаратиш.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Ишнинг тадқиқот объекти сифатида Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдату-т-таворих” асари танланди<sup>1</sup>.

**Тадқиқот методлари.** Тадқиқот доирасида мураккаб масалалар юзасидан билдирилган фикрларда етакчи ўзбек тилшунослари ҳамда хорижлик таниқли шарқшуносларнинг тарихий лексика борасидаги муҳим назарий концепцияларига таянилди.

Мавзуни ёритишда диахрон ҳамда синхрон аспектларда қиёсий, тавсифий методлардан фойдаланилди.

**Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:**

1. “Зубдату-т-таворих”даги ўзлашма сўзларни ўрганиш Огаҳийнинг нафақат тарихий асарлари, балки унинг бутун лексик фонди тадқиқида муҳим ўрин тутди.

2. Огаҳий асарларидаги ўзлашма сўзларни тадқиқ этиш кейинчалик бошқа асарлар мисолида ҳам ушбу муаммони ўрганишда муҳим амалий манба сифатида хизмат қилиши мумкин.

3. Асардаги туркий, эроний ва арабий қатламларга хос ўзлашма сўзларга мансуб сўзларнинг таркибий таҳлили улар тарихан мансуб бўлган тилларнинг морфологик хусусиятларини ўзида акс эттиради ва уларни айтиш жихатдан ўрганиш тарихий лексика тадқиқида муҳимдир.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилар билан белгиланади:

–“Зубдату-т-таворих”даги ўзлашма сўзларга мансуб сўзлар кенг таҳлил қилинди ;

– ушбу луғавий бирликлар мавзуйий-семантик гуруҳларга ажратилди;

– уларнинг генетик таҳлилига оид кузатишлар баён қилинди;

– Огаҳийнинг ўзлашма сўзлардан фойдаланиш маҳорати очиб берилди;

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Огаҳий. Зубдату-т-таворих. Нашрга тайёрловчи Н.Жабборов –Тошкент: Ўзбекистон, 2009.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ушбу тадқиқот ўзбек тили ўзлашма сўзлари шаклланишини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Диссертацияда тадқиқ қилинган материаллар Огаҳий асарлари тилининг изоҳли луғатини, ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларнинг этимологик луғатини яратишда қўл келади.

**Натижаларнинг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари бўйича Урганч давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси қошидаги илмий-назарий семинар мажлисларида (2009-2011 йиллар), ёш олимлар конференцияларида илмий маърузалар қилинган.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Мазкур тадқиқот мавзуси Урганч давлат университети Илмий кенгашида тасдиқланган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот натижалари бўйича 2009–2011 йилларда Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети профессор-ўқитувчилари илмий-назарий анжуманларида маърузалар ўқилган. Диссертациянинг асосий мазмуни республика илмий журналларида ва илмий тўпламларда эълон қилинган мақолаларда, олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларининг илмий-назарий анжуманлари материалларида ўз аксини топган. Иш юзасидан 2 та мақола эълон қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми саҳифани ташкил этади.

## К И Р И Ш

Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзлар тизими шаклланиш ва ривожланиш босқичларини ўрганишда нодир илмий манбалар ҳисобланган “Девону луғотит турк”<sup>1</sup>, “Муқаддимат ул-адаб”, “Китоб ал-идрок ли-лисон ал-атроқ”, “Аттуҳфату закийату филлуғатит туркия”, “Таржумон”, “Муҳокат ул-луғатайн”, “Санглох”, “Бадоеъ ул-луғат”, “Келурнома” каби кўплаб асарларда баён қилинган фактлар, назарий фикрлар муҳим тутади<sup>2</sup>. Қўлёзма манбалардаги ўзлашма сўзлар тадқиқида туркий тиллар, жумладан, ўзбек тили тарихининг турли сатҳлари бўйича илмий тадқиқот олиб борган Л.З.Будагов<sup>3</sup>, В.В.Радлов<sup>4</sup>, А.К.Боровков<sup>5</sup>, Н.А.Баскаков<sup>6</sup>, Э.В.Севортян<sup>7</sup>, Э.И.Фозилов<sup>8</sup>, Б.Бафоев<sup>9</sup> каби олимлар томонидан бажарилган лексикологик ва лексикографик ишлар катта аҳамиятга эга. Шу билан бирга Алишер

<sup>1</sup> Арабий изофали ўринлар иқтибос олинган манбага мувофиқ берилди.

<sup>2</sup> Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Таржумон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. I-III жилдлар. –Тошкент: Ўз ФАН, 1960, 1961, 1963; Махмуд Замахшарий. Муқаддимат ул-адаб. Феъллар боби. Таржумон ва нашрга тайёрловчи З.Исломов. – Тошкент: Ислон университети нашриёти, 2002. Сўз боши. – Б. 3-10. Луғат қисми 886 б.; Расулова Н.А. Исследования языка «Китаб ал-идрак ли-лисон ал-атрақ» Абу Хайяна. Автореф. дис ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Асилова Н. Об источниках «Китаб ал-идрак ли-лисонал ал-атрақ» Абу Хайяна // Советская тюркология. – 1988. – №4. – С. 48-51.; Аттуҳфату закийату филлуғатит туркия. Таржумон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1968. – 279 б.; Изысканный дар тюркскому языку (Грамматический тракт XIV в. на арабском языке). Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, глоссарий, грамматический указатель Э.И.Фазылова и М.Т.Зияевой. – Ташкент; 1978. – 278 с.; «Таржумон» – XIV аср обидаси. Нашрга тайёрловчи А.Юнусов. – Тошкент: Фан, 1980. – 127 б.; Алишер Навоий. Асарлар. 3 томлик. 3-том. Нашрга тайёрловчи Ойбек ва П.Шамсиев. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат нашриёти, 1948. – Б. 171-219; Боровков А.К. «Бадаи ал-луғат». Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Наваи. – М.: Издательство Восточной литературы, 1961. – 265 с.; Хафизова А. «Келурнаме» Мухаммед Якуба Чинги // Советская тюркология. – 1972. – №3. – С. 97-102.; Ибрагимова А. “Келурнома” луғатининг лексикасига оид кузатишлар // Ўзбек тили тарихи масалалари. – Тошкент: Фан, 1977. – Б. 108-125.; Чинги Мухаммед Якуб. Келурнаме. (Староузбекско-таджикско-персидский словарь XVII в.) Введение, транскрипция и перевод текста, глоссарий, лексико-грамматический очерк, грамматический указатель А.Ибрагимовой. – Ташкент: Фан, 1982. –146 с.

<sup>3</sup> Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том I. – СПб. 1869/1960. -820 с.; том II. – СПб. 1871. – 417 с.

<sup>4</sup> Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. I-IV. – СПб. 1893-1911.

<sup>5</sup> Боровков А.К. Очерки истории узбекского языка, III. (Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII вв.) // Ученые записки института Востоковедения, XVI. – М-Л.: Издательство Академии наук СССР, 1958. – С. 138-219; Его же. Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII вв. – М.; 1963.

<sup>6</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С.63-71.

<sup>7</sup> Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. – М.: Наука, 1974, 1978, 1980.

<sup>8</sup> Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. Том I-II. – Ташкент: Фан, 1966, 1971.

<sup>9</sup> Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 157 б.; Кўҳна сўзлар тарихи. – Фан, 1991. – 152 б.

Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби адиблар тилига оид луғатларда ҳам, табиийки, ўзлашма сўзларга мансуб жуда кўплаб сўзларнинг изоҳини топамиз<sup>1</sup>. Таъкидлаш жоизки, Навоий ёки Бобур асарлари учун яратилган луғатларда уларнинг мазкур ижодкорлар тилида мавжуд маъноларигина берилиши табиийдир. Муҳими, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да<sup>2</sup> ўзлашма сўзларга жиддий эътибор берилганини кўрамыз.

Муҳаммад Ризо Огаҳий шахси ва ижодига илк муносабатларни унинг ўз замондошлари асарларида учратамыз<sup>3</sup>. Огаҳий ижодини адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш шоир таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан В.Абдуллаев<sup>4</sup>, А.Қаюмов<sup>5</sup>, В.Зоҳидов<sup>6</sup>, Ғ.Каримов, С.Долимов каби забардаст ўзбек олимлари бошлаб бердилар. “Таъвиз ул-ошиқин” девонининг нашр қилинишини огаҳийшуносликда жиддий силжиш сифатида баҳолаш мумкин<sup>7</sup>. Огаҳийшунослик ривожда Р.Мажидийнинг<sup>8</sup> хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. Р.Мажидий Огаҳий лирикасини илмий таҳлил қилар экан, Хоразм адабий муҳити ва ундаги адабий таъсир масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Огаҳийшуносликнинг бугунги даражадаги ривожда С.Долимов олиб борган илмий тадқиқотлар<sup>9</sup>нинг аҳамияти катта. Огаҳий асарларининг қўлёзмаларини ўрганишда Ф.Ғанихўжаев томонидан амалга оширилган тадқиқотларни алоҳида эътироф этиш керак. Шу билан

<sup>1</sup> Боровков А.К. «Бадаи ал-лугат». Словарь Тали Имани Гератского к сочинениям Алишера Наваи. – М.: 1961.; «Абушка» В.В.Вельяминов-Зернов. Словарь джагатайско-турецкий. – СПб. 1868; Мухамедова Б. Предварительные замечания о словаре «Hell-I luḡat-i ṣayatai» // Тюркская лексика и лексикография. – М.: Наука, 1971. – С. 111-121. Иброҳимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари луғати. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.; Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-IV жилдлар. – Тошкент: Фан, 1983-1985; Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент; 1972. – 190 б.; Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993; Исҳоқов Ф. “Бобурнома” учун қисқача луғат. – Андижон; 2008.

<sup>2</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати.1-5-жилдлар. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси, 2006-2008.

<sup>3</sup> Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий // Мерос туркуми. – Тошкент: Камалак, 1991. – Б.175-265; Девони Мавлоно Комил маънавий шохони Хоразм. Лит. Г.Яковлева. – Ташкент, 1327 хиж. – Б.26.

<sup>4</sup> Абдуллаев В. Алишер Навоий аъёнларининг хоразмлик шоирлар томонидан давом эттирилишига доир // Шарқ юлдузи. – 1959. – № 4. – Б. 127-137.

<sup>5</sup> Қаюмов А. Муҳаммад Ризо Огаҳий // Қизил Ўзбекистон. – Тошкент, 1959. 14 сентябрь.

<sup>6</sup> Воҳидов З. Огаҳий // Ўзбек адабиёти тарихидан. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1961.

<sup>7</sup> Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин / Нашрга тайёрловчи Хуршид. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1960.

<sup>8</sup> Мажидий Р. Огаҳий лирикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1961.

<sup>9</sup> Долимов С. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижоди: Филол. фанлари. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1963; Маърифат фидойиси. (Субутой Долимов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан) – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. – 221 б.

бирга Ф.Ғанихўжаев Огаҳий асарларини рус тилига таржима қилишда ҳам фаоллик кўрсатди. Олим 1998 йилда “Огаҳийнинг “Таъвиз-ул-ошиқин” девони ва унинг илмий-танқидий матни” мавзусидаги докторлик диссертациясини адабий манбашунослик ва матншунослик йўналишида химоя қилди<sup>1</sup>. Бундан ташқари Ф.Ғанихўжаев ўзининг “Огаҳий Хоразмийнинг форсий шеърларига бир назар” мақоласи билан Огаҳийнинг форсий меросига жаҳон эроншунослари эътиборини тортишига ҳам ҳисса қўшди<sup>2</sup>. Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодига оид монографик тадқиқотлар Қ.Султонова, А.Примқулов<sup>3</sup>, М.Матёкубова<sup>4</sup>, Г.Холлиева<sup>5</sup>, Т.Матёкубова<sup>6</sup> томонидан амалга оширилди. Шунингдек, Огаҳий форсий меросининг бир қисми А.Аҳмедов томонидан ўрганилган<sup>7</sup> бўлса, уларнинг аксари шоир М.Абдулҳаким томонидан бадиий таржима қилинди<sup>8</sup>. Огаҳий асарларининг Ғ.Каримов, С.Долимов, Хуршид ва кейинчалик А.Абдуғафуров раҳбарлигида нашр қилиниши маданий ҳаётимизда катта воқеа бўлди<sup>9</sup>. Огаҳий таваллудининг 190 йиллиги муносабати билан “Огаҳий абадияти” номли мақола ва эсселар тўпламининг ҳамда “Атоқли шоир, тарихнавис ва таржимон” китобининг нашр қилиниши огаҳийшуносликда муҳим воқеалардан бири бўлди<sup>10</sup>.

<sup>1</sup> Ғанихўжаев Ф. “Таъвиз-ул-ошиқин” девони ва унинг илмий-танқидий матни: Филол. фанлари д-ри ... дисс. автореф. –Тошкент, 1998; Шу муаллиф. Огаҳий асарлари тавсифи. – Тошкент: Фан, 1986. – 125 б.

<sup>2</sup> نگاهى به اشعار فارسى آگهى خوارزمى . مجلة ايران شناخت . نامه انجمن ايران شناسان كشور هاى مشترك المنافع و فقار . شماره نهم . 1379 . تهران .

<sup>3</sup> Примқулов А. Огаҳий маснавийлари: Филол. фанлари. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 1998 – 25 б.

<sup>4</sup> Матёкубова М. Огаҳий лирикасида кичик жанрлар: Филол. фанлари. номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 23 б.

<sup>5</sup> Холлиева Г. Огаҳий мусамматлари: Филол. фанлари. номзоди ... дисс. – Тошкент, 2000. – 23 б.

<sup>6</sup> Матёкубова Т. Образ ва талқин (Огаҳий шеърлятида анъанавий образлар мисолида). – Тошкент, 2002.

<sup>7</sup> Аҳмедов А. Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг форсий мероси // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1985. – №1. – Б. 46-51.

<sup>8</sup> Огаҳий. Ой кетди, офтоб келди. Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси. – Хива: Хоразм Маъмур академияси нашриёти, 2002. – 42 б.

<sup>9</sup> Муҳаммад Ризо Мироб Эрнӣзбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 1-6-жилдлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971–1980; Огаҳий. Таъвиз-ул-ошиқин. –Тошкент: ЎзФАН, 1960; Огаҳий. Ишқ аҳлининг тумори. Танланган асарлар. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1999.

<sup>10</sup> Огаҳий абадияти. Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети, Хоразм Маъмур академияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 152 б.; Атоқли шоир, тарихнавис ва таржимон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.

Ўзбек таржимашунослигида Огаҳийнинг таржимонлик маҳоратига боғлиқ монографик тадқиқотлар амалга оширилган<sup>1</sup>. Огаҳийнинг тарихий асарларидан В.В.Бартольд, П.П.Иванов, Я.Ғ.Ғуломов, М.Йўлдошевлар ўз тадқиқотларида унумли фойдаланганлар<sup>2</sup>. Қ.Муниров XIX аср ва XX аср бошларидаги Хива хонлигидаги тарихнавислик масаласини тадқиқ қилиш билан бирга Огаҳийнинг ҳаёти ва ижодига оид махсус рисола ҳам ёзган<sup>3</sup>. Огаҳий ижодининг М.Сафарбоев томонидан фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилиниши буюк мутафаккирнинг ижтимоий-сиёсий ва эстетик қарашларини ўрганишда муҳим босқич бўлди<sup>4</sup>.

Лекин Огаҳий асарларини лингвистик жиҳатдан ўрганиш ханузгача долзарб муаммолигича турибди. Огаҳий асарлари тил хусусиятларига бағишланган илк мақола С.Долимов томонидан эълон қилинган<sup>5</sup>. З.Дўсимовнинг “Огаҳийнинг “Зубдатут-таворих” асарининг лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида” мақоласида эса мазкур асарнинг лисоний ўзига хосликлари кўрсатиб берилган<sup>6</sup>. Олим “Зубдат ут-таворих”, умуман, Огаҳийнинг барча тарихий асарларига хос бўлган лексик ва синтактик хусусиятлар ҳақида мулоҳаза юритар экан, жумладан, уларда форсий изофа ва изофий занжирнинг кенг қўлланганлиги, мураккаб синтактик қурилмаларда форс тили синтактик қурилишининг таъсири катта эканлигини мисоллар орқали кўрсатиб беради. Бу фикрларга қўшилган ҳолда, Х.Назарованинг XV аср охири XVI аср

<sup>1</sup> Комилов Н. Шоир ва таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг бадиий маҳорати: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1970; Шу муаллиф. Бу қадимий санъат... – Тошкент: Ғ.Хулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988; Раҳмонов В. Саъдий Шерозий “Тулистон”ининг ўзбекча таржималари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Самарқанд, 1968.

<sup>2</sup> Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана // Сочинения. – Т. II. – М., 1963; Его же. Культура мусульманства // Сочинения. Т. IV. – М., 1966; Иванов П.П. Очерки по истории Средней Азии. (XVI середина XIX в.) – М., 1958; Его же. Архив хивинских ханов XIX в. – Л., 1940; Его же. Материалы к изучению истории Каракалпаков // Каракалпакия. Т. II. –Л., 1934; Гулямов Я.Г. История орошения Хорезма с древнейших времен до наших дней. – Ташкент: Уздавнашр, 1957; Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эғалиги ва давлат бошқаруви. – Тошкент: Ўздавнашр, 1959.

<sup>3</sup> Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. – Тошкент: Ўз ФАН, 1960.; Шу муаллиф. Хоразмда тарихнавислик (XVII – XIX ва XX аср бошлари). – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2005.

<sup>4</sup> Сафарбаев М. Общественно-политические и эстетические воззрения Агахи: Автореф. дис. ... канд. филос. наук. – Ташкент, 1993. – 25 с.

<sup>5</sup> Долимов С. Огаҳий поэзиясида омоним ва синоним сўзлар // Ўқитувчилар газетаси. 1957. – № 51.

<sup>6</sup> Дўсимов З. Огаҳийнинг “Зубдатут-таворих” асарининг лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида // Огаҳий абадияти. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 37-41.

бошлари насрий асарлари тили синтаксиси борасида билдирган кўпгина фикрларини<sup>1</sup> Огаҳий тарихий асарлари синтаксисига ҳам татбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. XVII-XIX асрлар эски ўзбек тили морфологик хусусиятларини текширган А.Матғозиев кўплаб объектлар қатори Мунис ва Огаҳий қаламига мансуб “Фирдавс ул-иқбол”, Огаҳийнинг “Зубдат ут-таворих”, “Гулшани давлат”, “Шоҳид ул-иқбол” каби асарларини мавжуд кўлэзмаларидан фойдаланган ҳолда таҳлилга тортган<sup>2</sup>. Ҳ.Дадабоевнинг “Огаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминлар тизими хусусида” номли мақоласида баён қилинган назарий фикр ва амалий таклифлар шоир, муаррих ва таржимон ижодкор тили лексикасини ўрганишда муҳимдир. Жумладан, олим Огаҳий тарихий асарлари тилидаги ижтимоий-сиёсий терминлар таркибида қадимги туркий тил ва эски туркий тил давридан фаол кўлланиб келаётган асл туркийча истилоҳлар ўз ифодасини топгани, бу сўз-терминлар бирламчи маъносини деярли айнан сақлаб қолишга эришгани, айти пайтда VII–XIV асрларда кенг ишлатилган туб туркийча истилоҳларнинг маълум қисми Огаҳий даври ўзбек адабий тили сўз бойлигидан чиқиб кетгани, бунинг сабаби эса кўп сонли ўзлашмалар ва янгидан ясалган лексик birlikларнинг фаоллашуви эканлигини тўғри таъкидлайди<sup>3</sup>. Огаҳийнинг тарихий асарлари нашрига илова луғат тузган Н.Норкулов хизматларини ҳам шоир, муаррих ва таржимон ижодкор асарлари тилида ўзлашма сўзларни ўрганишга қўшилган ўзига хос ҳисса сифатида баҳолаш мумкин<sup>4</sup>. Унда Огаҳий тарихий асарларида ишлатилган 400 га яқин сўз изоҳланган. Яқинда шоир таваллудининг 200 йиллигиарафасида Огаҳийнинг сўнгги асари “Шоҳид ул-иқбол” нашрдан

<sup>1</sup> Назарова Х. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV – начало XVI в. – Ташкент: Фан, 1979. –160 с.

<sup>2</sup> Матғозиев А. Исследование по морфологии староузбекского языка (конец XVII – до семидесятых годов XIX в.): Автореф. дисс ... д-ра филол. наук. – Ташкент; 1979. – 41 с.

<sup>3</sup> Дадабоев Ҳ. Огаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминлар тизими хусусида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) – №3. – Тошкент, 2009. –Б. 21-24.

<sup>4</sup> Муҳаммад Ризо мироб Эрнийезбек ўгли Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. V жилд. –Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. –Б.202-210.

чиқди<sup>1</sup>. Асарга илова қилинган луғатда 500 дан ортиқ сўзнинг изоҳи берилган.

Огаҳий XIX асрда ҳукмронлик қилган Хива хонлари даври воқеаларига бағишланган беш мемуар қисса ёзди. Оллоҳқулихон даври (1825—1843) тўғрисидаги “Риёзу-д-давла”, Раҳимқулихон даври воқеалари (1843—1846) тасвирланган “Зубдату-т-таворих”, Муҳаммадаминхон (1846—1854), Саййид Абдуллоҳхон (1854) ва Қутлуғмуродхон (1855) ҳукмронлик йилларидаги мураккаб ва зиддиятли ҳодисалар ҳақидаги “Жомеъу-л-воқеоти султоний”, Саййид Муҳаммадхон замонида (1856—1865) доир “Гулшани давлат” ҳамда Муҳаммад Раҳимхони соний — Феруз даври (1865—1910) васф этилган “Шоҳиду-л-икбол” каби асарлар шулар жумласидандир. Булар қаторига Шермуҳаммад Мунис ёза бошлаган “Фирдавсу-л-икбол”ни давом эттириб, бадий-тарихий насрнинг мукамал намунаси сифатида яқунлаганини ҳам кўшсак, Огаҳийнинг миллий шеърятимиз ва таржима санъати билан бир қаторда ўзбек мемуар-қиссачилиги ривожига кўшган қиссаси ҳам нечоғлиқ улкан экани аён бўлади.

Ўзбек ва умуман шарқ бадий-тарихий насри Огаҳийгача ҳам кўп асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтгани аён. Носириддин Рабғузий, Мирхонд, Хондамир, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Шермуҳаммад Мунис каби буюк адиблар насрий мероси бунинг далилидир. Бу улуғ ижодкорлар каламига мансуб “Қисаси Рабғузий”, “Равзату-с-сафо”, “Макориму-л-ахлоқ”, “Ҳабибу-с-сияр”, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Бобурнома”, “Фирдавсу-л-икбол” сингари асарлар Огаҳийнинг бадий-тарихий насри учун ўзига хос тажриба мактаби бўлганини таъкидлаш керак.

Ўзбек бадий-тарихий насри тараққиёт босқичларини Огаҳийнинг “Шоҳиду-л-икбол” асари мисолида ўрганган манбашунос Нафас Шодмонов

<sup>1</sup> Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-икбол. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 335 б.

жаҳон адабиётида тарихий наср муаллифлари бадиий адабиёт ривожига сезиларли ижобий роль ўйнагани, Европа адабиётшунослигида антик тарихнавислик замонавий наср учун катта салмоққа эга сюжетлар, бадиий ишланган образлар тақдим этиш билан бирга услубий мактаб ролини ўтагани ҳақида ёзиб, грек тарихнависи Плутарх, инглиз хронистлари Р. Холин-шед, Г.Холл кабиларнинг мероси Шекспир, Руссо ва бошқа кўплаб адиблар ижодига катта таъсир ўтказганини бунга мисол тариқасида келтиради. Хитой адиби Сим Цяннинг "Тарихий битиклар"и ("Ши цзи"), "Умр дафтари" ("Лечжуань") каби асарлар тарихнависликнинггина эмас, балки келажак адабий насрнинг тараққиёти тамойилларини белгилашга ҳам хизмат қилганини, Ат-Табарий ва ибн Халдун мероси араб ва ажам тарихнавислари учун намуна бўлганини таъкидлайди<sup>1</sup>.

Шу пайтга қадар асосан тарихий асарлар сифатида баҳоланиб келган Огаҳий бадиий-тарихий насрини махсус ўрганган Воҳид Абдуллаев бу асарларни "тарихий-бадиий проза"<sup>2</sup> намуналари деб атаса, устоз манбашунослар — Ғулом Каримов ва Субутой Долимов уларнинг "бадиий-тарихий асар тарзида қимматли" эканига урғу берадилар<sup>3</sup>. Н.Комилов эса Огаҳийнинг таржима асарлари тахдили мисолида миллий адабиётимиз тарихида яратилган "қисса ҳикоялар (повест)"ларга эътибор қаратади<sup>4</sup>. Бинобарин, Огаҳийнинг тарихий мавзудаги барча насрий асарлари, жумладан, тадқиқотимиз манбаи бўлган "Зубда-ту-т-таворих" ("Тарихлар сараси") ҳам биринчи навбатда бадиий, ундан кейингина тарихий асар ҳисобланади.

Муқим тарихий маълумотлар берилган бўлишига қарамай, услуби, жанр хусусиятлари, ифода тарзи ва бошқа белгиларига кўра "Зубдату-т-

<sup>1</sup> Шодмонов Н. // Муҳаммад Ризо Эрнӣзбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-икбол. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – Б. 6.

<sup>2</sup> Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. — Тошкент: Ўқитувчи, 1967, – Б. 380

<sup>3</sup> Каримов Ғ., Долимов С. Огаҳий — тарихчи / Огаҳий. Асарлар, VI жилдлик, V ж. — Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, – Б.16.

<sup>4</sup> Комилов Н. Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати // Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон (Огаҳий ҳақида мақолалар). — Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999, – Б. 80.

таворих”ни ҳам, Огаҳий бадий-тарихий насрининг бошқа намуналарини ҳам соф тарихий-илмий асарлар сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу асарларни адабий манба сифатида ўрганиш эса тилшунослик, адабиётшунослик, хусусан, унинг ажралмас таркибий қисми бўлган манбашунослик ва матншунослик учун муқим илмий-назарий хулосалар бериши аниқ.

Марказий Осиёда яратилган диий-тарихий асарлари ҳақида америкалик олим Э. Олворснинг “Ўзбек адабий сиёсати” китобида тахлилий фикрлар учрайди. Э.Олворс тадқиқотидан кейин орадан кўп йиллар ўтиб, яна бир америкалик олим Юрий Брегел мумтоз шоир ва муаррих Шермуҳаммад Мунис ва Муҳаммад Ризо Огаҳий қаламига мансуб "Фирдавсу-л-иқбол"нинг дастлаб илмий-танқидий матнини яратди, кейин эса асарни инглиз тилига таржима қилиб, икки жилд ҳолида нашр эттирди<sup>1</sup>.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллари охирида устоз олимлар Ғулом Каримов ва Субутой Долимов саъй-ҳаракатлари билан Огаҳий асарларининг олти жилдлиги нашр этилган. Бадий-тарихий асарлари жамланган бешинчи жилдда "Зубдату-т-таворих"дан" сарлавҳаси остида асардан кичик бир парча эълон қилинган. Бироқ Абулғози Раҳимқули Муҳаммад Баҳодирхон салтанати даврига бағишланган бу мемуар-қиссанинг илмий изохлар билан таъминланган тўлиқ матнини чоп этиш имкони бўлган эмас. Табиийки, ўша кезлари асарнинг мукамал нашрини амалга ошириш тўғрисида орзу ҳам қилиб бўлмас эди. Чунки, бадий-тарихий насрнинг бу юксак намунаси моҳиятан ўша даврдаги ҳукмрон мафкура сиёсатига тамомила зид эди. Унда тарихий воқелик бетакрор бадиият билан тасвирланган, ҳукмдор аждодларимизнинг жоҳиллиги эмас, фазилатлари хусусида баҳс юритилган эди.

Таъкиддаш жоизки, узоқ муддат давомида "Зубдату-т-таворих" тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келди. Ўтмиш адабий-тарихий меросни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайган бугунги

<sup>1</sup> Жаббаров Н. // Муҳаммад Ризо Огаҳий. Зубдату-т-таворих. –Тошкент: Ўзбекистон, – Б. 6.

кунда, замондошларимизни, айниқса, ёш авлодни мазкур асарнинг асл моҳиятидан хабардор қилиш, бунинг учун эса асарнинг илмий изоҳдар билан таъминланган мукамал нашрини амалга ошириш ҳаётий заруратдир. Бинобарин, асардан эълон қилинган парча, таъкидданганидек, ўқувчига унинг мазмун-моҳияти ҳақида тўлақонли тасаввур бера олмайди. "Зубдату-т-таво-рих"нинг илмий изоҳлар, луғат ва кўрсаткичлар билан таъминланган асл кўлёзма манба асосидаги тўлиқ табдили эҳтиёж самараси эканини таъкиддаш керак.

Шарқда, жумладан, Туронзаминда ҳукмдорларнинг сўзга илоҳий неъмат деб қарашлари одатий ҳол. Яхши ном қолдириш — улар ҳаётининг асосий дастури ҳисобланган. Хива хони Раҳимқулихоннинг "зикри жамил" ва "васфи жалил"ини "замон авроқида боқий қолдириш" ва "жаҳон аҳлин хайрат баҳрига солиш"дек хайрли нияти "Зубдату-т-таво-рих" асари яратилишининг асосий сабабидир. Маълум бўладики, Огаҳий бу мемуар-қиссани Раҳимқулихон фармониға биноан ёзишға киришган.

"Зубдату-т-таво-рих" икки қисмдан иборат. Муаррих қайд этганидек, асарнинг биринчи қисмида Раҳимқулихоннинг туғилиши, илм ўрганиш ва ҳарбий маҳорат эгаллаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, бўлғуси хоннинг Ҳазорасп ҳокими сифатида олиб борган фаолияти сажъли насрда (насри мусажжаъда) гўзал бадий шаклда муфассал баён қилинади. Асарнинг иккинчи қисми Раҳимқулихоннинг салтанат тахтига ўтирган кунидан то вафотига қадар содир бўлган воқеалар тасвириға бағишланган.

Асар, таъкидданганидек, сажъли насрда ижод этилган. Унда Хива ҳукмдори Раҳимқулихон эзгу фазилатлар соҳиби сифатида улуғланади, унинг кўплаб илмларни эгаллагани, фуқароға шафқат ва марҳамат, карам ва саховат кўрсатишда тенгсиз экани васф этилади. Хива хонларининг маърифатли бўлганини, адабиёт ва санъат, илму ҳунар ривожига алоҳида эътибор берганини эътироф этган ҳолда, таъкидлаш керакки, бу сингари тавсифлар тарихий ҳақиқатға тўлиқ мутаносиб бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ бир

нарса аниқки, бу тавсифлар замирида Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг одил шох ҳақидаги орзу-идеаллари оҳорли поэтик ташбиҳлар билан ифодаланган.

Асар муаллифининг фикрича, ҳукмдор уч фазилат эгаси бўлиши шарт: олий насаб, илму маърифат ва ҳарбий маҳорат.

Тарихни ўрганишдан мақсад ундан ибрат олиш. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, "Не ишдин мамлакат обод, қаю ишдин улус барбод бўлган"ини тафаккур кўзгусида кўриб, ибрат олингандагина бу мурод ҳосил бўлади. Бадиий-тарихий асар сифатида "Зубдату-т-таворих"нинг аҳамияти бу жиҳатдан ҳам катта. Асарда Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги ўзаро низолар, қонли урушлар, уларнинг оқибатлари ҳақидаги ҳаққоний маълумотлар таъсирчан ифодаланган. Аксар фикрлар Қуръони карим оятлари ва пайғамбар алайҳиссалом ҳадислари билан далилланган. Иймонсизлик, фосикдик, эътиқодсизликнинг оқибати хорлик экани тарихий воқеликнинг бадиий талқини орқали акс эттирилган.

Асарда кўплаб назм намуналари ҳам келтирилган. "Зубдату-т-таворих"даги шеърий жанрларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: қасидалар (6 та), маснавийлар (70 та), ғазаллар (4 та), рубоийлар (7 та), китъалар (10 та), таърихлар (4 та), фардлар (6 та). Бундан ташқари, "назм" сарлавҳасида 16 та шеър берилган. "Зубдату-т-таворих" даги шеърлар жами 1176 байт (2352 мисра)ни ташкил этади.

Огаҳийнинг барча тарихий-бадиий асарлари каби ушбу асар ҳам мутафаккир адиб тилининг ноёб кирраларини ўзида жамлайди. Жумладан, биз асар тилининг ўзига хос жиҳатларидан бўлган қуйидаги жиҳатларига эътибор қаратишни лозим топдик.

**Синонимлардан фойдаланиш маҳорати.** Маълумки, "синонимлар талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий)

бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиши каби хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир”<sup>1</sup>.

Огаҳийдек даҳо адибнинг кенг тафаккури ифодаси учун, тарихий асарни ҳам Шарқ муаррихлиги анъанаси бўйича бадият билан зийнатлаш учун бой лексик фонд зарур эди. Бу фонд бойлигининг – ташқи манбасининг бир жиҳатини Огаҳий муҳити ва ўша давр зиёлилари учун мўътадил бўлган арабий ва форсий сўзлар таъминлар эди. “Зубдат ут-таворих”даги арабизмлар бўйича илк кузатишлар шу тўхтама олиб келади.

Асарда ўзаро синоним арабча сўзлар кўплаб учрайди. Шу билан синонимик қатор арабий, форсий ва туркий сўзлардан ташкил топган. Масалан, *баводи*: *بوادى* – “бодийә” *باديه* “дашт”, “чўл”нинг кўплиги ва *саҳари*: (бирлиги *صحرا* саҳро) сўзлари ўзаро синоним бўлиб, иккаласи ҳам арабча сўздир. Огаҳий лексикасида, шунингдек, форсча *дашт*, туркий туркий *чўл*, *ёзи*, *қум* / турк. / сўзлари ҳам мавжуд. Демак, Огаҳий тилида “дашт”, “чўл” маъносини ифодаловчи олтига сўз бор, Бундан ташқари иккита сўзнинг синиқ кўплиги “баводий” ва “саҳорий” алоҳида лексик бирлик саналади. Мисоллар: ва қатъи *баводий* ва таййи *саҳорийдин* сўнг Бухоро мамлакатининг қутби шимолий тарафидаги мутаваддин ва мутамаккин бўлуб ўлтурғон қазоқия улусининг аҳшомифа чаповул тундбодин еткуруб, ул жамоанинг хирмани жамъиятин тафриқа ҳавосифа совуруб, ғоятсиз амволу ниҳоятсиз ашёни ўлжа қилиб, муовадат этдилар ва ражаб ойининг авоситида мулозаматға етиб, машмули мароҳими хусравона бўлдилар.(131б)

Сифмайин арсаи биёбонға,  
 Ҳаддин афзун қизу жувон келди.  
 Водийу *дашт* аро узилмай изи,  
 Кўкда ондоқки, қаҳқашон келди.  
 Бу янглиғ сайд этиб *саҳро* шикорин,  
 Шикор амрида рафъ айлаб хуморин.

<sup>1</sup> Ҳижиев А. Ўзбек тили синонимлари изоҳли луғати. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 3.

Ададда резаи қумдин зиёда,

Демай қум, хайли анжумдин зиёда.

Ёки *шаҳанä* شاهانه сифатининг ифодасини ташкил қилган синонимик қаторга назар ташлайлик: *шаҳана*:( сарупойи шоҳона).(180-б); *хусрәванä* خسروانه : (навозишоти *хусравонадин* аржумандлиғ...топдилар). (187-б.); *падшаҳанä* پادشاهانه : ( подшоҳона зиёфатлар қилиб,..)( 187-б)

Юқоридаги учала сўз ҳам форсийдир.

Шунингдек, Огаҳий тарихий-бадий асарлари тилида ушбу қатордан арабча + форсий таркибли *мулуканä* ملكانه (чаҳоршанба сабоҳи ҳазрат зиллуллоҳий зиёфати шоҳона ва жашни *мулукона* мураттаб ва муҳайё қилдуруб,..)(167-б); арабий *султани*: سلطانى (тонгласи панжшанба куни дабдабаи *султоний* ва кавкабаи каёний била кўчуб, роятафзойи азимат бўлди..)(62-б), тарихан *шаҳ* сўзи ва *-вор* кўшимчаларидан таркиб топган *шāхвар* شهوار каби сўзлар ҳам ўрин олган: (жумъа сабоҳиким, куёш *шāхвори* сипехри барин ҳисориға нур ва ҳабо лашкарининг ҳамроҳлиғи била юз кўйди,)(62-б).

Асарда бир синонимик қаторни ташкил қилувчи арабча сўзлар талай. Масалан, *қатъ* قطع ва *убур* عبور ҳамда *тайй* طى сўзларини олиб кўрамиз. Ҳар учала сўз ҳам арабча бўлиб, *ўтиш* деган маънони англатади. Мутлақ кўпчилик синонимларда бўлгани каби бу сўзлар орасида ҳам нозик маъно фарқлари кузатилади. Чунончи, *қатъ*нинг луғавий маъноси *кесиш* бўлиб (у *кесмоқ* маъносидаги *قطع* *қатъä* феълининг масдаридир), бирор манзилни *кесиш* *ўтишни* англатса, *тайй* манзилни *тўла босиб ўтиш*, *убур* عبور эса кечувдан *кесиш* *ўтишни* англатади. Масалан, “етти кун *қатъи* манозил ва *таййи* мароҳил қилиб, рабеъу-л-аввал ойининг учида, душанба куни Марв вилоятиға ворид бўлуб,.. (110-б.); Ва Чаҳоржўй гузаридин дарёйи Амудин *убур* қилиб, Хоразми эрамбазм савбиға азимат оҳангин тузди. (110-б.).

Яна бир мисол .Ғоятсиз *амволу* ниҳоятсиз *ашёни* ўлжа қилиб... (131-б.) жумласида *āmвал* اموال ва *āшйа* اشيا сўзлари синоним эканини кўрамиз.

*Амвол малнинг* , *айша шай* (нарса)нинг мафъол **افعال** вазнидаги синик кўплигидир. “Амвол” деганда, асосан, дунёвий харж учун зарур буюмлар, моддий неъмат анланса, “ашё” бунга нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Қисқача қилиб айтганда, ҳозирги ўзбек адабий тилида “мол” сўзи (бунда “мол”нинг “қорамол” маъносини эътиборга олмай турамыз) ва “нарса” сўзи ўртасида қандай маъно тафовути бўлса, худди шулар “амвол” ва “ашё” сўзлари ўртасида мавжуд.

Асардаги баъзи арабий сўзларга туркий ва форсий олд кўшимчалар кўшиш орқали синонимлар ҳосил қилинади. Масалан, ниҳоятсиз (ар. + турк.), ғайатсиз (ар. + турк.). “Ниҳоят” сўзига бе- **بى** (форий) олд кўшимчасини кўшиш орқали *бениҳоят* сўзи ҳосил бўлади. Қизиғи шундаки, “ғоят” сўзига “ - сиз” аффиксининг аслида антониими бўлган бә - **ۛ** (форий) олд кўшимчаси кўшилганда (*бағоят*) шу маънони, яъни ғоятсиз, кўп деган мазмунни беради. Бу синонимик қатор Оғаҳий тилида *бепайан*, *бекаран* (форий + форсий), *фараван* (форсий), *адақсиз* (туркий) сўзлари билан бойийди. Мисолларга эътибор қаратайлик: ул жамоанинг хирмани жамъиятин тафриқа ҳавосиға совуруб, *ғоятсиз* амволу *ниҳоятсиз* ашёни ўлжа қилиб, муовадат этдилар ва ражаб ойининг авоситида мулозаматға етиб, машмули мароҳими хусравона бўлдилар. (131-б.). Манозили *бепоён* ва баводийи *бекарон* қатъидин сўнг Рафатак йўлиға ворид бўлдилар. (151-б.).

“Зубдат ут-таворих”да синоним феъллар ҳам кўплаб учрайди. Мисол учун *юрмоқ* (бирор манзилга томон) маъносида.

1. Озим бўлмоқ:

*Бўлуб* сонсиз тажаммул бирла *озим*,

Рикобида шаҳаншаҳдар мулозим. (49-б.).

2. Азимат кўргузмак: Ва ул ҳазрат, гоҳо отаси султони мағфур ғазот ва жиҳод иродаси била ҳар тарафга азимат кўргузса эрди,.. (42-б.)

3. Азимат оҳангин тузмак.

4. Таважжух кўргузмак.

## 5. Таважжух тавсанин сурмак.

Келтирилган мисоллардан аёнки, кўмакчили феълларнинг от қисми арабча. Кўмакчили феълларда феълнинг англатадиган маъноси ҳамда кўмакчи қисмининг қандай / ўтимлими ёки ўтимсиз / бўлиши унинг от қисми англатган маънога боғлиқ бўлади. Юқоридаги мисоллардаги *а з и м*, *а з и м а т* сўзлари ўзакдош / *عزم* ʔазāмā жўнамоқ, йўналмоқ феълидан / . “Озим” *عازم* мазкур феълнинг аниқ даража сифатдоши бўлиб, йўналувчи деганидир. Шунинг учун ҳам унинг кўмакчи қисми / бўлмоқ / феълдир. “Азимат” *عزمت* ʔазāмā *عزم* феълининг масдари / ҳаракат номи / дир. “Азимат аҳангин тузмак” феъли бадий бўёқ бериш натижасида ҳосил бўлади. ва айнан “сафар куйини чалмоқ” деганидир.

“Таважжух” “важҳ” *وجه* сўзининг юз, чехра маъноси асосида юзага келиб, айнан “юзланиш” демакдир. Бу сўз “кўргузмак” феъли билан бирга келиб, юзланмоқ маъносини беради. Бадий бўёқдорлик бериш орқали “таважжух тавсанин сурмак” / айнан : юзланишнинг саркаш отини елдирмоқ” феъли ҳам ушбу қатордан жой олади.

Асардаги ўзаро синоним феъллар ичида доминанта мақомини туркий туб феъллар эгаллайди. Масалан, муовадат *этмак* / 178-бет /, *ä в д э т м а к*, *м у р о ж ä ä т этмак* / 178-бет / синонимик қаторида *қ ä й т м о қ* / 178-бет / феъли доминанта эканини кўрамиз. Огаҳий тили лексикаси ҳам феъллар ривож ва ифода қуввати борасида эски ўзбек тили форсийга нисбатан устунлигини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Огаҳийнинг “Зубдат ут-таворих” асарида синонимлар туркий сўзларга арабий ва форсийдан ўзлашган сўзлар синоним бўлиши, туркий феълларга от қисми арабча ёки форсча бўлган сўзлар билан туркий кўмакчи феъл орқали синоним ҳосил қилиниши ( кайтмоқ турк. – туб феъл; муовадат ( ар.) – кўмакчи феъл каби) , кўмакчи қисм кўпинча *этмак*, *айламак*, *чекмак*, *кўргузмак*, *бўлмоқ* каби феъллар орқали, бадий бўёқдорлик орқали синонимик қатор бойитилиши ( асир / ар. / қилмоқ / турк.

/ феълига асорат / ар. / қайд / ар. / иға гирифтор / фор. / қилмоқ / турк. / сингари воситалар билан бойиганини кўрамыз.

Кейинги йилларда Огаҳий асарлари тилини монографик планда тадқиқ қилиш бошланди. Бу эса огаҳийшуносликнинг муҳим бир йўналиши ривожига йўл очиб беради. Жумладан, Р.Йўлдошевнинг 50 дан ортиқ мақоласи эълон қилинган<sup>1</sup>. Огаҳий тилини лексикологиядан бошқа сатҳлар доирасида ҳам монографик ўрганиш бугунги кунда тилшунослигимизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

---

<sup>1</sup> Йўлдошев Р. Огаҳий поэзиясида соннинг қўлланилиши // Илм сарчашмалари. – 2004. – №4.– Б. 92-96; Огаҳий поэзиясида омонимлар // Мунаввар умр. – Урганч, 2005, – Б. 84-85; Огаҳий поэзиясида антонимлар // Илм сарчашмалари. – 2005. – №1.– Б. 52-55; Огаҳий поэзиясида спортга алоқадор сўзлар // Илм сарчашмалари. – №4. 2004; Огаҳий поэзиясида “ов” мазмун майдони // Илм сарчашмалари. – 2005. – №4. – Б. 78-82; Огаҳий поэзиясида озиқ-овқат ва ичимликлар билан боғлиқ сўзлар // Илм сарчашмалари. – 2006 – №1 ва ҳоказо. Олимнинг мақолалари рўйхати билан УрДу сайтида танишиш мумкин.

## I B O B

### АСАРДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ МАВЗУИЙ-СЕМАНТИК ГУРУҲЛАРИ

“Зубдату-т-таворих”даги ўзлашма сўзларга мансуб сўзларни муайян мавзуй-семантик гуруҳларга ажратган ҳолда таҳлил қилиш мумкин ва уларни қуйида тегишли бўлимларда кўриб чиқамиз:

#### 1.1. Мансаб ва унвонни англатувчи сўзлар

XIX аср Хива хонлигида амалда бўлган мансаб ва лавозим, унвонлар хусусида нисбатан тўлароқ тасаввур ҳосил қилишимизда ўша даврда яратилган тарихий асарлар билан бир қаторда Хива хонлиги архиви материаллари ҳам катта ёрдам беради. Мавзуга доир адабиётларда мансаб ва унвон номлари турли тарзда гуруҳларга ажратилган. Масалан, Н.А.Баскаков Хива хонлигидаги мансаб ва унвон номларини юқори ва маъмурий ҳукумат эгаларининг мансаб ва унвонлари, Хива хонлигидаги сарой амалдорлари унвонлари, ҳарбий мансаб ва унвонлар, диний мансаб ва унвонлар, суд тизими номенклатураси, солиқ тўловчи табақалар мансаб ва унвонлари тарзда 6 гуруҳга ажратиб таҳлил қилади<sup>1</sup>.

XIX аср Хоразм тарихнавислари асарлари ва Хива хонлари архиви материаллари асосида ўша даврда Хива хонлигида амалда бўлган мансаб ва лавозим номларини ўз навбатида қуйидаги кичик гуруҳларга ажратиш мумкин:

***а) мутлақ ҳукмдор (монарх) тушунчасини ифодаловчи сўзлар.***

Мумтоз ўзбек адиблари, жумладан, Огаҳийнинг тарихий асарлари тилида “монарх” тушунчасини ифодаловчи бир қанча сўзлар мавжуд бўлиб, улар

---

<sup>1</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства // Советская тюркология. – 1989. – №1. – С.63-71.

асар ёзилган ёки воқеалари баён қилинаётган давр, муаллифнинг хос услуби ва бошқа жиҳатларни эътиборга олган ҳолда бир-бирига маънодош сифатида, айрим ўринларда эса фарқланган ҳолда ишлатилган. Хусусан, Огаҳийнинг “Зубдату-т-таворих” асарида мазкур тушунчани ифодаловчи ўзлашма *қайсар, шох, шахриёр, подшоҳ, хусрав, султон, ҳоким, амир, волий, кадхудо* каби тарихий сўзлар ишлатилганини кўрамиз.

*Шох* شاه сўзи асар давомида қуйидаги маъноларда ишлатилган:

*Хоннинг* синоними:

1. Суруб якронини шоҳи ягона,  
Чу бўлди сайдгоҳ сори равона.

2. Вассал вилоят ҳокими: Ва ҳамул кун қадимий хизматкорлардин ихлоснишон Мирзохон халифани Ҳирот вилоятининг волийи волошони шоҳ КомронҒақим, бу хонадони иззатмақоннинг қадимий ихлоскишларидин эрди, элчилик йўсунида муҳаббатнома топшуруб, ирсол қилди.(62-б) Таъкидлаш зарурки, Огаҳий тарихий асарларида ушбу сўз шахс исмига қўшилиб келган ҳолларда расмий унвон мазмуни касб этади. Масалан, *Фатҳалишоҳ*.

Кўринадики, бу ҳолда *шоҳ* сўзи шахс исмидан олдин қўлланилади. Бу тарзда маъно фарқланишини *мирзо* сўзининг қўлланишида ҳам кузатамиз. Шунини ҳам таъкидлаш лозимки, араб истилосидан кейин Эрон монархларида шоҳ унвони таомилдан чиқади ва салжуқийлардан Маликшоҳ давридан бошлаб яна қўлланила бошлаган. Барча вакиллари исми таркибида *шоҳ* унвони бўлган биринчи сулола сафавийлар эди. Уларда шоҳ унвони исм олдидан келган: *Шоҳисмоил, Шоҳаббос* каби. Кейинги сулолалар, жумладан, “Зубдату-т-таворих”да тилган олинадиган кочорларда мазкур унвон соҳиби номидан кейин келади. Масалан, *Фатҳалишоҳ* каби<sup>1</sup>. “Зубдату-т-таворих”да *шоҳ, шахриёр, подшоҳ* сўзлари билан бирга шу мазмунда *шаҳанишоҳ* сўзи ҳам

<sup>1</sup> Гафуров О. Асма ул-хусна ёхуд табаррук исмлар. II қисм. – Тошкент, 1998. – Б. 56.

учрайди. *Шоҳанишоҳ, шаҳанишоҳ шоҳоншоҳ شاهان شاه* нинг ўзгарган шакли бўлиб, “шоҳлар шоҳи” деган маънони билдиради<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Огаҳий асарлари лексикасида юқоридагиларга синоним сифатида *хусрав // хисрав خسرو* сўзи ҳам учрайди, шунингдек, унга ўзакдош *хусравона, хусравоний* сўзлари ҳам фаол ишлатилган. *Хусрав* сўзи паҳлавий *husriv* (“яхши ном” маъносида, *husrav* шакли ҳам бор), “Авесто”да *husravah*, санскритда *sushravas*, ўрта форс тилида *xosrau* шаклларида бўлган<sup>2</sup>. Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг ёзишича, *хусрав*нинг арабийлашган (муарраб) шакли *кисродир*<sup>3</sup>. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз ўз нубуввати аввалида Эрон шоҳи Кисрога мактуб йўллаган дейилади. Кейинчалик форс тилида ҳам, эски ўзбек тилида ҳам бу сўз муайян маъноси – Эрон шоҳи мазмунидан монарх тушунчасининг умумий ифодасига айланган. Асарда *хусрав* сўзи *подшоҳ* каби юқорида таъкидланган маънода ишлатилган, аммо фарқли томони бу сўзда ҳам *шоҳ*даги каби таъзим, улуғлаш, кучли мадҳ каби маъно оттенкалари мавжуд:

Қуш солиб Хусрави Скандаршон,

Сайд аснофи ичра солди қирон.

(181-б)

*Шаҳриёр شهریار* сўзи ҳам мумтоз адибларимиз тилида “подшоҳ” маъносида ишлатилган<sup>4</sup>. Асарда мазкур сўз кўп ҳолларда *хон*нинг синоними сифатида келади: Чун офтоби оламтоб шаҳриёри сипехри рифъатмаоб марғзоридин инонтоб бўлуб, мағриб боргоҳиға юз қўйди, ҳазрат зиллуллоҳий шикоргоҳдин фараҳи тамом била мурожаат кўргузуб, собиқан мазкур бўлғон ҳавлининг ғарбий жонибидағи Чўнкўлни мухайями хиёми давлат ва мазриби сародиқоти савлат қилиб, баҳори нузулидин хулди барин янглиғ таровати тоза ва назорати беандоза еткурди . (106-б)

<sup>1</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه . Al-rans. www. mehrahgam. com. درج ۳.

<sup>2</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دکتر محمد معین . تهران . امیر کبیر . ۱۳۸۶ . جلد ۲ . ص ۷۴۸ .

<sup>3</sup> ابو عبدالله محمد احمد بن يوسف خوارزمی . مفاتیح العلوم . الناشر کمال الدین الادهمی . مصر . ۱۳۴۹ . ص ۷۷ .

<sup>4</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه . Al-rans. www. mehrahgam. com. درج ۳.

Асарда ушбу сўз кўп ҳолларда монарх маъносида эмас, кўчма маънода бадиий восита сифатида ишлатилган.

*Подшоҳ* پادشاه . Эроний қатламга мансуб ушбу сўз *монарх* тушунчани ифодалашда мумтоз адибларимиз тилида кенг қўлланилган. *Подшоҳ* сўзи асарда *монарх* тушунчасини умумлаштирган ҳолатда ифодалаган. Буни қуйидаги парчалар орқали ҳам кўришимиз мумкин:

1. *Монарх* тушунчасининг умумий ифодаси сифатида: ...ҳазрати *подшоҳи* карам дастгоҳ Оқдарбанд элига марҳамат ва шафқат кўргузуб... (263<sup>б</sup>).

2. Хива ва Қўқон хонларига нисбатан: . Ва бирор муддатдин бери Тошканд ҳокими Давронбий ва Туркистон ҳокими Қаноатшоҳ Хўқанд вилоятининг подшоҳига инод ва саркашлик кўргузуб.., (186-б)

3. Бухоро амирига нисбатан: Чун Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳ бовужудиким, мусолаҳа биносиға аҳди мушайяд ва паймони муаккад била эҳтимом ва истехком бериб эрди.., (169-б)

4. Эрон шоҳига нисбатан: Даргоҳи олампаҳо мулозимларидин садоқатвазифа Бегиш халифаким, Техрон мамоликининг подшоҳи Муҳаммадшоҳдин келган элчига элчи йўсунлиқ кўшулуб Техронға ирсол қилилиб эрди..,(151-б).

*Султон* سلطان сўзи тарихимизнинг турли даврларида турлича мазмун касб этиб келган: 1. X асрларда мусулмон мамлакатларида ҳукмдор *султон* дейилган. XI асрда салжукийлардан бошлаб бу унвонни араб халифалигидан мустақил давлат ҳукмдорлари олган. Ҳозирда мазкур унвон давлат бошқаруви монархия бўлган баъзи ислом давлатларидагина сақланиб қолган. Масалан, Бруней султони. 2. Мўғул феодал империяси инкирозидан кейин подшоҳлик қилмаган чингизийлар султон деб юритилган<sup>1</sup>. “Зубдату-т-таворих”да *султон* сўзи қуйидаги маъноларда ишлатилган:

<sup>1</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг қискача луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 54.

1. Муайян истилоҳий мазмун – ўзини чингизийлардан ҳисобловчи кўчманчи хонлар маъносида.

2. *Хон* сўзининг маънодоши сифатида:

Фаррух исми Раҳимқули султон,

Жумлаи олам ичрадур ашҳар.

(93-б)

*Султон* сўзининг *подшоҳ* сўзига синоним сифатида ишлатилганини Навоий асарларида ҳам учратамиз:

Темурхон наслидин *султон* Улуғбек

Ки, олам кўрмади *султон* анингдек<sup>1</sup>.

*Султон*нинг арабча синиқ кўплик шакли *салотин* тарзида ишлатилган:

Салтанат боғининг шигуфта гули,

Шоҳи кишварпаноҳ Раҳимқули —

Ки, салотини даҳр аро эди тоқ,

Адлидин гулистон эди офок

.

*Ҳоким* حاکم . Ушбу сўз асар давомида қуйидаги маъноларда ишлатилган:

1. Вилоят, маъмурий ҳудуд ҳокими<sup>2</sup>: Бу воқеъа кайфияти андоғ эрдиким, Чаҳоржўй ҳокими йигирма отлиғни шайлаб, ҳар қайсисиға йигирма тилло, байроқ ваъда қилиб, Хивақ тавобеъидин "тил" тутмоқ учун ирсол қилиб эркан. (137-б)

2. Қалъа, шаҳар ёки кўрғон ҳокими<sup>3</sup>: . Ва аснои таваққуфда сешанба куни қалъаи Нав ҳокими Каримдодхоннинг иниси Абдулазизхон оқосининг йиборган тухафо ва ҳадоёсин келтуруб, остонаи давлатнишон туфроқиға убудийят бошин қўйди... (69-б)

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – Б. 463.

<sup>2</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه . Al-rans. www. mehrahgam. com. درج ۳.

<sup>3</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه . Al-rans. www. mehrahgam. com. درج ۳.

*Амир* امير сўзи асар давомида қуйидаги маъноларда ишлатилган:

1. Подшоҳ, ҳукмдор<sup>1</sup>, яъни бошқарув тузуми амирлик (аморат) бўлган давлат бошлиғи:... чун Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳким, Баҳодирхонга машҳурдурур, шароратзот ва разолатсифот муқтазосидин бир неча муддат ҳазрат соҳибқирони мағфур ва хоқони мабрур, шаҳаншоҳи жаннатмакон Оллоҳкули Муҳаммад Баҳодирхон сақаоллоҳу сирраҳунинг адовати камарин ҳиммати белига боғлаб,... (80-б)

2. Хива хонлигида *амир* “амирулумаро” каби сарой фахрий унвонларидан бири ҳисобланган<sup>2</sup>.

*Волий* والى – ҳукмдор, подшоҳ. Сўзнинг бу мазмунига *валийа* ولىا феълнинг *эғалик қилмоқ* маъноси асос бўлган. *Волий* ана шу феълнинг аниқ нисбат сифатдошидир. Тарихий асарларда *волий* сўзининг қуйидаги маъноларда ишлатилганини кўраемиз: 1. Вилоят ҳокими. 2. Мамлакат ҳукмдори. 3. XIX асрнинг иккинчи ярмидан кейин яратилган форсий манбаларда генерал-губернатор<sup>3</sup> маъносида.

*Хоразмшоҳ* خوارزمشاه сўзини ҳам ушбу гуруҳга киритиш мумкин. Тарихан бу сўз Хоразмшоҳлар сулоласидан шоҳлик қилган шахсларга нисбатан ишлатилган.

Хива хонлиги архивидаги айрим ҳужжатлар хонга нисбатан улуғлаш мазмунида *хоразмшоҳ* сўзи қўллаганганини кўрсатади. Масалан, Хива хонининг Бухоро амирлигидаги вакили ахборотидан: Ҳазрати *хоразмшоҳ* салламаллоҳу таъоло ан офотин ва-л-балиййати...<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I жилд. –Тошкент: Фан, 1983. – Б. 85.

<sup>2</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С.66.

<sup>3</sup> Персидско-русский словарь. Том II. – М.: Русский язык, 1983. – С. 692.

<sup>4</sup> ЎзР Марказий Давлат Архиви фонди. И-125, Рўйхат №2, Иш №221, Варақ №1 олд томони. (Нусхани А.Ўрабобов тақдим килди).

Қуйидаги парчада “монарх” тушунчасини ифодаловчи бир неча сўз ва бирикмалар Оллоқулихон мадҳида ишлатилган: ... улҳазратнинг волиди бузургвори, ҳазрати соҳибқирони мағфур ва шаҳаншоҳи мабрур, султони фирдавсмакон Оллоқули Муҳаммад Баҳодирхон... (31-б)

Архив ҳужжатлари хонга ёзма мурожаатда худди шундай дабдабали услуб ишлатилганидан гувоҳлик беради. Масалан, 1285/1868 йилга мансуб ҳужжатдан: Аморат айвонининг маснаднишини, аёлат девонининг соҳибнигини, умдат ул-умаро ва мураббий ул-фуқаро, гули гулшани адолат, чамани боғи латофат, жаҳонбони даврон, хусрави соҳибқирон, халифат ур-рахмон, вориси мулки Сулаймон, боис ул-амну ва-л-амон, хоқони хавоқини киром, шоҳоншоҳи гардуниҳтишом, зиллилоҳ, аъно...<sup>1</sup> Бундай услубда битилган ҳужжатларга яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин<sup>2</sup>.

**б) ҳукмдор вориси маъносини англатувчи сўзлар:** *Шаҳзода* شهزاده сўзи асарда ўзининг синоними бўлган *валиаҳд*га нисбатан кенг истъмолда бўлганини кузатамиз: ...йўл асносида уламоий изом ва умаройи киром ва олиймакон шаҳзодалар ва гардунтавон озодалар истиқболға чиқиб,... (175-б)

**в) давлат бошқарувининг турли лавозимларини англатувчи мансаб ва унвон номлари.** *Вазир* وزير сўзи сиёсий мазмун англатиб, ҳукмдорнинг яқин сиёсий маслакдоши ва кўмакчиси мазмунида олий мартаба эгаси ва давлат ишларининг муайян бир соҳасини бошқарувчи шахс маъноларини касб этади.

Мазкур сўзнинг ўзаги *масъулият олмоқ, юк кўтармоқ* маъносидаги *вазара* وَزَرَةٌ феълидир<sup>3</sup>.

Ва ўзининг рикоби ҳумоюни мулозаматидаги умаройи изом, сархайли киромдин саёдатпаноҳи нажобат икти-ноҳи рафеъмақом Авазхожа

<sup>1</sup> ЎзР Марказий Давлат архиви фонди. И-125, Рўйхат №2, Иш №221, В. 1. (Нухани А.Ўрабоев тақдим қилди).

<sup>2</sup> ЎзР Марказий Давлат архиви фонди. И-125, Рўйхат №2, Иш №221, В. 2,3,4,5,7. (Нухани А.Ўрабоев тақдим қилди).

<sup>3</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1985. – С. 884-885.

шайхулислом ва кўнғирот аозимидин олийнажод, фараҳниҳод вазири равшанзамир Отамурод.кушбеги...

Хива архив ҳужжатларидаги маълумотларга кўра, меҳтарга унинг қўл остидагилар *меҳтар ого//оқо* деб мурожаат қилишган. Масалан, вазоратмаоб, садоқатинтисоб, осафсийар Муҳаммад Яъқуб меҳтар ва Абдуллоҳ Ясовулбоши ва Муҳаммад Яъқуббой валади Гадоийниёз маҳрам ва Муҳаммаджонхожа ва ғайриҳумни мажмуъи навкарлари била ул жанобнинг рикоби ҳумоюни хизматиға буюрди. (109-б)

*Маҳрам محرم* – Хива хонлигида карвон ва чорва молларидан солиқ йиғиш ишларини амалга оширувчи мансабдор<sup>1</sup>. вазоратмаоб, садоқатинтисоб, осафсийар Муҳаммад Яъқуб меҳтар ва Абдуллоҳ Ясовулбоши ва Муҳаммад Яъқуббой валади Гадоийниёз маҳрам ва Муҳаммаджонхожа ва ғайриҳумни мажмуъи навкарлари била ул жанобнинг рикоби ҳумоюни хизматиға буюрди. (109-б)

*Мулозим ملازم* – мулозим, давлатнинг турли ишларида бўлган амалдор, давлат хизматчиси<sup>2</sup>: .... остони олий мулозимларининг назари анвари мутолаасиға еткурди... (137-б)

*Наввоб نواب* – ноиб, ўринбосар<sup>3</sup>. Саройда хонга ёзишмаларни етказиб берувчи, турли арзномаларни баён қилувчи амалдор : ... йиборган маъзиратномасин наввоби давлатинтисоб воситаси била назари ақдаси аъло мутолаасиға еткурди. (173-б)

*Кадхудо كدخدا* – туркман қабилаларида оталиқ, бекларбеги мансабларига мувофиқ вазифа<sup>4</sup>. Ва Анав ва Калот кадхудолари ва Сарахс такасидин Хўжамшукур ва Ўроз Ёғли бошлиғ жамеъ акобир ва аъолийси келиб, мулозамат шарафиға фойиз бўлдилар. (109-б)

<sup>1</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С.69.

<sup>2</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه. Al-rans. www. mehrahgam.com.

<sup>3</sup> Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача лугат. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 196.

<sup>4</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С.67.

*Халифа* **خليفة** сўзи “Зубдату-т-таворих”да хон томонидан махсус топшириқ олган вакил” маъносида келади: Даргоҳи олампаноҳ мулозимларидин садоқатвазифа Бегиш халифаким, Техрон мамоликининг подшоҳи Муҳаммадшоҳдин келган элчига элчи йўсунлиқ қўшулуб Техронга ирсол қилилиб эрди, бир неча муддат шоҳнинг иззат ва икром меҳмонхонаси садрин нишиман қилиб, анинг қўшғон элчиси Шоҳсуворхон била йиборган тухфаларин келтуруб, жумодийу-л-аввал ойининг учида, сешанба куни атабаи аъло ходимларининг назари анвар пешгоҳиға еткурди. (151-б)

*Мироб* **ميراب** – суғориш ишларига масъул киши. Қадимдан сунъий суғоришга асосланган мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти кўп жиҳатдан мироблар меҳнатига боғлиқ бўлгани, қазув ишларида хоннинг ўзи шахсан бош бўлгани бу лавозимнинг хонлик бошқарув тизимида муҳим мақомлардан бири эканлигига далолат беради. Огаҳий ҳам машҳур мироблар сулоласидан саналади.

... Ул авони саодатнишонда бу бандаи бибизоат ва қалилу-л-иститоат, соғаркаши ҳамхонаи малолат, гўшанишини вайронаи мазаллат, аъни фақири касиру-л-қосир, фазилатинтисоб Муҳаммад Ризо Мироб ал-мулаққаби бил-Огаҳий ибн Эрнийезбек ғафароллоху зунубахумо ва сатара уйубахумоким, улҳазратнинг волиди бузургвори, ҳазрати соҳибқирони мағфур ва шаҳаншоҳи мабрур, султони фирдавсмакон Оллоҳкули Муҳаммад Баҳодирхон сақаоллоху сирраҳунинг воқеоти майманатоётиға таркиб бериб, таҳрир қилур эрдим. (31-б)

*Мирохур* **میرآخور** ҳукмдор отхонаси учун масъул шахс<sup>1</sup>. Асарда амирохур шакли учрайди: Қарокўзга қўшғон икки элчисиким, Порсохожа Ўроқ ва Кўчқорбек амирохур эрдилар, уч юз тевалиғ карвон била келиб,

<sup>1</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه . Al-rams. www.mehrahgam.com. درج ۳.

амирнинг сулҳ ва мувосо талаби била йиборган ихлосномасин даргоҳи фалакиштибоҳ мулозимларининг воситаси била назари анвар мутолаасиға еткурдилар. (183-б)

*Ноиб // нойиб* – **نایب** вазирнинг ёрдамиси<sup>1</sup>. “Зубдату-т-таворих”да ушбу мансаб номи қўлланилган ўринлар *нойиб* “хон томонидан бирор маъмурий худуд бошқарувига масъул қилиб тайинланган шахс” маъносини беради: Ҳамул кеча фазилатнишон ва фасоҳатлисон, сардафтари куррои замон Мўминжон қориниким, қоиммақоми имом Осим, ноиби маноби ҳазрати Рофеъ эрди... (154-б)

**г) диний-сиёсий рутба ва мансабларни ифодаловчи сўзлар.**

*Қози қазى* – мусулмон жамоасидаги судья. Қозилар дин, оила, мерос ва оилавий, жиний ишлар масаласига оид ҳукмлар чиқарганлар.<sup>2</sup>

...қози Муҳаммаднийез ва Одинанийез иноқ бошлиғ тансуқот ва туҳафоти била келиб, дарбори фалакмикдор атабабўслиқи шарафиға фойиз бўлуб, инояти подшоҳона саҳбосидин саршор ва баҳрабардорлиғ топдилар.

(66-б)

*Мужовир مجاور* – қадамжоларда диний илмлар билан шуғулланувчи шахс, мутасадди<sup>3</sup>: Чун ул ҳазрат аҳкоми зиёрат адосидин сўнг остони олиялардағи ўлтурғон мужовир ва жорубкашларни нузуроти фаровон ва садоқати бекарон била хурсанд ва баруманд қилиб, яна масофат қатъиға якрони барқсуръат суруб, савлати тамом ва садмати ло-калом била Марв дарёсининг канориға етиб, Гулфар мавзеъин мухайями хиёми иқбол ва мазриби сародиқоти ижлол қилиб, нузул этди. (62-б)

*Муфти مفتى* – диний ва дунёвий ишларни фикҳий жиҳатдан ўрганувчи, фатво берувчи: Ҳамул кеча саодат нишон, нажобат макон, аъламулуламо ҳазрати Эшонхожа *муфти* ва... (277<sup>б</sup>).

<sup>1</sup> Будагов Л.З. Сравнительный словарь турецко-татарских наречий. Том I. – СПб. 1869. – С.280.

<sup>2</sup> Ислон. Справочник. – Тошкент, 1989. – Б. 295.

<sup>3</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه. Al-rans. www. mehrahgam. com.

*Охунд* // *охун* آخوند – илоҳиёт олими, муаллим<sup>1</sup>. Охунд унвонига эга шахсининг саройда обрўси катта бўлган.

Рабеъу-с-соний ойининг ўн секизида чаҳоршанба куни ҳазрати зиллуллоҳий салтанатпаноҳий мазкур бўлгон элчига домла Раҳмонберди охундни масхуб қилиб, Бухоро усаросидин икки асирни оларга қўшуб ирсол қилди. (151-б)

*Эшон* ايشان – эшон, пир сўзининг маънодоши<sup>2</sup>: Мундин ўн уч кун сўнг зул-қаъда ойининг ўн еттисида, сешанба куни ҳазрат зиллуллоҳий Бухоро элчисига аълами уламои олам, афзали фузалойи бани Одам, фасоҳатнишон Муҳаммадмусо эшони аълам ва домла Муҳаммадрасули мазкурни масхуб қилиб, бирин хони мағфурнинг жанозаси ахбори ва бирин ўзининг жулуси саодат маънуси изҳори учун, хусусан, мусолаҳа биносининг истехкоми ва ахду паймон вафосининг эҳтимоми учун ирсол этди. (96-б)

**д) ҳарбий унвон ва мансаб номлари.** *Сипаҳбуд* // *сипаҳбад* سپهبد – кўмондон, саркарда, лашкарбоши<sup>3</sup>. Огаҳийнинг яна бир тарихий асари “Зубдат ут-таворих”даги қуйидаги парча мазмуни *сипаҳбуд* сўзи *саркарда* билан синоним сифатида ишлатилганини кўрсатади: Маълум бўлсунким, ҳамул овонда ҳазрати зилли илоҳий Беги юзбошини *саркардаликдин* маъзул этиб, онинг тиғин ямроли навкари била олиб, Хожаш маҳрамга топшуруб, *сипаҳбудлик* мансабиға мансуб қилди. (132-б)

*Сипаҳбад*нинг яна бир синоними *сипаҳсолор* سپاه سالار ҳисобланади. Асарда баён қилинган воқеалар мазмуни шундай хулоса чиқаришга имкон беради: ... сипаҳсолори муаззам, ягонаи аҳди офоқ Муҳаммадамин иннок "рафаъоллоҳу таоло ливоа шижоатиҳи"ни мамолики маҳрусанинг аксар лашкарияси била Бухоро қасдиға номзад қилди. (172-б)

<sup>1</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. –№1.1989. –С.67.

<sup>2</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه. Al-rams. www.mehrahgam.com. درج ۳.

<sup>3</sup> Кўрсатилган луғат. – Б. 131.

*Саркарда* سرکرده – кўмондон, саркарда, лашкарбоши: ... саркардалардин Раҳматуллоҳ ясовулбошини ямутия черики била қалъанинг орқа тарафдаги дарвозаси ҳаросатиға таъйин этди. (83-б)

*Сарҳанг* سرهنگ – тарихий сўз сифатида кўшин бошлиғи<sup>1</sup>. Хивада *саркарда* // *саркордор* билан синоним тарзида ишлатилган<sup>2</sup> Яна чобукдаст сарҳанглардин Бекмонбий ва Оллоберди оталиқни баъзи таҳаввурпараст йигитлар била номзад қилди. (119-б)

Эрон ҳарбий тизимида “полковник”ка мувофиқ ҳарбий лавозим. Шунинг учун “Зубдату-т-таворих”да бу сўз хонлик кўшин бошлиқларига нисбатан ишлатилганда уни саркарда мазмунида, Эрон армияси вакилига нисбатан ишлатилганда муайян мазмунда тушуниш керак.

*Навкар* نوکر – жангчи, солдат<sup>3</sup>: ва рикоби нусратинтисоб мулозимларидин хизматнишон Мирзохон халифани ўз навкарлари била кўчнинг изидин юруб, ниғаҳбонлиғ қилурға номзад қилди ва кўчнинг ямин ва ясорида юруб хабардорлиғ қилурға дағи садоқатшиор ва соҳиб-эътибор кишилар ирсол қилди. (70-б)

Асар давомида жангчи, навкар маъносида яна қуйидаги сўзлар ҳам ишлатилган:

*Сарбоз* سرباز форс тилида айнан “бош тиккан” маъноси беради. Бовужудиким, тожик черики сарбоз тоифаси била атроф-жавонибин эҳтиёти тамом била ихота қилмиш эрдилар, аросидин барки хотиф янглиғ ўтуб, қалъаға кирдилар. (115-б)

## 1.2. Дипломатияга оид ўзлашма сўзлар

*Дипломатик фаолият элчи сўзи билан ифодаланган.*

*...Яхшимуродбекни элчи қилиб кўшуб йиборди. (149-б)*

<sup>1</sup> Персидско-русский словарь. Том II. – М., 1983. – С. 42.

<sup>2</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С. 67.

<sup>3</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С. 67.

*Ушбу асарда элчи сўзининг Огаҳийнинг бошқа тарихий асарларида шилатилган*

*сифорат سفارت*

*суфаро سفرا*

*сафир سفير* ( элчи сўзининг синиқ кўплик шакли<sup>1</sup>.)

*расул رسول* (кўплик шакли *русул رسول*) каби маънодошлари учрамайди.

Элчилик фаолияти давомида ҳукмдорларнинг бир-бирларига қилган совғалари, юборган нарсалари маъносидаги сўзларни ҳам дипломатияга оид ўзлашма сўзлар сирасига киритиш мумкин:

Ва ул манзилда Бухоро подшоҳи амир Насруллоҳнинг изҳори ихлос қилиб йиборган элчиси келиб, муҳаббатномасин подшоҳона пешкашлар ва хусравона тухфалар била хони жаннатмаконнинг назари анвари пешгоҳиға еткуруб, иззи қабул била сарафрозлиғ топди. (56-б)

Шунингдек, асарда дипломатик ҳужжат номи ҳам учрайди.

*Иноятнома عنایت نامه* – тинчлик, биродарлик таклифи билан юборилган расмий мактуб: Ва тонгласи, жумъа куни Хоразм жониби муовадат қилғон хабарин эълom қилиб, иноятномалар била Тошқўрғон ҳокими Валихон ва Сарипул волийси Маҳмудхон ва Шоҳимардон хони Шужоъиддинхон ва Балх ҳукмрони эшон Ўроғ ва Андху ниғаҳбони Шоҳ Валихонға рикоби ҳумоюн мулозимии жонсипорларидин суръатнишон, хизматтавъамон Бобо ямутни ирсол қилди. (74-б)

### **1.3. Маъмурий-худудий бўлиниш билан боғлиқ ўзлашмалар**

Тилшунослигимизда XI-XIV асрлар ёзма ёдгорликлари тилидаги маъмурий-худудий бўлинишни ифодаловчи ижтимоий-сиёсий сўзлар махсус тадқиқ қилинган<sup>2</sup>. Огаҳийнинг тарихий асарларидаги маъмурий-худудий бўлиниш билан боғлиқ сўзлар тадқиқ қилинган давр ёзма ёдгорликлари

<sup>1</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه . Al-rams. www.mehrahgam.com. درج ۳.

<sup>2</sup> Дадабаев Х. Наименование единиц административно территориального деления в старотюркских памятниках XI-XIV вв // Адабий мерос.– №53. 1990.. – С. 36-43.

тилидан кескин бўлмаса ҳам фарқ қилади. “Зубдату-т-таворих”да маъмурий-худудий бўлиниш билан боғлиқ қуйидаги сўзлар учрайди:

*Мамлакат* – **مملکت** давлат, мамлакат: ... мамлакат аҳлининг фароғ ва рафоҳийяти хабарин атабаи осмонмартаба мулозимларнинг воситаси била мавқифи арзға еткурди. (68-б)

Ушбу сўз асар давомида айрим ўринларда *вилоят* маъносида ҳам ишлатилган: ... Ҳазорасп мамлакати ҳукуматин анинг ройи оламоройи уқдакушойиға тафвиз этди. (95-б)

Шунингдек, *мулк* **ملک** ва *давлат* **دولت** сўзлари ҳам мамлакат сўзининг синоними сифатида ишлатилган:

Эй, келиб мулк элини шод этдинг,

Маъдалат панжасин кушод этдинг. (147-б)

...аркони давлат ва аёни ҳазрат ва жамеъ санодиди лашкария ва машоҳири аскария борйоби мажлиси ҳузур бўлуб, сидку ихлос юзин убудийят туфроқиға суртуб, иттифоқ била арз қилдиларким, агарчи сипоҳи қоҳира ва афвожи вофира ҳужуми тамом била сел янглиғ майл кўргузса, шак йўкдурурким, калъа аркониға вайронлиғ еткуруб, арбоби боғий ва асҳоби инодға даст топғайлар. (163-б)

*Давлат*, *мамлакат* маъноларини ифодаловчи сўзлардан яна бири *аёлат* **ایالت** дир. Ҳозирги кунда араб ва форс тилларида<sup>1</sup> *штат* (бу сўзнинг инглизчаси *state* “давлат” маъносини беради) мазмунини ифодаловчи бу сўз Огаҳий ва бошқа ўзбек адиблари тилида мамлакат, давлат маъноларини англаган. “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”да ушбу сўзнинг *иёлат* шакли ҳам борлиги қайд этилган<sup>2</sup>. Огаҳий тилида ҳам бу сўз мамлакат маъносида кўзга ташланади: ... Ҳазорасп аёлатининг мансаби олийсиға мансуб бўлуб, аморат нигинин исми ҳумоюни шарафи била зийнатафзой ва ҳукумат

<sup>1</sup> Персидско-русский словарь. Том I. – М.: Русский язык, 1983. – С. 147.

<sup>2</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Том I. – Тошкент: Фан, 1983. –Б. 45.

саририн қадами маймуни вусули била фалакфарсой қилди..Бобохон шоҳ *аёллат* тахтида мутамаккин бўлди. (42-б)

*Вилоят* **ولاية** 1. Вилоят, мамлакатнинг маълум маъмурий бўлаги, бошқарув тизими бевосита хонлик ихтиёрида бўлган ҳудуд: ...Хуросон вилоятидин Бодғис музофотида Кўшк ва Қаротўпа отлиғ мавозеъда эрди. (67-б) ... Марв вилоятида Ниёзмухаммадбойнинг қалъасиға ворид бўлуб, ул қалъа ахдининг дийдаи интизориға тавсани саборафтор ғуборидин тўтиё ва дийдори бех,жатосор анворидин нур ва зиё еткурди. (73-б)

Вилоят мазмунидаги маъмурий бирлик ифодаловчи сўзларнинг яна бири *музофот* **مضافات**дир. Ушбу сўзнинг ўзлашма сўзларга мансублик касб қилишига “қўшимча”, “қўшиб олинган” тарзидаги луғавий маъноси асос бўлган<sup>1</sup>. Демакки, дастлаб мамлакатнинг асосий ҳудудига қўшиб олинган ерлар *музофот* деб аталган ва кейинчалик маъно кенгайиши мазкур сўзнинг маъмурий бирлик мазмунига олиб келган: Ва ҳамул кун тожик сипоҳидин гуруҳи анбуҳ Ҳазорасп музофотиға чаповул уруб, Эшончиғача келиб муовадат қилди.

2. Огаҳийда мазкур сўз баъзи ўринларда қўшни ўзбек хонликлариға нисбатан *мамлакат*нинг маънодоши сифатида ишлатилади: Иттифоқо, ҳамул йўл била солур ва сорукдин кўб карвон Бухоро вилоятиға озим эрдилар, ҳамул карвоннинг устидин дохил бўлуб, бир ҳамлада карвонийларға даст топиб, аксарин қатлға еткурдилар. (151-б)

*Вилоят* сўзи XI асрдаёқ “Қутадғу билик”да *мамлакат, давлат* маъносида ишлатилган<sup>2</sup>.

*Шаҳр* **شهر** – шаҳар. XIX асрда ҳам шаҳарлар атрофи мудрофаа деворлари билан ўралгани учун *қалъа* ва *шаҳар* сўзлари қўлланишида деярли фарқ бўлмаган: ... Бухоро шаҳриға тева била туз олиб боратурғон кўб арғишчисин асири

<sup>1</sup> Персидско-русский словарь. Том II. – М.: Русский язык, 1983. – С. 523.

<sup>2</sup> Дадабаев Х. Наименование единиц административно территориального деления в старотюркских памятниках XI-XIV вв // Адабий мерос. 1990. – №53. – С. 39.

сарпанжаи такдир қилиб қайтиб, мулозамат шарафиға мушарраф, авотифи подшоҳонадин сарафрозлиғ топдилар. (131-б)

Қалъа **قلعه** ва балда **بلده** (ўлка) сўзлари ҳам шу турдаги сўзлардан ҳисобланади. “Зубдату-т-таворих”да уларнинг кўплик шакллари *қилоъ* **قلاع** ва *билод* **بلاد** ҳам ишлатилган: ... Фороб қалъасининг атрофин тохту тоз қилиб, ўн беш кишини, қайди асирға чекиб ва бир бош олиб, жумъа куни пешин чоғи дарёдин убур этиб, усарони даргоҳи жаҳонпаноҳ му-лозаматиға еткуруб, инояти подшоҳонадин баҳрамандлиғлар топди. (141-б)

Чун яқин эрдиким, икки кун ва ё уч кун ичра жамеъи Қарокўл ва Бухоро билодининг аксари мафтўҳ ва мусаххар бўлуб, дасти тасарруфиға киргай. (175-б)

Уларга синоним сифатида *кент* **كينت** сўзи ҳам ишлатилган: Хамул кун амир кўшуни била келиб, қалъанинг ёвуқида Мухомон кентининг кибласида сангар қилиб нузул этди. (114-б).

Асарда *диёр* **ديار**, *мавзеъ* **موضع** сўзлари муайян маъмурий ҳудудни англатмаса ҳам, аҳоли яшайдиган жой маъносида *қишлоқ*, *туман* сўзларига маънодошлик касб этган: ... Оқтўпа мавзеъидаги чорбоғга тушти. (130-б) ... Марв диёридин озим бўлуб, шаввол ойининг йигирма олтисида чаҳоршанба кечаси Оқёф қарйаси аёкидин дохил бўлуб, бир кишини қатлға еткуруб, икки ёш ўғлонни олиб, ўзга ҳеч иш қилолмай, камоли хавфдин истеъжоли тамом била фирорий бўлдилар. (185-б)

#### 1.4. Ижтимоий табақаларни ифодаловчи ўзлашма сўзлар

*Фуқаро* **فقرا** сўзи луғавий жиҳатдан “камбағаллар”, “фақирлар” бўлишига карамасдан<sup>1</sup> тилимизда анча олдин “граждан” мазмунини касб эта бошлаганини “Зубдату-т-таворих” материаллари ҳам тасдиқлайди. Фақат асарда бу сўзнинг кўплик англатишини назарда тутишимиз лозим. Бу сўзнинг маънодоши *раият* **رعيه** (кўплиги *раёё//раёёт* **راعايا/راعات**)дир: ... фуқаро

<sup>1</sup> Баранов Х. Арабско-русский словарь. –М.: Русский язык. 1985. – С. 605.

аҳволотининг интизоми ва мамлакат муҳиммотининг саранжомига икдом кўргузуб, жаҳон маҳофилида акдоҳи адолатин даврға киргузур эрди. (42-б)

*Хожа* **خواجه** ҳозирда *хўжа* шаклида оммалашган ва *хўжайин* деган маънони беради<sup>1</sup>. Ушбу парчадан *хожа* сўзини ижтимоий табақа англатишини ҳам билиб оламиз: ... Муҳаммаджон хожа ва Дўстниёз қалмоқ ва шамхолчилар сархайлидин Беги юзбоши ва ғайриҳумни ўзлариға тааллуқлиғ навкарлари била Лабоб мутаваттинларининг торож ва ғоратиға ирсол қилди. (141-б)

Хўжа сўзи тарихнинг турли даврларида ҳар хил маъноларни англатган. Масалан, сомонийлар, салжуқийларда “вазир”, кейинчалик “бой савдогар”, усмонли туркларда “устоз”, сўфийликда “дарвишлар жамоасининг диний рутбаси – муршид” ва ҳоказо<sup>2</sup>. Н.А.Баскаков ушбу сўзни “Солиқ тўловчи табақалар” сирасида келтиришига унинг кейинчалик “бой одам”; “мулкдор” маъноси кенг оммалашганидир<sup>3</sup>. Бу ҳол ҳам ўзлашма сўзларда бир тарихий шароит доирасида ҳам ўзига хос ўзгаришлар юз бериши мумкинлигини кўрсатади.

### 1.5. Иқтисодий жараён билан боғлиқ ўзлашма сўзлар

*Закот* **زکوٰۃ** – нисобга етган молнинг қирқдан бир қисми, закот ислом динида муҳим молиявий ибодат ҳисобланади: Ва сешанба куни фазилатмаоб, балоғатинтисоб, маонийжалис домла Эшмурод раиским, ул ҳазратнинг рикоби ҳумоюнида давлат янглиғ мулозим эрди, жалодатшиор, садокатосор, эътиқодтавьом Қорли маҳрам била Панждаҳа атрофида тамаккун кўргузган чоршанги жамоасининг ҳадди нисобға етган ва закот лозим бўлғон амволи мавошийси закотин мувофиқи шаръ ахз қилмоқ учун номзад қилди. (71-б)

<sup>1</sup> Персидско-русский словарь. Том I. – М.: Русский язык, 1983. – С. 572.

<sup>2</sup> Гафуров О. Асма ал-хусна ёки табаррук исмлар. II қисм. – Тошкент: 1998. – Б. 52-54.

<sup>3</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С. 68.

Қуръони Карим расмул-хати (орфографияси)га кўра *закот* сўзи *زكوة* тарзида ёзилади<sup>1</sup>.

*Хирож* *خراج* – деҳқончилик маҳсулотларидан олинадиган солиқ<sup>2</sup>:

ва бу остони рафеъбунённинг бойри хизматкор ва қадимий хирожгузори эрди. (108-б)

Огаҳий асарлари тилида иқтисодий жараён билан боғлиқ ўзлашма сўзларга мансуб сўзлар миқдори қайд этилганларга нисбатан кўпчиликни ташкил қилса-да, биз бу ўринда “Зубдату-т-таворих” материаллари билангина чекландик.

### 1.6. Сиёсий жараён билан боғлиқ ўзлашма сўзлар

*Жулус* *جلوس* – ҳукмдорнинг тахтга ўтириши; ушбу тантанали маросим номи<sup>3</sup>: ҳазрати зиллуллоҳийнинг жулуси ишоратиға мушъир бир таърих топиб, илтифоти подшоҳонадин кимхо либос ва қимматбаҳо дакалай инъоми била акфо ва ажносим аросида мумтоз бўлуб, сарафрозлиғ топиб эрдим. (90-б)

*Байъат* *بيعت* – “ваъдалашиш<sup>4</sup>” маъносидаги ушбу сўз ижтимоий-сиёсий лесикага мансуб сўз сифатида “ҳукмдорга садоқат ҳақида қасамёд қилиш” мазумини англатади: ...*байъати* садоқатандешларин самъ қилиб... (267<sup>б</sup>).

*Боғий* *باغى* – мусулмон ҳолида мусулмон подшоҳига тобе бўлмаган одам: синони хунфишон ишорати била боғийлардин кўб кишини афтону хезон жаҳаннам уқубатгоҳиға равон ва шитобон қилдилар ва бениҳоят бош кесиб, кўб от ва ўлжаға мутасарриф бўлдилар. (162-б)

Огаҳийнинг тарихий асарлари тилида ўз ва ўзлашма қатлам сўзлариаро синонимияни кўплаб учратамиз. Масалан, асар луғат фондида монарх тушунчасини ифодаловчи *хон*, *хоқон*, *қайсар*, *шоҳ*, *шаҳриёр*, *подшоҳ*, *хусрав*,

<sup>1</sup> Furqon. www.islom.uz.

<sup>2</sup> Ислам. Энциклопедический словарь. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1991. – С. 274-275.

<sup>3</sup> بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه. Al-rans. www.mehrahgam.com. درج ۳.

<sup>4</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Том I. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 159.

*султон, ҳоким, амир, волий, кадхудо* каби сўзлар мавжудлигини кўрдик. Мазкур сўзлар ўзаро маъно тафовутига ҳам эга. Чунки, синоним маъноси айнан бир хил эмас, “қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланиш каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сўзлардир”<sup>1</sup>.

Ўзлашма сўзлар доирасидаги антонимларга *хур* ва *банда*, *фақир*, *мискин* ва *соҳиби нисоб*, *арбоби мол* сўз ва бирикмаларни мисол келтиришимиз мумкин.

Умуман, асардаги ўзлашма сўзларни мавзу гуруҳлари бўйича тадқиқи натижасида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин бўлади:

1. Ўзлашма сўзлардаги бир тушунчанинг турли хил ифодаси бўлган сўзлар ўртасидаги ўзаро маъно тафовутига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлади.

3. Ўзлашма сўзларга мансуб айрим сўзларнинг кўчма маъноси, омоними ҳам бўлиши мумкинлигини ушбу асар луғат таркиби ҳам кўрсатиб беради.

---

<sup>1</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 3.

## И Б О Б

### АСАРДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ТАРИХИЙ-ЭТИМОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

#### 2.1. Асардаги эроний қаталамга мансуб ўзлашма сўзлар.

Ўзбек адабий тили ва шеваларида эроний тилларга мансуб сўзлар салмоқли ўрин тутади. Эроний тиллар ва туркий тиллар генетикаси турлича бўлса ҳам, ҳаётий зарурат, маданий-адабий ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг чуқурлашуви туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилида эроний ўзлашмалар миқдорини белгиловчи асосий омил ҳисобланади<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, Огаҳий тарихий асарлари (умуман, Мунис, Огаҳий, Баёний, Аваз каби ижодкорлар) лексофондида субстрат қатламга оид сўзлар ҳам кўзга ташланади. З.Дўсимов таъкидлаганидек, “Хоразм шеваларининг лексикаси ҳозирча бизга аниқ бўлмаган лексик қатламга эгадирки, бундай сўзлар қадимги хоразмликлар тилидан кириб қолган деб тахмин қилинади”<sup>2</sup>. Бу масалага ўз вақтида Ф.Абдуллаев, А.Ишаев, О.Мадраҳимов каби олимлар ҳам эътибор қаратган эдилар<sup>3</sup>.

Этимологик тадқиқ *шоҳ*, *шаҳриёр*, *подшоҳ* сўзларининг келиб чиқиш жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини кўрсатади. *Шоҳ* شاه паҳлавий тилида *shâh*, қадимги форс тилида *xshayathiga* шаклида бўлган<sup>4</sup>. Вазн талаби билан *шаҳ* шаклида ҳам учрайди.

“Зубдату-т-таворих”да *шаҳриёр* сўзи *подшоҳ*, *хон* маъносида ишлатилган ўринлар ҳам учрайди. М.Муъиннинг фикрича, бу сўз эроний

<sup>1</sup> Усмонов С. Ўзбек тилининг лугат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. – Тошкент: Фан, 1968. – Б.109; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985. – Б.103-115.

<sup>2</sup> Дўсимов З. Хоразм топонимлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.11.

<sup>3</sup> Абдуллаев Ф.А. Хоразм шевалари. –Б.236; Ишаев А. Из лексикаси узбекских говоров Каракалпаки // Вопросы тюркологии. – Ташкент: 1965. –С.112-113; Мадраҳимов А. Исследование по лексике огузского наречия узбекского языка: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1978. – С.18-19.

<sup>4</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دکتر محمد معین . تهران . امیر کبیر . ۱۳۸۶ . جلد ۳ . ص ۱۲۳۱ .

тиллернинг жануби-ғарбий гуруҳига мансуб *shathr* (шаҳар) сўзи билан ўзакдошдир. Ҳақиқатан ҳам, *шоҳ* ва *шаҳар* сўзлари ўртасида мантикий боғлиқлик сезилади. Буни қадимий манбалар, форс тилининг қадимги даврларидаги шакл ва маъно тараққиёти ҳамда ушбу сўзнинг турли эроний тилларга қиёси ҳам кўрсатади. *Шаҳр* شهر паҳлавийда *shahr* (мулк, вилоят), *shathr* (жаҳон, олам) қадимий *xshahr* ўзагидан. “Авесто”да бу сўз *xshathya* шаклида учрайди. Ўрта форс тилида *shahr*. Қадимги ҳинд тилидаги *kshatra* (шаҳар) сўзи *xshi* – *шоҳлик қилмоқ, фармон бермоқ, қудратли бўлмоқ* ўзагидан ҳосил бўлган. Ҳозирги эроний тилларда мазкур сўз бир-бирига яқин шаклларда кўлланади. Жумладан, ислакий (гилон), фаризандий, ярний, нотанзий тилларида *shâhr*, симнонийда *shahr*, сурхаида *shar*, шаҳмирзодийда *shar*, дизфулийда *shaar* ва ҳоказо<sup>1</sup>.

Ўзбек мумтоз адиблари тилида ҳам монарх мазмунида *шоҳ* сўзи билан бир қаторда *шаҳриёр* сўзи ҳам кенг кўлланилган. *Шаҳриёр* паҳлавий тилида *shahrdar*, “Авесто”да *xshathodara*, Бехустун ёдномаларида *shathrdaran* шаклида учрайди<sup>2</sup>. *Шаҳрдор шаҳр* (мамлакат, шаҳар) ва *-дор* (*доштан* – *эга бўлмоқ* феълининг ҳозирги замон негизи) бирикувидан ташкил топган ва кейинчалик *шаҳриёр* шаклини олган. “Зубдату-т-таворих”да *шаҳриёр* сўзи *подшоҳ*, *хон* маъносида ишлатилган ўринлар ҳам учрайди. Масалан, Огаҳий хоннинг кемада Амударё бўйлаб сайр қилишини қуйидагича таърифлайди:

Шаҳриёримму миниб заврақ аро Жайхундадур,

Йўқса саъди ахтар ёнги ой устида гардундадур.

(76-б)

*Подшоҳ* сўзи таркибида *шоҳ* сўзи яққол кўринса ҳам синхрон аспектда бу сўз туб саналади. “Ғиёс ул-луғот”да *подшоҳ под* – тахт ва *шоҳ* сўзлари бирикувидан ташкил топган деб кўрсатилади<sup>3</sup>. *Подшоҳ* қадимги форс тилида *patixshayathiya*, *pâtaxshâ* (биринчи қисм *pati* олд кўшимча ва иккинчиси

<sup>1</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير كبير . ۱۳۸۶ . جلد ۳ . ص ۱۳۱۴ .

<sup>2</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير كبير . ۱۳۸۶ . جلد ۳ . ص ۱۳۱۴ .

<sup>3</sup> غياث الدين محمد . غياث اللغات . لکهنو . ۱۸۸۶ . ص ۴۰۵ .

“Авесто”да *xshagata* (қудрат соҳиби, султон), деб кўрсатади М.Муъин<sup>1</sup>. *Подшоҳ* сўзининг биринчи таркибий қисми *под* қадимги форс тилида *pâta* (ҳомий) *patar*, “Авесто”да *pâtac*, қадимги ҳиндчада *pâtar* эканини ҳисобга олиб, унинг луғавий маъносини қуйидагича талқин қилиш мумкин: 1. Шаҳар ҳомийси, бошлиғи. Бунда мамлакатни назарда тутамиз. 2. Асл ҳомий, йўлбошчи. Шу ўринда айтиб ўтиш мумкинки, ўзбек тилидаги *пода* (қўй, мол, йилқи ва ҳоказолар галаси) сўзи таркибида ҳам *под* (ҳомий) сўзи ётади. Қадимги форс, “Авесто” ва санскритда *pâta* (химояга олинган, ҳомийга эга) сўзидаги “а” қўшимчаси тегишлиликни ифодалайди, яъни *под* (ҳомий)га тегишли, химояланган. “а” қўшимчасининг бу маъносини “даста” сўзида ҳам кўришимиз мумкин. “Даста” айнан қўл (даст)га тегишли, қўлдаги нарса деган маънони англатади.

*Шоҳаншоҳ*, شاهان شاه “шоҳлар шоҳи” деган маънони билдиради. Шарқ манбаларида *шоҳ*, *шаҳаншоҳ* расман Эрон шоҳларининг унвонини ифодаласа ҳам, кўпгина тарихий, асарларда *шоҳ*, *хон*, *султон* сўзлари ўртасида муайян истилоҳий фарқни кўрмаймиз. Жумладан, “Зубдату-т-таворих”да *шаҳаншоҳ* сўзи Хива хонига нисбатан эҳтиром, таъзим, мадҳ ифодаси сифатида қўлланилган:

Солиб куш шаҳаншоҳи жамшидшон,  
Шикор ахлиға солди яксар қирон.

(136-б)

Кўринадикки, Огаҳий асарлари лексикасида *подшоҳ* маъносини ифодалаш учун биргина эроний қатламга мансуб *подшоҳ*, *шоҳ*, *шаҳаншоҳ*, *шаҳриёр*, *хусрав* сўзлари ишлатилган.

Юқорида таъкидланганидек, *худо* сўзи *кадхудо* сўзи таркибида ҳам бор. *Кадхудо* тарихан икки мустақил сўзнинг бирикувидан ҳосил бўлган бўлиб, унинг *кад* қисми “Авесто”да *kata* “қазилган” деган маънони англатади<sup>2</sup>.

1. شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير کبير . ۱۳۸۶ . جلد ۱ . ص ۳۴۷ .  
2. شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دكتور محمد معين . تهران . امير کبير . ۱۳۸۶ . جلد ۳ . ص ۱۰۶۴ .

Паҳлавий тилида *katak* уй маъносини англатади. Эҳтимол, бу сўзнинг уй маъносини олиши қадим аждодларнинг уйсозлик усуллари билан боғлиқдир. *Кадхудо*нинг паҳлавийча шакли *katakxvatao*, ашконийлар паҳлавийсида *kazakxvatayan* (“з” тишора, инглизча th каби) ёки *kazakxvatayan* шаклида бўлган ва уй соҳибни маъносини англатади. Форс тилида бу сўз “бошлиқ”, “қабила бошлиғи”, “оила бошлиғи”, “уруғ бошлиғи”, “бирор ишнинг бошида турувчи киши” маъноларини ҳам англатади<sup>1</sup>. “Зубдату-т-таворих”да *кадхудо* сўзи *оқсоқол*, *уруғ бошлиғи* маъносида ишлатилади ва асарда унинг синонимлари *оталиқ*, *умдадир*: ... Марв вилоятининг кадхудолариға карратан маррот пинҳоний киши йибориб ... (110-б)

Умуман, *кадхудо* сўзи луғатларда қуйидаги маъноларда изоҳланади:

1. Бошлиқ. 2. Оила бошлиғи (эркак). 3. Иш боши (бирор соҳа ишида уста, тажрибали, мўътабар шахс)<sup>2</sup>. 4. Подшоҳ. (кам ҳолатда). 5. Уйланган одам. (Шунинг учун ҳам баъзи рисолаларда “кадхудолик қилмоқ” бирикмаси жинсий алоқа қилмоқ мазмунининг эвфемик ифодали варианти ҳисобланади). 6. Мунажжим (астролог)лар терминологиясида Рух далили. Унга кўра, Рух далили бўлган Кадхудо ва Жисм далили бўлган Кадбону мутаносиблигига қараб боланинг умри, келажагидан башорат қилганлар. Мир Жалолиддин Каззоий француз олимлари (Corbin Henry: En Islam iranien, Editions Gallimard, Paris, 1972. tom 2/112) фикрига таяниб ёзишча, бу сўз кўплаб фонетик ўзгаришларга учраган ҳолда лотин тилида *colcodea* тарзида ишлатилган<sup>3</sup>.

“*Кадхудо*” “*Катхуда*” **کتخدا** шаклида араб тилига ҳам ўзлашган<sup>4</sup>. Ҳозирги вақтда Хоразм шеваларида “Кадхудо” сўзи *ка:худа* шаклида қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1. Бошлиқ, хусусан, элат-овул оқсоқоли. (Элат ка:худасы). 2. Маслаҳатчи, ҳар бир ишга аралашадиган одам. (Маңа

1 كزازی میرجلال الدین. نامه باستان. جلد ۱. تهران. سمت. ۱۳۷۹. ص. ۱۱۹۱

2 Мадрахимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг қисқача қиёсий луғати. – Урганч: Хоразм, 1999. –Б. 102.

3 كزازی میرجلال الدین. نامه باستان. جلد ۱. تهران. سمت. ۱۳۷۹. ص. ۱۹۱

4 Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С. 435.

ка:худалық этмә – Менга ақл ўргатма. Хоразм-қипчоқ лаҳжаси.). 3. Ишбилармон (Гурлән ка:худалар йурты) каби. Шунингдек, *кадбону* 1. Аёл. 2. Уй бекаси. 3. Аёллар ўртасида ишбоши, обрўли хотин<sup>1</sup>. Хоразм шеваларида кэйвāны (Хоразм - ўғуз), кайвāны (Хоразм - қипчоқ) шаклларида қуйидаги маъноларда ишлатилади: 1. Аёллар ўртасида обрўга эга, маҳаллада эътиборли, мўътабар аёл. 2. Салбий маънода: бўлар-бўлмасга ақл ўргатадиган, эзма аёл. Бу сўзлар юқоридаги маъноларда Хоразм халқ кўшиқлари лексикасида ҳам ўз аксини топган<sup>2</sup>.

Мазкур сўз эроний тиллардан дизфулийда *kevānū*, домғон тилида *keyvani*, курдчада *keouxi*, *keyauixê* тарзида ишлатилади. 3.Сафо мазкур сўз шахмирзодий тилида *keveni* шаклида ишлатилишини қайд этганки<sup>3</sup>, ушбу шакл сўзнинг Хоразм шеваларида қўлланишига анча яқиндир. Хоразм шеваларида бу сўзларнинг маъновий хусусиятлари (жинс фарқлаши, кўшимча маъно қирралари) ва шаклий ўзига хосликларига асосланиб, *кадхудо* ва *кадбону* сўзлари субстрат қатламга тегишли, деб қайд этиш ўринлидир.

Огаҳийнинг тарихий асарларида ҳам эроний луғавий қатламга мансуб бўлган *сар* سر компонентли ўзлашма сўзлар доирасидаги бир неча сўз учрайди. Ўзбек тилида полисемия масаласини тадқиқ қилган Т.Алиқулов *бош* сўзининг турли маъно қирраларини таҳлил қилади<sup>4</sup>. Бу масала Б.Жўраев томонидан ҳам атрофлича ўрганилган бўлиб, унда “бош” сўзининг 19 хил маъноси таҳлил этилган<sup>5</sup>. Ўзбекча *бош* сўзидаги кўплаб кўчма маънолар форсча *сар* сўзида ҳам кўринади<sup>6</sup>. Б.Бафоев Алишер Навоий тилида қўлланган *сар* компонентли сўзларни махсус тадқиқ қилган<sup>7</sup>.

<sup>1</sup> Мадрахимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг қисқача қиёсий луғати. – Урганч: Хоразм, 1999. – Б.102.

<sup>2</sup> Жуманиёзова М. Хоразм халқ кўшиқлари лексикаси: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 1999. – Б.43.

<sup>3</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دكتور محمد معين. تهران. امير كبير. ۱۳۸۶. جلد ۳ ص ۱۱۱.

<sup>4</sup> Алиқулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1966.

<sup>5</sup> Жўраев Б. “Бош” сўзининг маънолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1982. – №3. – Б. 46-49.

<sup>6</sup> Персидско-русский словарь. Том 2. – С.26-28.

<sup>7</sup> Бафоев Б. Алишер Навоий асарларида сар компонентли сўзлар // Адабий мерос. 1-сон. 1968.

Бугунги ўзбек адабий тилида *сар* компонентли сўзлар анчани ташкил қилади. Жумладан, *сардор* سردار сўзи *сар* ва *-дор* қисмларидан иборат. *Дор* қадимги форс тилига тааллуқли сўз ҳисобланиб, ҳозирда *доштан* داشتن – эга бўлмоқ феълнинг ҳозирги замон негизидир. *Сардор* – Алардин сўнг яна ямут шужаъосидин бир фавж жалодатосор баҳодир, Қутлуғмурод сардор бошлиғ, ҳазрати зиллуллоҳийнинг рухсати билан Бухоро турктозиға озим бўлуб, Элжик била Қарокўл орасидин бир оз чўфон ва Бухоро шаҳриға тева била туз олиб боратурғон кўб арғишчисин асири сарпанжаи тақдир қилиб қайтиб, мулозамат шарафиға мушарраф, авотифи подшоҳонадин сарафрозлиғ топдилар. (131-б)

*Сарбоз* سرباز – навкар, солдат. Бовужудиким, тожик черики сарбоз тоифаси била атроф-жавонибин эҳтиёти тамом била ихота қилмиш эрдилар, аросидин барқи хотиф янглиғ ўтуб, қалъаға кирдилар. (115-б)

*Сарбоз* ҳам тарихан ясама сўз ҳисобланиб, *сар* ва *боз* қисмларидан иборат. *Боз* форс тилида жуда кўплаб маъноларга эга. Сўзнинг луғавий маъносига ойдинлик киритиш мақсадида баъзиларини кўриб чиқамиз:

Боз I. Бургут. Бу маънода авестовий *vaz* – учмоқ билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бу маъно ўзбек тилидаги *парвоз* (*вазидан* – эсмоқ (шамол ҳақида) феълнинг буйруқ шакли *ваз*)да сақланган. Шикор бургутлари *шаҳбоз* (шоҳ+боз) деб номланади ва бу ҳозирда ўзбекчада *шаввоз* (*шоввоз*) шаклида кўчма маъно касб этган.

Боз II. Кулоч.

Боз III. Қўлнинг бир қисми (кичик бармоқ учидан билаккача).

Боз IV. Яна. (*Боз устига*).

Боз V. *Бохтан* ўйнамоқ; ютқизмоқ маъносидаги феълнинг ҳозирги замон шакли. Бу маънода ўзбек тилида сўз ясовчи кўшимчалардан бири ҳисобланади: *морбоз*, *дорбоз*, *қиморбоз*, *масхарабоз* каби.

Умуман, мазкур сўзнинг маънолари 12 тага етади. “Фарҳанги “Шоҳнома”да форс адабиётининг йирик вакили Манучехрийнинг олти

байтлик қитъаси келтирилади ва уларнинг барчасида *боз* сўзи тажнисли қофия сифатида ишлатилган<sup>1</sup>. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, *сарбоз* сўзида *боз*нинг ўйнамоқ маъноси ётади. Бунда феълнинг маъноси кенгайиб, *бахш этувчи*, *тикувчи* деган мазмун касб этганини кўрамиз. Демак, *сарбоз* айнан “бош тикувчи”, “боши билан жавоб берувчи” маъноларини англатади. Бу ҳолни *жонбоз* сўзида ҳам кўриш мумкин.

*Сарҳанг سرهنگ* – қўшиннинг катта бир қисми бошлиғи, полк бошлиғи, полковник: Мазкур бўлгон сарҳанглар амри олий мужиби била от ва яроғин шайлаб, зулҳижжа ойининг ўн бирида, панжшанба куни ул ҳазратдин фотиҳа олиб, мақсад йўлига озим бўлдилар. (171-б)

Форс тилида *ҳанг* шаклида бир неча сўз мавжуд. Ўзлашма сўзларга мансублик касб этишига унинг гуруҳ, тўда маъноси асос бўлган. Ҳозирда курд тилида *hönge* шу мазмунда ишлатилади<sup>2</sup>.

*Сархайл سرخيل* – кичик бўлинма бошлиғи. Хива хонлигида хайллар (бўлинмалар) этник таркибга кўра ҳам тузилганини кўриш мумкин. Масалан, ямутия черикининг муборизлари била маъмур бўлгон сархайли ...

Хива хонлиги давлат қурилмасининг хусусиятларига кўра ҳарб ишига оид кўплаб сўзлар ҳам сиёсий мазмун касб этади. Шунинг учун ушбу типдаги баъзи сўзлар изоҳига эътибор қаратамиз

“Зубдату-т-таворих”да унинг ўзаги *сипоҳ سپاه* – қўшин, армия маъносида ҳам ишлатилган: сипоҳи бисёр ва афвожи бешумор билан дарёйи офат ва сели махофатдек қалъанинг атроф-жавонибидин муқиткирдор ихота қилиб, ҳамлоти далирона ва садмоти шерона била ҳар тарафдин сурон солиб, тўбандозлиғ маросими била қалъанинг аксар иморатин харобу вайрон ва мутаҳассинларнинг кўпрагин мажруҳ ва бежон қилдилар. (160-б)

<sup>1</sup> دکتر رضا زاده شفق «فرهنگ شاهنامه» از انتشارات مجمع ناشر کتاب. شماره ۷. ابن سینا. ۱۳۷۰. ص. ۴۷. <sup>2</sup> شمس الدین محمد بن خلف تبریزی. برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معین. تهران. امیر کبیر. ۱۳۸۶. جلد ۴. ص. ۲۳۸۷

Бу сўз форс тилида ҳам, ўзбек тилининг тарихий лексикасида ҳам *синаҳ*, *иснаҳ* шаклларида учрайди. Навоий асарларида *анжумсипоҳ* (“анжум” арабча юлдуз, сипоҳи юлдуздай кўп) кўшма сўзи ҳам учрайди:

Ки, тўртгунчи хайл улча шоҳ эрдилар,  
Фалакқадру *анжумансипоҳ* эрдилар<sup>1</sup>.

Тарихан эроний луғавий қатламига мансуб ижтимоий-сиёсий мазмун касб этувчи сўзлар илдизини қадимги манбалар билан қиёсан ўрганиш зарур<sup>2</sup>. Хусусан, уларни Марказий Осиё ва Эрон халқларининг муштарак мероси “Авесто” тилига қиёсан ўрганиш кўплаб тарихий ва лисоний фактларни беради. Масалан, “дўзах” сўзини олайлик. Классик адибларимизнинг тилида *дўзах* тушунчасини ифодаловчи бир неча сўз мавжуд: *жаҳаннам*, *сақар*, *жаҳим*, *нор*, *тамуг*. Шунингдек, Куръони Каримда дўзахга берилган сифатлар – *ҳовия*, *қориъа*, *асфала-с-софилийн* ҳам ушбу синонимик қаторни янада бойитган. Луғавий қатлам эътибори билан *тамуг* туркий; *жаҳаннам*, *жаҳим* сомий; *дўзах* эса эроний сўзлардир. Бу учала сўз ҳам бир-бирига мутлақ синоним ҳисобланади. Навоий ҳазратларида ўқиймиз:

Бордур Навоий бекасе, ишқ ичра андоқки хасе,  
Чун ўртадинг ани баса, *дўзах*да куйдурма ёно<sup>3</sup>.

Огаҳий худди шунга яқин фикрни қуйидагича ифодалайди:

Саросар бўлуб ул ўт ичра кабоб,  
Тамуғ ичра ондоқки, ахли азоб.

Ўз қатламга мансуб *тамуг*, арабий *жаҳим*, *сақар* сўзлари ҳозирда эскирган бўлса, *жаҳаннам* бадийий услубга хосланган. “Авесто”дан мерос *дўзах* сўзи мазкур синонимик қаторда доминант вазифасини ўтайди.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Мукамал асар тўплами. –Тошкент: Фан, 1996. – Б. 83.

<sup>2</sup> Тиллаева М. Хоразм ономастикаси тизимининг тарихий-лисоний тадқиқи. (“Авесто” ономастикасига қиёслаш асосида): Филол. фанл.номз. дисс. автореф. –Тошкент, 2006. – 26 б.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. МАТ. 20 жилдлик. 6-жилд. – Тошкент: Фан, 1990. –Б. 7.

*Дўзах* сўзи “Авесто”да *dujāṇha* ёки *dujāṇhi* шаклида учрайди. У иккита таркибий қисмдан иборат бўлиб, *dujāṇ* ёвуз, ёмон ва *gha* эса макон маъносини англатади<sup>1</sup>. *Gha* макон, уй-жой маъносида ҳозирда урдучада *ghar* گھار тарзида учрайди. Бу ўзак ўзбек тилининг Самарқанд, Бухоро шеваларида *бешик* маъносини англатувчи *гавара* сўзи таркибида сақланиб қолган. Мазкур сўзнинг *dujāṇ* қисми эроний тилларга хос душман сўзида мавжуд, деб талқин қилишимиз мумкин ва бу ўринда душман сўзи этимологик жиҳатдан ёвуз, ёмон одам дегани бўлади.

Шунингдек, *дўзах*га зид мазмундаги сўзлардан бири бўлган *беҳишт* ҳам авестовий сўзлардан ҳисобланади. “Авесто”да бу сўз *vahishta* шаклида учрайди ва яхши, эзгу маъносидаги сифатнинг орттирма ёки қиёсий даражасидир. *Беҳишт* сўзи таркибидаги *беҳ* сўзи *яхши*, *эзгу* маъноларида эроний тилларнинг кўпчилигида ишлатилади. Бу сўз Огаҳий асарларида ҳам кўп қўлланилган. Масалан, “Зубдату-т-таворих”да ўқиймиз:

Дарвозаси беҳишт эшигидек тарабфизо,

Иқболу бахт анда ики посбон эрур

Маълумки, диний мазмундаги кўпчилик сўзлар араб тилидан ўзлашган. Лекин ушбу мавзудаги сўзлар ичида эроний қатламга мансублари ҳам кўплаб учрайдики, уларнинг илдизини “Авесто”дан ахтариш ўринлидир. Масалан, *бомдод* сўзини олайлик. Исломда бомдод икки ракаат суннат ва икки ракаат фарздан иборат бўлиб, тонг ёришишидан куёш чиққунча бўлган вақт ичида адо қилинади. Мумтоз адибларимиз тилида унинг арабча номи – *фажр* ҳам кенг ишлатилган. Рабғузийда эса туркий сўз билан *эртанг намоз* дейилади. “Авесто”да *Vatuyah* (ёруғ ва жилвагар маъносида) ҳар тонг куёшга жилвдорлик қиладиган илоҳ номидир<sup>2</sup>. Ж.Дўстгоҳ Хушбом илоҳи ҳақида гапириб, бу ҳақда муфассалроқ ёзади: “Хушбом куёш нури нигоҳбони бўлган илоҳ номидир. “Авесто”да ушаҳ тонг чоғи дегани ва кеча-кундузнинг мазкур

1. اوستا. مترجم جليل دوستخواه. تهران. مرواريد. ۱۹۹۱م. ص ۹۸۵.  
2. اوستا. مترجم جليل دوستخواه. تهران. مرواريد. ۱۹۹۱م. ص ۹۴۳

палласига муваккил бўлган илоҳ шундай номланган. Қуёш чиқишидан олдин Бомях номли бошқа бир илоҳ осмонга чиқади ва унга жиловдорлик қилади. Паҳлавий адабиётида бу икки илоҳ номи таркибидан *хушбом* сўзи ясалган ва *ушбом* деб ҳам номланади<sup>1</sup>”.

Демакки, *бомдод* икки қисмдан иборат. *Бом* сўзи ҳозирги форс, тожик, дарий тилларида том маъносини англатади. Шу ўринда айтиш мумкинки, *бом (том)* Бомях номи билан боғлиқдир. Иккинчи қисм *дод* эса “Авесто”даги *дота* шаклидаги қонун, тизим, адолат сўзлари билан изоҳлаш ўринлидир. Шунингдек, форсийдаги *додрас* (ревизор), *бедод* (зулм, адолатсизлик) каби сўзлар таркибида ҳам *дод* сўзининг *адолат, кечирши, бахш этиши* каби маънолари ётади.

Бомдод сўзи тилимиз тарихида, адабий тил ва шеваларда синонимик қаторда доминант вазифасини бажаради. Масалан, *Бомдод* намози азонидан сўнг ҳазрати соҳибқирон... издиҳоми тамом била дарёи мавжвардек Ҳафтреги Хоразм қатъига азиматгустар бўлди. (269<sup>a</sup>).

Юқоридаги *беҳишт, дўзах, бомдод* сўзлари аслида зардуштийлик динига оид сўз бўлиб, кейинчалик ислом кенг ёйилгач, улар ўзига яқин тушунча ифодаловчи сўзларга синонимлик касб этган. Зардуштийликдаги *хушбом* ва исломдаги *бомдод* намозлари вақтлари ҳам бир-бирига мос келади.

Умуман, ўзлашма сўзлар тизимида авестовий сўзлар ўзининг сезиларли ўрнига эга.

Тарихан эроний қатламга мансуб ўзлашма сўзлар хусусида қуйидаги умумий хулосаларни баён қилиш мумкин:

Туркий халқларнинг узоқ йиллар давомида эроний халқлар билан бўлган яқин қўшничилик алоқалари ёки бир ҳудудда яшаганлиги, тарихимизнинг салмоқли вақтларида бир давлат таркибида бўлганликлари тилларнинг ўзаро таъсир доирасини кенгайтирган. Бунинг натижасида

1 اوستا. مترجم جليل دوستخواه. تهران. مرواريد. ۱۹۹۱م. ص ۱۰۷۶

туркий тилларга *шоҳ, сардор, сипоҳи* каби кўплаб ижтимоий-сиёсий сўзлар ўзлашган бўлса, форс тилига *ўнбоши, юзбоши, қаровул, элчи, элбеги* каби ўнлаб сўзлар ўзлашган.

Ҳозирги ижтимоий-сиёсий, ҳарбий-техникавий тараққиёт натижасида мазкур соҳага доир сўзларнинг кўпчилиги архаизм ва историзмларга айланган. *Аройизнома, сарҳанг* каби сўзлар архаиклашган бўлса, *дарвеш* каби сўзлар историзмга айланиши натижасида пассив лексик қатламдан ўрин олган.

Баъзи сўзларнинг шакл ва мазмунида ўзгариш юз берган. Масалан, *сипоҳ* сўзи ҳозирда *сипо* тарзида шаклий ва мазмуний ўзгаришга учрайди.

*Хонадон* сўзида маъно торайиши юз берган, у ҳозирда истилоҳий мазмунини йўқотиб, луғавий маъносидагина қўлланилади.

Айрим сўзлар халқ мақоллари ва турғун бирикмалар таркибида сақланиб қолган. Масалан, *солор* (офицер) сўзи “Сан солор-да ман солор, отга чўпни ким солар” мақоли таркибида сақланиб қолган.

Баъзи сўзлар янгича мазмун касб этмоқда. Масалан, *посбон* сўзи.

Демак, давр ўтиши билан баъзи сўзларнинг мазмун ва вазифасида турли ўзгаришлар содир бўлади, айримларида эса кўп маънолилиқ ва бир маънолилиқ сингари семантик ҳодисалар юз бериши мумкин.

## 2.2. Араб луғавий қатламига мансуб ўзлашма сўзлар

Аёнки, туркий тилларга арабий луғавий бирликларининг кириб келиши VII-VIII асрларда Марказий Осиёнинг араблар томонидан истило этилиши, бу ҳудуд аҳолисининг ислом динини қабул қилиши билан боғлиқ. Ўзбек тили тарихий лексикасини ёзма манбалар асосида кўздан кечирар эканмиз, унда арабизмлар салмоғи XIX аср охири ва XX аср бошларигача тадрижий кўпайганини кўришимиз мумкин. Қадимги туркий битикларда араб сўзлари бўлмагани ҳолда<sup>1</sup>, XI аср ёдгорлиги “Қутадғу билик”ка нисбатан XII-XIII

<sup>1</sup> Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. –Б. 80.

асрлар ёдгорлиги деб топилган “Ҳибатул-ҳақойиқ”да арабизмлар кўпроқ учрайди<sup>1</sup>.

Араб луғавий бирликлари, бирикмаларининг туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилига ўзлашиш сабаб ва воситалари ҳақида олимларимиз кўплаб илмий мулоҳазаларни баён қилганлар<sup>2</sup>.

Огаҳийнинг тарихий асарларидаги араб луғавий қатламига мансуб ўзлашма сўзларни, асосан, давлат бошқаруви билан боғлиқ ўзлашма сўзлар ва диний мавзуларга оид ўзлашма сўзлар ташкил этади.

Қуйида мазкур ўзлашма сўзларнинг мухтасар изоҳи ва уларга мисоллар келтирамиз:

*Ҳоким* **حاکم** сўзи. Унинг ўзаги бўлган *ҳакама* **حَكَمَ** феъли бошқармоқ, ҳокимлик қилмоқ, бошчилик қилмоқ мазмунига эга<sup>3</sup>. *Ҳоким* сўзининг бирламчи луғавий маъноси *бошқарувчи, ҳокимлик қилувчи, бошчилик қилувчидир*. Огаҳийда *ҳоким* сўзи қуйидаги маъноларда қўлланини кузатамиз: 1. Қўрғон ёки қалъа бошлиғи, шаҳар ҳокими: ... Калот қўрғонининг ҳокими ... (73-б)

2. Вилоят ёки ўлка, маъмурий ҳудуд ҳокими, бошлиғи маъносида: Бу воқеъа кайфияти андоғ эрдиким, Чаҳоржўй ҳокими йигирма отлиғни шайлаб, ҳар қайсисиға йигирма тилло, байроқ ваъда қилиб, Хивақ тавобеъидин "тил" тутмоқ учун ирсол қилиб эркан. (137-б)

<sup>1</sup> Н.М.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б.140.

<sup>2</sup> Абдуллаев Ф. Арабизми в узбекском языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1945; Ўша муаллиф. Ўзбек тили лексикасининг баъзи бир масалаларига доир // Тил ва адабиёт институти асарлари, 1-китоб. Тошкент, 1946. – Б.83-93; Ақылбекова З. Арабизми // Источники формирования тюркских языков Средней Азии и Южной Сибири. –Фрунзе, 1964; Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. – Б.41-46;Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. Тошкент, 1968. – Б.109-120; Ўзбек тили лексикасида арабча сўзлар // Ҳозирги замон ўзбек тили. Лексикография. Фонетика. Графика ва Орфография. Морфология. Фаҳри Камол таҳрири остида. –Тошкент: Ўз ФАН, 1957. – Б.99-101; Бегматов Э. Арабча ўзлашма сўзлар қатлами // Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент: Фан, 1981. – Б.11-124.

<sup>3</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С.187.

*Зобит ضابط* сўзи. Бу сўз ўзаги бўлган *забата ضَبَطَ* феъли *олмоқ, тутмоқ, босиб олмоқ, забт этмоқ* каби маъноларни англатади<sup>1</sup>. Шунга кўра *зобит* сўзининг луғавий маъноси олувчи, тутувчи, босиб олувчи, забт этувчидир. “Зубдату-т-таворих”да мазкур сўз *забт этувчи, қўшиннинг сараланган сарбози, офицер* маъносини англатади. Қуйида келтириладиган мисоллар шундай фикр билдиришга асос бўлади: .. . икки тарафдин зобиту ясоқчи ва робиту жарчилар черик тасвиясиға иштиғол ва ижтиҳод кўгуздилар. (63-б)

Демакки, *зобит* сўзининг маъносини ўзак феълнинг ҳар иккала мазмуни (олмоқ; босиб олмоқ) асосида ҳам белгилаш мумкин, яъни *забт этувчи, фатҳ этувчи; илгор ва юқори мансабли ҳарб кишиси; қўшин низоми, ҳарбий қонун-қоидаларни тутувчи – ҳарбий мансабдор*.

*Кофир كافر* сўзи. Мазкур сўз ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик диний мазмун касб этган бўлиб, *инкор қилмоқ, рад этмоқ* маъносидаги *кафара كفر* феълидан ясалган<sup>2</sup>. *Кофир* аслида ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиган, илоҳни тан олмайдиган шахсни англатади. Бу сўзга Ғиёсиддин Рампурий қуйидагича изоҳ берган: “Яширувчи ва беркитувчи маъносида. Динсиз (одам) ҳақ динни беркитгани ва исломни қабул қилмагани учун *кофир* дейилади. Форсийлар “фе”ни фатҳа билан ишлатадилар. Чунончи, “кофар”ни “ханжар” билан қофия қиладилар”<sup>3</sup>. Ҳақиқатан ҳам, Х.К.Баранов *кафара كفر* нинг ушбу мазмунини бирламчи маъно сифатида қайд этган<sup>4</sup>. Лекин ушбу сўз хусусида Рампурий билдирган фикр ҳақиқатдан йироқ туюлади.

И.Пурдовуд фикрича, *кофир* арабчага оромий тилидан ўтган бўлиб, унинг асли *габр*дир. *Габр* ҳозирги форс тилида оташпараст, зардуштий деган маънони англатса ҳам, аслида мутлақ бедин мазмунида бўлган<sup>5</sup>. Ҳақиқатан ҳам, Пурдовуд талқини мазмунан ҳам, фонетик қонуниятлар жихатидан ҳам ушбу сўзнинг тарихий илдизларини яққол ёритиб беради. Чунки, араб тилида

<sup>1</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С.453.

<sup>2</sup> غياث الدين محمد. غياث اللغات. لكهنؤ. ۱۸۸۶. ص ۴۰۱.

<sup>3</sup> غياث الدين محمد. غياث اللغات. لكهنؤ. ۱۸۸۶. ص ۴۰۱.

<sup>4</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С.693.

<sup>5</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی. برهان قاطع. با اهتمام دكتور محمد معين. تهران. امير كبير. ۱۳۸۶. جلد ۳. ص ۱۱۷۴.

г товуши йўқ. Ўзлашмаларда эса бу асосан *ж* (масалан, жавҳар) ёки *к* (масалан Кулсум)га алмашади. Лаб-лаб *б* эса лаб-тиш *ф* га алмашиши натижасида араб тилидаги ички флексия учун жуда қулай уч ундош таркиб топган ҳамда шу тариқа *кафара* феъли ва ундан ҳосил бўлган сўзлар (*куфр*, *куффор*, *такфир* ва ҳ.к.) юзага келган. М.Муъин “Маздопарастлик ва унинг форс адабиётига таъсири” асарида ёзишича, ҳозир Туркияда ғайридин маъносида *гавр* сўзи ҳам қўлланилади. Олим арман ва рус тилларидаги *гаврик* сўзларини ҳам шу ўзак билан боғлайди<sup>1</sup>. Рус тилининг луғатларидан бирида *гаврик* сўзи баттол, бекорчи, дилозор деб талқин қилинадики<sup>2</sup>, бундан олимнинг сўзлари асосли деб қарашимиз мумкин.

*Габр* **گبر** сўзи ўзбек мумтоз адабиётида ҳам кўплаб қўлланилган. Масалан, А.Навоий асарларида *габр* оташпараст, ўтга сиғинувчи, мажусий; *габрак* ғайридин қиз, соқий маъноларида ишлатилганини кўришимиз мумкин<sup>3</sup>.

*Кофир* сўзининг “Зубдату-т-таворих”да қўлланилишининг ўзига хослиги шундаки, Огаҳий мазкур сўзни ислом динининг шиа мазҳаби вакилларига нисбатан ҳам ишлатади. “Зубдату-т-таворих”да *кофир* сўзининг синиқ кўплик шакли *куффор* ҳам кўп қўлланганини кузатамиз Бу ҳолни асарнинг кўплаб ўринларида кўришимиз мумкин. Масалан, ... ҳар йил ўз нафси нафиси била куффор жиходиға отланур эрди. (47-б)

Шунингдек, шариатда динга ишонмаслик, илоҳни тан олмаслик, даҳрийлик (атеизм) маъносидаги куфр сўзини Огаҳий баъзи ўринларда шиа (имомат) эътиқодига нисбатан ҳам қўллайди. Масалан, Синони маҳобатидин хусуматпайваст мушрикларнинг шижоатпарвар кўнгуллари ғамгин ва захмнок ва шамшири сиёсатидин залолатпараст кофирларнинг кудуратасар сийналари мажруқ ва чок-чок, асароти ғайратидин аладдавом

<sup>1</sup> معین محمد مزديسنا و تأثیر آن در ادبیات پارسی. از انتشارات دانشگاه تهران. شماره 9 / 266

<sup>2</sup> Словарь русского языка. В четырех томах. Издание третье. Стереотипное. Том I. – М.: Русский язык, 1985. – С.295.

<sup>3</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Том I. – Тошкент: Фан, 1983. –Б.385.

дини мубин ливоси баланд ва таъйидоти шижоатидин ҳамиша зумраи ислом муборизлари нусратпайванд. (28-б)

Чун ҳамўл дастур била бу йил, яъни сиғир йили, тарихи ҳижрийнинг минг икки юз эллик еттида ҳазрат зиллуллоҳийнинг жабҳаи аҳвол ва носияи таважжуҳида мамлакаткушолиғ рағбатининг асаротин кўпрак мушоҳада қилиб, ўз жонибидин нойиб ва сипоҳсолар этиб, Эрон куффори жиҳодининг рухсати била сарафрозлиғ еткурди. (47-б)

*Кофир* сўзи аслида ҳеч қайси динга эътиқод қилмайдиган шахс маъносида бўлса ҳам, “ислом анъанасида ва манбаларда мусулмонлардан ташқари барча кишилар – бошқа динга ишонувчилар, динга ишонмовчи атеистлар ҳам кофир дейилган”<sup>1</sup>. Чунончи, Алишер Навоий тилида *кофир* (*куффор*) сўзи анъанавий мазмунидан ташқари мўғул босқинчилари маъносини ҳам англатади<sup>2</sup>.

*Маҳрам* **محرم** – хоннинг давлат ишларида маслаҳатлашадиган, алоҳида ва махсус вазифаларни бажарувчи амалдор бўлиб, унинг асосий машғулоти хонликдаги карвон ва чорва молларидан солиқ йиғиш бўлган<sup>3</sup>: Ва мундин икки кун ўтгандин сўнг, якшанба куни фатҳ ва фирузмандлик била муовадат қилиб, Марв вилоятига келгонининг ахбор ва эълони учун Вали маҳрамни аризадошт била ҳазрат соҳибқирони жаннатмакон мулозаматиға ирсол қилди. (73-б)

*Маҳрам* сўзининг этимологияси унинг ўзақдошлари *муҳаррам*, *ҳаром*, *эҳтиром* кабиларга қиёсан ўргансак, ушбу фикр янада ойдинлашади. Жумладан, *муҳаррам* **محرم** ҳижрий-қамарий тақвимнинг биринчи ойи номи. Мазкур ой жоҳилият даврида уруш ва жанжаллар таъқиқланган “шухури ҳаром” деб аталган тўрт ойнинг биридир. “Ғиёс ул-луғот” муаллифи ҳам

<sup>1</sup> Ислом. Спровочник. – Тошкент, 1989. – Б.176.

<sup>2</sup> Навоий. Асарлар. 15 томлик. – Тошкент, 1968. 15-том. – Б.142-143.

<sup>3</sup> Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №1. – С.69.

“жоҳилия даврида бу ой давомида одамларга уруш таъқиқлангани боис мазкур ой шу ном билан аталган”<sup>1</sup> деб изоҳ берган. Ҳақиқатан ҳам, муҳаррам сўзи ўзагини “таъқиқ қилинмоқ, улуғ бўлмоқ, ҳурматли бўлмоқ” маъносидаги *ҳарума* **حرم** феъли ташкил қилади. Муҳаррам мазкур I бобдан ҳосил қилинган II боб – ҳаррама **حرم** нинг мажхул нисбат сифатдошидир. Бу феъл таркибидаги товушлар сони ва сифати (ақсом) бўйича саҳиҳ (солим) бўлгани учун унинг мажхул нисбат сифатдоши *муфа’алун* **مفاعل** вазнида бўлади<sup>2</sup>. Демакки, *муҳаррам* “таъқиқланган”, “ҳаром қилинган” деган маънони беради. Мазкур ой номи “Зубдату-т-таворих”да ҳам учрайди: ...чун бу воқеа наввоби мустатоб воситаси била санаи минг икки юз қирқ учда – *муҳаррам* ойининг ғурраси чаҳоршанба куни масомеъи аълоға масмуъ бўлди...(280<sup>б</sup>). Шундан келиб чиққанда *маҳрам* – ўзгалар учун таъқиқланган, ҳаром қилинган нарсалар (хоҳ моддий, хоҳ маънавий) эгаси. Шунинг учун ҳам танмаҳрам, гўри маҳрам тушунчалари келиб чиққан.

*Жулус* **جلوس** уч ундошли феъл масдарларининг *фу’ул* **فعل** қолипида ясалган. Унинг луғавий маъноси ўтириш, мажлисдир<sup>3</sup>. Араб тилида яна *жолис* **جالس** – *ўтирувчи* сўзининг айнан *фу’ул* вазнида синиқ кўплиги ясалиши натижасида бу иккала ўзакдош сўз бир хил шакл олган<sup>4</sup>.

*Жулус* ҳукмдорнинг тахтга ўтириши, ҳокимиятни қўлга олиши маъносини ифодалайди. *Жулус* анъанавий тантана билан муайян расм-русумларни бажо келтириб ўтказилган. Хива хонлигидаги *жулус* ҳақида Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг “Шажараи Хоразмшоҳий” асарида қимматли маълумотларни учратиш мумкин<sup>5</sup>. Жумладан, Н.Жумаҳўжаев ва И.Адизовалар Ферузнинг *жулуси* тафсилотига диққат қаратганлар ва эътиборга молик фикрлар баён қилганлар<sup>6</sup>.

<sup>1</sup> غياث الدين محمد. غياث اللغات . لكهنؤ . ۱۸۸۶ . ص ۴۵۷

<sup>2</sup> Иброҳимов Н. Юсупов М. Араб тили грамматикаси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. – Б. 175.

<sup>3</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1- жилд. – Тошкент: Фан, 1983. – Б. 597.

<sup>4</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С.834.

<sup>5</sup> Мерос. – Тошкент: Камалак, 1990. – Б. 189.

<sup>6</sup> Жумаҳўжаев Н., Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқтур. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б.53.

Огаҳийда ҳам *жулус* сўзи ҳукмдорнинг тахтга ўтириши маъносида қўлланади. Табиийки, унинг луғавий маъносида тахтга ўтириш назарда тутилади. Масалан, Алар ҳазрати зиллуллоҳийнинг жулуси майманат маънусидин тўрт кун сўнг,...(96-б)

Тахт ўлди қудумидин сарафроз,  
Бахт ўлди жулуси бирла мумтоз.

(36-б)

Ҳозирги вақтда давлат бошлиқларининг вазифасини бажаришга киришишлари, қасамёд қабул қилиш тантаналари *инагурация* деб айтилади. Моҳият эътибори билан бу жулус тантанасидир.

Огаҳийнинг тарихий асарларидаги сиёсий-диний мазмундаги ўзлашма сўзларни ўз навбатида қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

***а) диний рутба ва лавозимлар номи:***

*Қози قاضى* – мусулмон жамоасидаги судья: қози Исмоил ва Исҳоқ халифа бошлиқ аксар машоҳир ва маорифи келиб,... (69-б)

*Шайх شيخ* 1. Илоҳиёт олими. 2. Тариқат пири. 3. Қадамжо мутассадиси. Масалан: Шайх Жалил ота (106-б)

***б) диний-иқтисодий мазмундаги ижтимоий-сиёсий сўзлар:***

Огаҳийнинг тарихий асарларида *ушр* ва *закот* сўзлари ҳам соф диний-иқтисодий мазмундаги сўз сифатида, ҳам *ушру закот* тарзида солиқ, умуман, хонлик томонидан жорий қилинган тўловлар маъносида қўлланганини кўришимиз мумкин. Масалан, ... жалодатшиор, садоқатосор, эътиқодтавъом Қорли маҳрам била Панждаҳа атрофида тамаккун кўргузган чоршанги жамоасининг ҳадди нисобға етган ва закот лозим бўлғон амволи мавошийси закотин мувофиқи шаръ ахз қилмоқ учун номзад қилди. (71-б)

*Нисоб نصاب* закот тўлаш фарз бўладиган мол-дунё миқдоридир. Унинг миқдори ашёнинг тури ва қийматига кўра хил бўлади. “Мухтасар”да турли

ашёларнинг нисоб даражаси кўрсатиб ўтилган<sup>1</sup>. Моли нисоб даражасига етган шахс *соҳибни нисоб*, яъни нисоб эгаси дейилган. “Зубдату-т-таворих”да ўқиймиз: Панждаҳа атрофида тамаккун кўргузган чоршанги жамоасининг ҳадди нисобга етган ва закот лозим бўлғон амволи мавошийси закотин мувофиқи шаръ аҳз қилмоқ учун номзад қилди. (71-б)

*Хирож* خراج давлат ерларидан тўпланадиган солиқ бўлиб, Марказий Осиёда ислом динининг тарқалиш жараёнида жорий этилган<sup>2</sup>. Шариатда хирож *хирожни муқосама* ва *хирожни муваззафа* тарзида икки турга бўлинади. *Хирожни муқосама* қилиб белгиланган ерлардан экиннинг бешдан бири ёки тўртдан бири олинади. Бундай ерлардан даромадга қараганда харажат кўпайса ёки экилмай қолса, хирож олинмайди. Шунингдек, экишга яроқли (*хирожни муваззафа*) ернинг эгаси эмай бўш қўйса ҳам хирож тўлайди<sup>3</sup>. “Зубдату-т-таворих”нинг бир неча ўринларида мазкур сўзни учратишимиз мумкин. Масалан, Хомаи бадойёнигор бу навъ воқеъагузорлиғ қилурким, чун Марв вилоятининг улусиким, обонанжад бу хонадони иззатнишон ва бу остони рафеъбунённинг бойри хизматкор ва қадимий хирожгузори эрди. (108-б)

### **г) диний-сиёсий мазмундаги сўзлар.**

*Богий* сўзи сиёсий мазмун касб этувчи ўзлашма сўзларга мансуб бўлиб, мусулмон бўлгани ҳолда мусулмон ҳукмдорга бўйсуннишдан бош тортган шахс маъносини ифодалайди. Мусулмон кишининг мусулмон подшоҳга бўйсунмаслиги *богийлик* (Огаҳийда *богийгарлик*) ҳисобланган:

Қоровуллар сархайлидин Шохмурод иноқ ва Саййидназарбийким, жалодат ва шижоатда абной жинсидин мумтоз, саромат ва муборизотда замон шужаоси-дин сарафроз эрди, суръати тамом била отлариға маҳмиз бериб, дарё канориға етиб, сувға кирган ҳолда ул ажал етган боғийларнинг ақабидин етиб, синони жонситон ва тиғи хунфишон зарби била тўрт нафарни

<sup>1</sup> Мухтасар. Арабчадан Р.Зоҳид ва А.Дехқон таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б. 56-62.

<sup>2</sup> Ислом. Справочник. – Б.270.

<sup>3</sup> Мухтасар. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б.65-66.

сув ичига отдин сарнигун йиқиб, ғарқаи гирдоби адам ва маҳриқаи оташи жаҳаннам қилдилар. (160-б)

*д) диний-ҳарбий мазмундаги ижтимоий-сиёсий сўзлар.* Асарда учрайдиган ҳарб ишига оид сўзни шу тарзда кичик гуруҳга ажратишимиз боиси шуки, уларда диний мазмун устунлик қилади. Жумладан, *ғазот* сўзи умуман жанг, уруш маъносини эмас, балки дин йўлида олиб борилган жанг, ҳарбий ҳаракат маъносини ифодалайди. Масалан, Сипоҳигарлик асбобиға саранжом ва сипоҳ аҳволиға интизом бериб, ҳиммати олий наҳматининг шаҳбози баландпарвози кишваркушойлиғ тақозоси ва ғазот савоби таманносида болафшони ҳавои шавқ бўлуб...(47-б).

“Зубдату-т-таворих” да *ғазовот* сўзи ўз анъанавий маъносидан ташқари шиа мазҳаби вакиллариға қарши олиб борилган урушларға нисбатан ҳам қўлланилади.

*Ғозий غازی* сўзи *ғазовот* сўзи билан ўзакдош бўлиб, дин йўлидаги уруш иштирокчисидир. Ғайридинларға қарши уруш иштирокчиси ғозий ҳисобланган, бундай урушлар олиб борган, саркардалиқ қилган баъзи подшоҳлар Абулғозий (айнан ғозийнинг отаси) лақабини олган. Жумладан, Абулғозий Баҳодирхон “Шажараи турк”да ёзишича, унга бу исм отаси Арабмуҳаммадхоннинг Каспий бўйича ғайридинлар устидан қозонган ғалабаси муносабати билан қўйилган<sup>1</sup>.

Диний-ҳарбий мазмундаги ижтимоий-сиёсий сўзлардан бири *жиҳод* бўлиб, у моҳият эътибори билан *ғазот* (ёки *ғазовот*) сўзининг синонимидир. Унда иштирок этадиган жангчилар эса *муҷоҳид* деб аталади. Оғаҳийда бу сўз *ғозий* сингари шиа мазҳаби вакиллариға қарши бўлган уруш маъносида ҳам қўлланганини кўрамиз. Масалан, Ва ул ҳазрат, гоҳо отаси султони мағфур ғазот ва жиҳод иродаси била ҳар тарафға азимат кўргузса эрди, амри олий мужиби била наёбат саририға тамаккун ва ҳукумат умуриға мутасадди бўлуб, фуқаро аҳволотининг интизоми ва мамлакат муҳиммотининг

<sup>1</sup> Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент:Чўлпон, 1992. – Б. 167.

саранжомига икдом кўргузуб, жаҳон маҳофилида акдоҳи адолатин даврга киргузур эрди. (42-б)

Шунга кўра *мужоҳид* сўзи ҳам икки мазҳаб вакиллари ўртасидаги уруш катнашчиси (сунний мазҳаб вакили)га нисбатан ишлатилган.

Бу иккала сўз (*жиҳод* ва *ғазот*) гарчи синоним ҳисобланса ҳам, улар ўртасида муайян маъно тафовутлари мавжуд. Булар асосан, қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, *ғазот* ва *ғозий* сўзлари *жиҳод* ва *мужоҳид*га нисбатан тор маънога эга. *Ғазот* дин йўлидаги уруш, ҳарбий ҳаракатни англатса, *жиҳод* бу йўлдаги умумий ҳаракат, саъй, интилишни ифодалайди. Шунинг учун ҳам бу иккала сўз бир-бирига мутлоқ синоним бўла олмайди. Масалан, “нафсга қарши жиҳод” тушунчасини “нафсга қарши ғазот” тарзида ифодалаб бўлмайди.

Иккинчидан, *мужоҳид* сўзи ҳам *ғозий*га нисбатан кенгроқ маънога эга бўлиб, дин йўлида ҳарбий усулдан бошқа йўллар, жумладан, маърифат йўли билан кураш олиб борувчи кишига нисбатан ҳам қўлланилади.

Мана шу кичик гуруҳга мансуб *шаҳодат*, *шаҳид* сўзлари ўзакдош бўлиб, *шаҳид* “дин ёки мазҳаб йўлида ҳалок бўлган шахс”<sup>1</sup>, *шаҳодат* эса шаҳид ҳолда ҳалок бўлиш деган маънони англатади. “Зубдату-т-таворих”да *шаҳодат* сўзи кўп ҳолларда шиаларга қарши жангларда ҳалок бўлган Хива хонлиги қўшини вакилларига нисбатан ишлатилади. Масалан, Тоқим, олами фонийдин жаҳони боқийга хунрезлик ваболи била бормоғоймиз, чун мусулмонлардин ҳар бирининг устига муонидлардин ўн беш, йигирма киши хужум қилиб, Ниёзмуҳаммадбой бошлиғ икки юз чоғлиғ кишини шаҳодат даражасига еткурдилар. (112-б)

Фикҳда *шаҳид* сўзи юқорида изоҳланилганидан кўра кенгроқ маънога эга. *Шаҳид* шариатда жанобатдан, ҳайздан ва нифосдан пок ҳолда зулм билан

<sup>1</sup> Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1996. – Б.106.

ўлдирилган болиғ мусулмондир. Шунингдек, жангчи жанг майдонидан олиб чиқиб кетилмасдан туриб ўлса, шаҳид ҳисобланган<sup>1</sup>.

Шу ўринда Огаҳийнинг тарихий асарларидаги араб лексик қатламига мансуб ўзлашма сўзларнинг қўлланилишига оид айрим мулоҳазаларни баён қилиш мумкин:

Огаҳийнинг тарихий асарлари Хива хонлиги тарихи таркибида бўлганлиги сабабли ҳам унда ўша давр хонликдаги давлат тузилишига оид ўзлашма сўзлар қўлланилган. Мазкур хонликдаги кўпгина мансаб номлари араб луғавий қатламига мансубдир, бу эса асарларда ўз аксини топган. “Зубдату-т-таворих”да ўзлашма сўзлар доирасидаги баъзи арабий сўзлар асл туркий сўзларга синоним вазифасини бажаради. *Уруш* сўзининг маъноси *ҳарб*, *муҳораба* сўзлари билан ҳам ифодаланади. Масалан, Ул ҳолда умаройи садоқатинтимо ва кубаройи эътиқодафзо ул жанобнинг оташи ғзаби илтижои тазарруънамо ва таваллои тахашшуъоро обрезлиги била таскин бериб дедиларким, гуруҳи шижоатпажух ва лашкари қиёматшукуҳингизнинг садмати муҳорабасиға тоқати муқобалат келтура олмай, ҳаросон бўлуб, ажзу инкисор юзидин ҳазимат кўргузгон черикнинг изидин қовуб, ишин мухдикаға солмоқ ҳиммат қавоидидин йироқ ва мардлик маросимидин узокдурур. (127-б) Ўзлашма сўзларга мансуб айрим сўзлар ислом дини, унинг ақида ва эътиқодий жиҳатлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларда диний мазмун устунлик қилади. Шунинг учун уларни диний мазмундаги ижтимоий-сиёсий сўзлар тарзида алоҳида бир гуруҳга ажаратишни лозим топдик.

Огаҳий баъзи туркий сўзларга синоним сифатида уларнинг арабчасини қўллайди. Бу ҳолни муаррих ижодига хос бўлган бадий бўёқдорликка интилиш, бадий санъатлардан кенг фойдаланиш услуби билан изоҳлаш мумкин. Масалан, “майманаи маймун ва майсараи мансур” бирикмалари орқали товушдошлик, иштиқоқ санъатлари юзага келтирилган. Бундан

<sup>1</sup> Мухтасар. Арабчадан Р.Зоҳид ва А.Дехқон таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б. 56.

ташқари, Огаҳий ўз ижодий фаолияти давомида форс-тожик тилидаги бешта тарихий асарни таржима қилган. “Зубдату-т-таворих”нинг услубида таржима жарёнида пайдо бўлган адабий таъсир ҳам ўз аксини топган бўлиши шубҳасиздир. Огаҳийнинг ушбу асарида юқорида сўз юритилган форс ва араб тилларидан бошқа бирор тилдан ўзлашган сўзлар салмоғи жуда кам. Бу, албатта, ўша давр шароитида ўзбек тилига Европа тилларининг луғавий жиҳатдан таъсири камлиги билан изоҳланади. Масалан, “Зубдату-т-таворих”да Россия империяси Ўрус вилояти деб юритилади: Чун ҳазрат зиллуллоҳийнинг самъи ҳумоюнига бу хабар етиб эрдиким, Бухородин кўб карвон Ўрус вилоятига бориб, байъу шаро ва жамеъ савдосин бутқориб, матоъи фаровон била ганжи равон янглиғ Ўрус қаламравидин чиқиб, Ирдор йўлидин яна Бухорога озимдурур. (147-б)

Таъкидлаш керакки, айрим тадқиқотчилар томонидан мўғул тилига оид деб кўрсатилган кўпгина сўзларни турк-мўғул параллеллари ёки ўрток сўзлар сифатида беришни маъқул деб топдик<sup>1</sup>. Аслида ҳам “бу сўзлар мўғул тилидан эски ўзбек тилига ёки, аксинча қадимги туркий тилдан мўғул тилига қабул қилинган, деган қатъий фикрни билдириш қийин”<sup>2</sup>.

Ушбу бобда таҳлил қилинган мисоллар ва келтирилган фактик материаллар қуйидагича умумий хулосаларни баён қилиш имкон беради:

1. “Зубдату-т-таворих”даги туркий қатламга мансуб сўзларнинг аксарияти этимологик жиҳатдан қадимги туркий асослардан ташкил топган. Туркий тилларнинг сўз ясалиш имкониятлари ўзлашма сўзлар доирасида туркий сўзларнинг салмоғини оширувчи мезонлардан бири бўлган.

2. Эроний қатламга мансуб сўзларнинг айримлари фонетик вариантларда ишлатилган. Улардан баъзилари ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол ишлатилади. Шу билан бирга ушбу сўзларнинг асарда англаган маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида англаган маъноларидан фарқ

<sup>1</sup> Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Б.55-56.

<sup>2</sup> Турсунова О. Умумтуркий тарихий-ҳуқуқий атамаларнинг семантик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, – 2006. – №5. – Б.93.

қилади. Бу сўзларнинг кўпчилиги синхрон жиҳатдан содда туб сўз ҳисобланса ҳам, этимологик таҳлил уларнинг аксарияти тарихан ясама эканини кўрсатди.

3. Таҳлилга тортилган айримларини синхрон жиҳатдан маъноли қисмларга ажратиш мумкин. Бу ҳолда улар арабча+форсча, форсча+форсча тарзида ҳосил қилинган.

4. Ушбу тўпламга мансуб сўзлар ичида субстрат сифатида қарашга мумкин бўлганлари ҳам учрайди.

5. Асар лексикасида эроний қатламга мансуб аксар сўзларнинг туркий муқобили ишлатилганини Огаҳийнинг ўзлашма сўзлардан фойдаланиш маҳорати мезонларидан бири деб қараш мумкин.

6. Араб луғавий қатламига мансуб кўпчилик сўзларнинг ҳам туркий муқобили ишлатилган. Туркий муқобилга эга бўлмаган сўзларнинг аксариятини диний мазмундаги ўзлашма сўзлар ташкил қилади.

### Ш Б О Б

## АСАРДАГИ ЎЗЛАШМА СЎЗЛАРНИНГ ТАРКИБИЙ ТАҲЛИЛИ

### 3.1. Эроний луғавий қатламга хос ўзлашма сўзларнинг таркибий таҳлили

Эроний қатламга мансуб ўзлашма сўзларни таркиб жиҳатидан икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Туб сўзлар.
2. Ясама сўзлар.

Фақат ўзак морфемадан иборат бўлиб, таркибида ясовчи кўшимча мавжуд бўлмаган сўзлар туб сўзлар ҳисобланади. Масалан, *шоҳ*, *сипоҳ* каби. Лекин, таъкидлаш лозимки, баъзида синхрон аспектда туб деб қаралган сўзлар диахрон нуктаи назардан қараганда ясама бўлиб чиқади. Мисол тариқасида *деҳқон* араб тили таъсирида фонетик ўзгаришга учраган. Бу сўз аслида *деҳгон* (*деҳ* – *қишлоқ* ўзагидан) бўлган, ҳозир унинг арабийлашган шакли қўлланади. Бу ҳодиса аслида *бозоргон* бўлган *бозургон* (савдогар) ва аслида *хонагоҳ* бўлмиш *хонақоҳ* сўзларида ҳам кўзга ташланади<sup>1</sup>.

Эроний тилларда от ясалишида морфологик усул анча сермахсул бўлиб, ўзакка суффикс ва префиксларни кўшиш орқали янги сўзларни юзага келтиради. Шунга кўра морфологик усулда ясалган сўзларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Суффикслар орқали ясалган сўзлар.
2. Префикслар орқали ясалган сўзлар.

Огаҳийнинг тарихий асарларидаги морфологик усулда ясалган сўзларнинг барчаси суффикслар орқали ясалади. Хусусан, *-бон*, *-гар*, *-дор* каби кўшимчаларнинг сермахсуллигини кузатамиз. Мазкур кўшимчаларнинг

---

<sup>1</sup> Забони адабии ҳозираи точик. – Душанбе: Ирфон, 1973. – С. 131.

ҳар бири алоҳида лексик ва морфологик хусусиятга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

-*бон* بان қўшимчаси ҳозирги форс, тожик, дарий тилларда қуйидаги мазмунларни ифодалайди:

1. Шахснинг касб-кори, машғулоти турини англатади. Масалан, *боғбон*, *дарбон* каби.

2. Мансаб номларини ясайди: *марзбон*, *посбон*.

3. Феълнинг ўтган замон ўзагига қўшилган ҳолда ҳам касб-кор номини ясайди: *дидбон* каби.

4. Нарса-буюм номини ясайди: *соябон* каби <sup>1</sup>.

“Зубдату-т-таворих”даги ушбу қўшимча ёрдамида ясалган ўзлашма сўзларга мансуб сўзларни таҳлил қилиш орқали унинг янги вазифавий жиҳатларини кўришимиз мумкин. -*бон* қўшимчаси “*сақловчи*, *муҳофаза қилувчи*” маъносида “Авесто”да *rapa c~Ṛc~ə* шаклида учрайди. Санскрит тилида ҳам худди шу шакл ва маънони англатади. Мазкур қўшимча паҳлавий тилида *rāp* шаклида ишлатилган<sup>2</sup>. Огаҳийнинг тарихий асарларида мазкур қўшимча орқали ясалган *марзбон* ва *посбон* сўзлари учрайди.

*Марзбон* مرزبان сўзи ҳозирги форс тилида қуйидаги маъноларни англатади: 1. Чегарачи; эскирган: чегара истехкоми; 2. Тарихий: марзбон (сосонийлар Эронида чегара вилоят ҳокими); 3. Эскирган: ҳоким, волий<sup>3</sup>. Форс тилида ушбу сўзнинг *марздор* مرزدار шакли ҳам бор. Бу сўзнинг ўзаги бўлган *марз* مرز сўзи “Авесто”да *terezi* шаклида бирор ўлка чегараси деган маънони англатади. Мазкур элементлар арманчадаги *marz*, чот тилидаги *marka* (чегара белгиси), қадимги ирландча *bruig*, *mruig*, лотинча *margo* (чекка, қирғоқ) сўзлари билан умумий ўзакка эга<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Забони адабии ҳозираи тоҷик. – С. 141.

<sup>2</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دكتور محمد معين. تهران. امير كبير. ۱۳۸۶ . جلد ۱. ص ۲۲۸

<sup>3</sup> Персидско-русский словарь. Том 2. – М.: Русский язык, 1983. – С.494.

<sup>4</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دكتور محمد معين. تهران. امير كبير. ۱۳۸۶ . جلد ۴. ص ۱۹۸۶

*Марз* сўзининг тўртбурчак шаклига келтирилиб, атрофи баланд қилинган экин майдони деган маъноси ҳам бор. Ўзбек тилидаги *марза* худди шу ўзакдан дейиш мумкин.

Тарихий сўз сифатида *марзбон* қуйидаги маъноларни англатганини кўриш мумкин:

1. Чегарачи, соқчи:

Қилиб тортган чоғда тиғи забон,

Ки қилмай туман тиғлик *марзбон*. (“Садди Искандарий”)<sup>1</sup>.

2. Чегара вилоят ҳокими.

Огаҳийнинг тарихий асарларида ҳам мазкур сўзнинг иккинчи маънода қўлланганини кўришимиз мумкин: Ул жумладин бири улким, Дарагаз кўрғонининг ҳокими олийшони Беклархонким, ул ҳаволининг *марзбонидурур*... . Парчада зикр этилган Дарагаз кўрғони Сарахс вилоятида бўлиб, Эрон Хуросони билан чегара ҳудудда жойлашган. Машҳур Аллоҳу Акбар чўққисининг шимолий тарафида жойлашган бу ҳудуд ҳозирги кунда ҳам Туркменистон Республикаси ва Эрон ўртасидаги чегарада<sup>2</sup>. Хуллас *марзбон* қадимги Ароҳда вилоят ҳокимларига берилган унвон. Дастлаб чегарага ёндош ўлканинг ҳокими *марзбон* деб аталган. Ҳозирги тилда посбон – чегарачи маъносида ишлатилади. Табарий, Балазурий каби тарихчилар асарларида ҳам *марзбон* сўзи учрайди. Сурёний тилида *marzbano*, *marzabono* тарзида, эски арман манбаларида *marzipan*, *marzvan* шаклида ишлатилган<sup>3</sup>.

*Посбон* پاسبان сўзи ҳам *пос* ва *-бон* қисмларидан иборат.

*Пос* پاس сўзи қуйидаги маъноларни англатади: 1. Сақлаш, кўриқлаш. 2. Сутка (кеча-кундуз)нинг саккиздан бир қисми, ҳар бир бўлагини *посий* پاسى дейишади.

3. Навбат.

<sup>1</sup> Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент: Университет, 2003. – Б. 79.

<sup>2</sup> معين محمد . فرهنگ فارسی. جلد ۵. تهران. امير کبير. ۱۳۷۵. ص ۵۲۳

<sup>3</sup> شس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع. با اهتمام دکتر محمد معين. تهران. امير کبير. ۱۳۸۶. جلد ۱. ص ۳۵۲.

Мазкур сўз “Авесто”да *pâthra*, паҳлавийда *pâs*, қадимги форс тилида *pâsa* шаклида қўлланган<sup>1</sup>. *Поснинг* дастлабки маъносига асосан эски ўзбек тилида “пос тутмоқ” *сақламоқ, қоровулламоқ, қўриқламоқ, посбон қўймоқ* маъноларини англатади:

Қалъа даврин кечиб *тутар эди пос,*  
Кўнглида бийм йўқ, ичинда ҳарос. (“Сабъаи сайёр”)<sup>2</sup>.

Огаҳийда *поснинг* ушбу маъноси асосида *пос тутмоқ* феъли *ҳурмат қилмоқ, ҳурмат сақламоқ* маъносини ҳам касб этганини кўрамиз: ...Шахзодаи давлатпаноҳ хадиви хуршидкулоҳнинг илтимосин *пос тутуб*, барча тарокима аҳлининг аёни ва мутеъ ўлғон элларнинг хониға... рухсат берди.

*Поснинг* кеча-кундузнинг бир бўлаги маъносида Алишер Навоий асарларида ҳам учратиш мумкин:

Урмағайсен посбонлиғ лофи кўк кўрғонида,  
Воқиф ўлсанг, эй ажал, ҳажрин туни бир *посидин*<sup>3</sup>.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги “бир пас” бирикмасида “пас” *поснинг* айни шу вақт бўлаги маъносидан келиб чиққан. Бу сўзнинг *навбат* маъносини ҳам Алишер Навоий асарларида учратиш мумкин:

Ани асарлар эрди *пос* бирла,  
Йўлида қум тўшаб олмос бирла<sup>4</sup>.

Огаҳийнинг тарихий асарларида *посбон* сўзининг қуйидаги маъноларда қўлланганини кўрамиз.

#### 1. Қўриқчи, посбон:

Мусалламдур анга мулки маъоний,  
Бўлуб давлат эшиги посбони.  
(29-б)

<sup>1</sup> شمس الدين محمد بن خلف تبریزی . برهان قاطع . با اهتمام دکتر محمد معین . تهران . امیر کبیر . ۱۳۸۶ . جلد ۱ . ص ۳۰۳ .

<sup>2</sup> Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. – Тошкент:2003, – Б. 112.

<sup>3</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-жилд. – Тошкент: Фан, 1990. – Б.318.

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Илмий-танқидий матн. / Тузувчи: Порсо Шамсиев. – Тошкент, 1963. – Б.153.

2. Ҳарбий қароргоҳ, хон қароргоҳи: Ва тонгласи ул ҳазратнинг остони малойикпосбони зиёратиға истиъод топиб, арвоҳи тоййибаларидин футуҳи тамом ҳосил қилиб, мурожаат кўргузди. (182-б)

Эроний қатламга мансуб ўзлашма сўзлар тизимида мустақил сўзларнинг бирикувидан ҳосил бўлган сўзлар ҳам учрайди. Бундай сўзларнинг таркибини арабча ва форсий (*тахниятнома, аройизнома, фатҳнома* каби), форсий ва форсий (*пойтахт, сипоҳсолор* каби), туркий ва форсий (*кўрунишхона* каби) асослар ташкил қилади.

Кўринадики, эроний қатламга мансуб ўзлашма сўзларга оид сўзларнинг таркибий таҳлили ҳам туркий ва эроний (хусусан, форс, тожик, дарий) тилларининг бир-бирларига самарали таъсирини кўрсатувчи муҳим фактлар тақдим этади.

### **3.2. Араб луғавий қатламига хос ўзлашма сўзларнинг таркибий таҳлили**

“Зубдату-т-таворих”даги ўзлашма сўзлар тизимида араб тилидан ўзлашган сўзлар ҳам кўплаб учрайди.

Араб тилидан ўзлашган сўзларни ясалиш хусусиятига кўра даставвал қуйидагича тасниф қилишимиз мумкин:

1. Туб сўзлар.
2. Ясама сўзлар.

Туб сўзлар фақатгина бир сўздан ташкил топади. Масалан, *мазҳаб, хирож, амир* ва ҳоказо. Огаҳийнинг тарихий асарларидан бунга кўплаб мисоллар келтиришимиз мумкин. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, биз ўзбек тили нуқтаи назаридан содда сўз сифатида қабул қиладиган сўзларнинг аксарияти аслида ясама бўлиб, араб тилидаги ички флекция қоидалари асосида юзага келган. Улар ўзбек тилига тайёр лексема сифатида қабул қилинган, демак, уларга синхрон аспектда содда сўз сифатида қарашга ҳақлимиз. Тарихий нуқтаи назардан эса биз содда деб қабул қилган

сўзларнинг аксарияти ясама ҳисобланади. Уларнинг таркибий таҳлилини араб тилининг ички флекция қонуниятларига асосланмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Бундан ташқари эски ўзбек манбаларида арабий ўзлашмаларни шу тарзда таҳлил қилиш асар муаллифининг ўзлашмаларни кўллаш сабаби, синонимлардан фойдаланиш маҳорати каби жиҳатларни ёритишга хизмат қилади. Муҳими, таҳлилни бу тарзда олиб бориш ўзбек тилидаги арабий ўзлашмаларнинг этимологиясига оид айрим чалкашликларга барҳам беради.

Маълумки, араб тилида феъл ниҳоятда муҳим сўз туркуми ҳисобланиб, кўпгина исмлар ҳам феълдан ҳосил бўлади. Бу ҳолни ўзбек тилига ўзлашган тарихан араб лексик бирлиги ҳисобланган сўзларнинг ясалиш хусусиятида ҳам кўришимиз мумкин. Шунга кўра тарихан ясама бўлган арабий асосли ўзлашма сўзларни солим феъллардан ясалган сўзлар ва нотўғри феъллардан ясалган сўзларга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Қуйида улардан ҳар бирига кирувчи сўзларнинг лексик-семантик жиҳатларини кўриб чиқамиз:

### 3.3. 1. Солим феъллардан ясалган сўзлар

Таркибида ҳамза бўлмаган ёки бир хил ундош икки марта такрорланмаган феъллар саҳиҳ феъллар саналади<sup>1</sup>. Бундай ўзаклар ўзбек арабшунослигида *саҳиҳ феъл*<sup>2</sup>, *тўғри феъл* терминлари билан ифодланади<sup>3</sup>. Огаҳийнинг тарихий асарларида тўғри феъл асосида ясалган сўзларнинг асосан уч ундошли феъл масдарларининг турли қолип(вазн)ларида ҳосил бўлган турлари учрайди.

Араб тилидаги феълларнинг асосий қисми уч ундошлидир<sup>4</sup>. Уч ундошли феълларнинг масдарлари турли қолипларда бўлади. Масалан *фу'л* **فُعِلَ** қолипи. Сиёсий мазмундаги *сулҳ* **صُلِحَ** сўзи шу қолипда ясалган. Мазкур

<sup>1</sup> بدان. Қўлёзма. Шахсий кутубхонамизда. – С. 107.

<sup>2</sup> Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. 1997. – Б.426.

<sup>3</sup> Талабов Э. Араб тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993.

<sup>4</sup> Талабов Э. Араб тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. –Б.34.

сўз тинчлик, келишув, томонлар ўртасидаги мураса маъноларини англатади ва *салуха* صَلْحٌ ёки *салаҳа* صَلْحٌ салаҳа – яхши бўлмоқ; феълидан ҳосил бўлган<sup>1</sup>.

Дипломатик мазмундаги сўзлардан бири бўлган *сулҳнома* мазкур сўзга форсий *нома* аффиксоиди қўшилиши натижасида ҳосил бўлган ва ўзаро тинчлик битими маъносини англатади. Масалан, Чун мазкур бўлгон элчилар амри олий мужиби била манозили мутакассирани қатъ этиб, амир Насруллоҳнинг кўрунушига етиб, ҳазрат зиллуллоҳийнинг йиборган сулҳнома ва топширғон сўзларин арз қилдилар. (96-б)

Диний-иқтисодий мазмундаги *ушр* عَشْرٌ ҳам *фу'л* فُعْلٌ қо липида ясалган. Эрон, Бухоро амирлиги ва бошқа баъзи жойларда форсча *дахяк* - ўндан бир сўзи билан ҳам ифодалангани маълум. Бу мазмун *ушр* сўзининг ўзаги *ашр* - عَشْرٌ - “ўн” сўзида мавжуд. *Ашара* عَشْرٌ феъли *ўнта* бўлмоқ; *ушр* олмоқ маъноларини англатади<sup>2</sup>. *Ушр* сўзи ўзбек адабий тилидаги *муашшар* (ҳар банди ўн мисрали мумтоз шеър шакли), *ашуро* (муҳаррам ойининг ўн куни) сўзлари, шунингдек, *Ашур*//*Ашир* антропонимлари билан ўзакдошдир.

Огаҳийнинг тарихий асарларидан ҳам *ушр* сўзи диний-иқтисодий мазмун касб этган ҳолда фаол қўлланилган. Масалан, (қорақалпоқлар) амири кабир Муҳаммадамин иноқ рухуллоҳ руҳаҳунинг даргоҳи фалакиштибоҳида юз минг ажзу инкисорлиғлар била *ушру* закотларин бермакчи бўлуб, Хоразм мамоликининг бир тарафидин ер ва юрт тиладилар.

*Фа`ал* فَعَّلٌ қолипи ҳам уч ундошли феъл масдарлари ичида кенг тарқалгандир. Масалан, *алам* عِلْمٌ сўзи *фа`ал* فَعَّلٌ қолипида ясалган сўзлардан ҳисобланади. *Ҳарбий байроқ*, *туғ*, *парчам* маъноларидаги бу сўз ҳарбий мазмундаги ўзлашма сўзларга мансуб ҳисобланади. Ҳарбий байроқни муқаддас тутиш, уни кўшиннинг ор-номуси тимсолида билиш аждодларимиздан мерос ватанпарварлик анъаналаридан ҳисобланади. *Алам* сўзи *алама* عَلَّمَ – *нишон қўймоқ*, *белгиламоқ* маъносидаги феълдан ҳосил

<sup>1</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1983. –С. 442.

<sup>2</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С. 576.

бўлган<sup>1</sup>. Мазкур сўзнинг исм маъноси учун ҳам худди шу мазмун асос ҳисобланади. Тарихий манбалардан маълумки, ҳар бир лашкарбоши ўзининг аламига эга бўлган. Буни қуйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин: Соҳибэҳтишом султонлар ва гардунмақом қоонлар ва олий манзалат умаролар ва фалакрифъат уманолар ва соҳибалам саркардалар ва анжумҳашам сипохдорлар атрофи мамолик ва аснофи масоликдин фавж-фавж ва даста-даста зарринқубба туғлар ва сийминшиққа аламларин жилвагар қилиб, салобати тамом ва маҳобати молокалом била келиб, ҳазрат хилофатмаобнинг ҳамрикоблиғи учун жаноби фалакинтисоб мулозамати шарафиға мушарраф бўлдилар. (133-б)

Мумтоз адибларимиз тилида *алам* сўзи, асосан, икки хил маънони англатади. *Ранж, алам, озор, ўкинч* маъноларидаги *алам*нинг ёзилиши эски ўзбек имлосида юқоридаги *аламдан* фарқ қилади, яъни ундаги *а* унлиси алиф ҳарфи *ʼ* орқали ифодаланади. Шунингдек, *алам чекмак* ёки *алам тортмоқ* кўшма феълларини эски ўзбек имлосида қандай ёзилишини эътиборга олмасак, матн мазмунига кўра икки хил англаш мумкин: 1) озорланмоқ, ўкинмоқ; 2) кўшин тортмоқ, лашкар сурмоқ<sup>2</sup>. Масалан, Алишер Навоийнинг машҳур

Турк назмида чу мен тортиб *алам*,

Айладим ул мамлакатни якқалам

байтида *алам чекмак* феъли *туғ тутмоқ, байроқ кўтармоқ* маъносида қўлланганини кўрамиз.

*Фа'л* қолипида ясалган масдарларга ҳам ўзлашма сўзларга мансуб сўзлар қаторидан мисол келтириш мумкин. Масалан, *фатҳ* فتح сўзи. *Фатҳ* ижтимоий-сиёсий мазмун касб этганда *бирор ўлкани, мамлакатни босиб олиш, забт этиш* деган маънони англатади. Шунинг учун ҳам бирор мамлакат ёки шаҳарни забт этган лашкарбоши *фотиҳ* (очувчи) дейилган. Бу

<sup>1</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С. 834.

<sup>2</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. 1- жилд. – Тошкент: Фан, 1983. –Б. 75.

сўз очмоқ маъносидаги *фатаҳа* فتح феълидан ҳосил бўлган<sup>1</sup>. Араб тилида *фа'ала* فَعَلَ қолипидаги ўтимли феъл масдарларининг кўпчилиги *фа'л* қолипида ҳосил бўлади<sup>2</sup>.

Сиёсий ҳужжатлардан бири ҳисобланган *фатҳнома* эса бирор давлат кўшинининг бошқа бир ҳудудни забт этганлиги ҳақидаги ёзма ахборот маъносини ифодалайди. Масалан, Хўжаназарбек ва Қурбонназар сардорга *фатҳнома* бериб, башорат учун Муҳаммадхон сардор қаройи тарафиға ирсол қилди... ёки Иноқбек дағи ҳарбгоҳнинг ноқулай ва ноҳамворлиғи жиҳатидин баҳодирларни муҳораба майдонидин қайтариб, фатҳу зафар била муовадат кўргузуб, пешиндин сўнгроқ муаскари ҳумоюнға мулҳақ бўлди....

Араб тилида биринчи боб феълларидан баъзан *фу'латун* فعلة қолипида ҳам масдарлар ясалади. Маълумки, та-марбута – ة билан тугаган аксар арабий сўзлар ўзбек тилида *а* унлиси билан талаффуз қилинади. Мансаб номларидан бири бўлган *умда* عمده ҳам мазкур қолип асосида ясалган.

Шунингдек, Огаҳийнинг тарихий асарларида учрайдиган баъзи сўзлар уч ундошли феълларнинг сифатдош шакллари дир. Сифатдошлар феълдан ҳосил бўлган ва ўзида ҳам феъллик, ҳам сифатлик хусусиятларни мужассамлантирган сўзлар дир. Араб тилида сифатдошлар барча замонлар учун бир хил шаклга эга<sup>3</sup> бўлиб, икки хил дир: аниқ нисбат сифатдошлари ва мажҳул нисбат сифатдошлари.

Аниқ нисбат сифатдошлари уч ундошли аслий (I боб) феъллардан *фо'ил* فاعل вазнида ҳосил бўлади ва феълда ифодаланган иш-ҳаракатнинг бажарувчисини англатади. Бу хил сифатдошлар кўпинча отлашади ва отга хос барча хусусиятларни қабул қилади. Масалан, *фатаҳа* فتح - очмоқ феълининг аниқ нисбат сифатдоши *фотиҳ* айнан очувчи дегани бўлиб, *фотиҳ*, *забт этувчи* маъноларида отлашади.

<sup>1</sup> قاموس المحيط. www.dorar.net.

<sup>2</sup> Мусоқулов Р. Араб тили – Тошкент: Ўқитувчи, 1996.– Б.123.

<sup>3</sup> Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. – Тошкент, 1997. – Б.147.

Огаҳийнинг тарихий асарларидаги ўзлашма сўзларга мансуб сўзлар ичида аниқ нисбат сифатдоши шаклидаги сўзлардан бири *омил*дир. Мазкур сўз солиқ йиғувчи лавозимидаги киши маъносини англатиб, Мовароуннаҳрда кенг қўлланилган. Омил хизматчи ёки амалдор маъносида тарихий манбаларда кўп учрайди<sup>1</sup>. Бу сўзнинг ўзаги ишламоқ маъносидаги *амила* **عَمِلَ** феълдир. Мазкур феълнинг бундан ташқари *бошқармоқ*, *раҳбарлик қилмоқ* мазмуни ҳам бўлиб, бизнингча, сўзнинг юқоридаги мазмуни асосида ушбу маъно ётади<sup>2</sup>. Шунга кўра *омил* сўзи ҳам бир неча маънога эга. Ишчи маъносидаги омилга мазкур феълнинг ишламоқ; закот йиғувчи, ҳоким, губернатор (Шимолий Африкада) маъноларга эса бошқармоқ мазмунлари асос бўлган. Бундан ташқари *омил* сўзи (бунда кўплик *авомил*) араб грамматикаси атамаларидан бири сифатида “сўзларнинг боғланиш сабаби”ни англатади<sup>3</sup>.

“Зубдату-т-таворих”да *омил* сўзи закот йиғувчи мансабдор маъносида ишлатилган. Масалан, ...закот ахзи учун *омиллар* ва ул амал улумига комиллар йибориб...

Омиллар закот йиғувчи ёки хирож йиғувчи эканлигига қараб *омили закот* ва *омили хирож* деб ҳам фарқланган<sup>4</sup>.

Тарихий сўзлардан бири бўлган *муҳассил* **مَحْصُل** ҳам закот ишларига масъул шахс маъносини ифодалайди. *Муҳассил* сўзига “Мунтахаб ул-луғот”да “ҳосил қилувчи” деб изоҳ берилган<sup>5</sup>. *Муҳассил*, луғавий маъносидан англашилича, қишлоқ хўжалик соҳасида солиқ ишлари билан шуғулланган. Б.Аҳмедовнинг ёзишича, “...ўлпон ва олиқ-солиқ ишларини закотчи ва

<sup>1</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.86.

<sup>2</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С.541.

<sup>3</sup> Иброҳимов Н., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. – Тошкент, 1997. – Б. 424.

<sup>4</sup> Мухтасар. Араб тилидан Р.Зоҳид ва А.Дехқон таржимаси. – Тошкент: Чўлпон: 1993. –Б.63; Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б.87.

<sup>5</sup> منتخب اللغت . لکهنو . ۱۸۸۶ص ۷۴۸

муҳассиллар... адо этганлар”<sup>1</sup>. Шунингдек, Амир Темур давлатида ҳосилга қараб хирож миқдорини белгилаб берувчи *қалақчи* мансаби ҳам бўлган<sup>2</sup>.

### 3.3.2. Нотўғри феъллар асосида ясалган сўзлар

Араб тилидан ўзлашган сўзларни ясашиш хусусиятига кўра таснифида уларнинг ўзагини ташкил этувчи ҳарфлар хусусиятига кўра ҳам тасниф қилган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Араб тилидаги феъл ўзаклари таркибидаги ҳарфлар хусусиятига кўра етти гуруҳга ажратилади: саҳиҳ (тўғри), музоаф, мисол, ажваф, ноқис, лафиф, мултавий<sup>3</sup>.

Биз юқорида саҳиҳ (тўғри) феъллар асосида ҳосил бўлган сўзлар хусусида гапирган эдик. Энди тасниф доирасида нотўғри феъллар асосида ҳосил бўлган баъзи сўзлар хусусида сўз юритсак.

**Ҳамзали феъллар ва улар асосида ясалган сўзлар.** Ҳамзали феъллар ўзаги таркибида ҳамза иштирок этади ва бу ҳодиса анъанавий араб грамматикасида маҳмуз деб юритилади<sup>4</sup>. Бошқача қилиб айтганда, ҳамзали феълларнинг уч ўзак ундошидан бири иллат ҳарфлар – “алиф”, “во”, “йо”дан бири бўлади.

Биринчи ўзак ундоши ҳамзадан иборат феъллар мисол **مثال** феъллар дейилади. Мисол феълларининг кўплаб морфологик шакллари (қолипларга тушиши) тўғри феъллар каби бўлгани боис шундай (ўхшаш, монанд) деб номланади. Шунинг учун ҳам мисол феъллар ҳозирги араб тили дарсликларида солимсифат феъллар (Н.Иброҳимов ва М.Юсупов) ва тўғрига ўхшаш (Э.Талабов) атамалари билан ифодаланган<sup>5</sup>.

Мисол феъллар асосида юзага келган сўзларни Огаҳийнинг тарихий асарларида кўплаб учратишимиз мумкин. Шулардан бири *амирдир*.

<sup>1</sup> Темур тузуклари / Таржимонлар: А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов. Сўз боши муаллифи Бўрибой Аҳмедов. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б.12.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. – Тошкент: Шарқ, 1996. – Б.89.

<sup>3</sup> بدان . Қўлёзма. – С.107.

<sup>4</sup> بدان . Қўлёзма. – С.108.

<sup>5</sup> Арабско-русский словарь. – С. 43-44.

*Амир* امير *амаро* أمر - буюрмоқ, фармойиши бермоқ феълидан ҳосил бўлган бўлиб, буюрувчи, фармонраво маъноларини ифодалайди<sup>1</sup>.

Тарихий сўз сифатида *амир* бир неча маънони билдиради:

1. Давлат тузуми амирлик (аморат) бўлган давлатнинг бошлиғи, монархи. Масалан, Бухоро амири. “Зубдату-т-таворих”да ўқиймиз: Бу ижмол тафсили улким, чун амир Насруллоҳ кўрдиким, Хоразм сипоҳининг селоби чаповул ва тундбоди татовулидин Бухоро музофотининг аксар қалъа ва балдалари хароб ва вайрон бўладурур, мудофаа ва мужодала қилиб иш бошқара олмайдурур. (150-б)

2. Аморат – ҳокимлик, беклик, лашкарбошилиқ мансаби соҳиби<sup>2</sup>.

3. *Амир* сўзининг кўплиги *умаро* امراء бўлиб, Огаҳийнинг тарихий асарларида давлатнинг юқори мансабли кишилари, беклар каби маънони ифодалайди. Масалан, Секиз кунғача жамеъ умаро ва кубаро, сархайл ва сипахдор, аммол ва наввоб ва аксар лашкарияға хилъатхонаи эҳсони подшоҳонадин хилоъи зардўз ва албисаи сиймандўз, кимхо даклай ва гаронбаҳо чакмонлар кийдуруб, борчани офтоби жаҳонтоб янглиғ тиллопўш қилиб, аҳди жаҳон аросида мумтозлиғ ва сарафрозлиғлар еткурди. (128-б)

4. *Аморат* сўзи *амир* билан ўзакдош ва бу ҳол ҳар иккала сўзнинг маъноларида ҳам кўзга ташланади. *Аморат* сўзи фақат беклик, амирлик мазмунигина эмас, сиёсий тузум маъносидаги амирлик маъносини ҳам ифодалайди. “Зубдату-т-таворих”да эса, юқорида айтилганидек, мансаб номи сифатидагина учрайди. Масалан, ...Аваз иноқ *аморат* ва иноқият мансабин ўз хоҳиши билан тарк тутиб... (263<sup>б</sup>).

*Амир* сўзи баъзан қисқарган ҳолда *мир* шаклида ҳам қўлланилган. Масалан, Амир Алишер Навоий – Мир Алишер Навоий. Амирнинг

<sup>1</sup> Арабско-русский словарь. – С. 43-44.

<sup>2</sup> Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Биринчи том. – Тошкент, 1983. – Б.88.

қисқартма шакли *мирохур, миришкор, мироб* каби сўзлар таркибида ҳам мавжуд<sup>1</sup>.

Амир компонентли яна бир сўз бу *амир ул-умаро* айнан амирлар амири дегани бўлиб, икки арабча сўзнинг арабий изофа орқали бирикишидан ҳосил қилинган ва юқори давлат лавозимларидан бирининг номидир. Мазкур сўзни Амир Алишер Навоий, Абулғози Баҳодирхон асарларида ҳам шу маънода учратишимиз мумкин: ...Мир Хусайн Али Жалойир... Али Жалойирнинг ўғлидурким, отаси Ёдгор Мирзо эшигида амир ул-умародир<sup>2</sup>.... Туғлуқ Темурхонни хонлиқ мансабида ўлтурғузиб эрди. Ўзи *амир ул-умаро* эрди<sup>3</sup>.

Хива хонлигида амирул-умаро *бий* деб номланган. “Зубдату-т-таворих”даги ушбу парча шундан далолат беради: Чун бу хабар масомеъи аълоға етушгач, ул ҳазрат Иноқбек ва Раҳмонбердибий бошлиғ баъзи сипахдорни номзад қилди, токим аъдойи залолатинтимоға танбеҳи азим ва гўшмоли балиғ еткургайлар. (144-б)

*Асир* сўзи ҳам сиёсий маъно касб этиб, жангда ёки бирор йўл билан қўлга олинган, ўз эркинлигини йўқотиб, ғолиб томон ихтиёрига ўтган шахс маъносини ифодайди. Мазкур сўзнинг ўзаги *асара* *أسَرَ* *тутмоқ, асирга олмоқ* феълидир<sup>4</sup>. Масалан , Охир Оқтом отлиғ мавзеъдин ўтуб, Бухоро тавобеъидин Маъмурбой деган казокнинг элу аҳшомиға чаповул уруб, бениҳоят ўлжа ва асир дасти тасарруфиға киргуздилар. (147-б)

ёки Хамул кун аср хангомида қоровуллардин уч киши чорвадан бир гала олиб, икки киши асир қилиб келтурдилар. (149-б)

*Асир* сўзининг синиқ кўплиги *усаро* *اسرا* бўлиб, у фу’ало *فعلًا* вазнида ҳосил бўлган. Масалан, Рабеъу-с-соний ойининг ўн секизида чаҳоршанба куни ҳазрати зиллуллоҳий салтанатпаноҳий мазкур бўлғон элчига домла

<sup>1</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Тошкент, 1999. – Б.77; Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент, 1987. – Б.133.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис. Илмий танқидий матн. / Тузувчи: С.Ғаниева. – Тошкент, 1961. – Б.148.

<sup>3</sup> Абулғози Баҳодирхон. Шажараи турк. – Тошкент, 1992. – Б.93.

<sup>4</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С. 34.

Раҳмонберди охундни масхуб қилиб, Бухоро усаросидин икки асирни оларга қўшуб ирсол қилди. (151-б)

*Асир, усаро* сўзлари билан ўзакдош *асорат* сўзи ҳам мавжуд бўлиб, у асирлик, бандилик, эркисизлик деган маънони англатади. “Зубдату-т-таворих”да кўп учрайдиган “асорат қайди” бирикмаси “асирлик занжири”, “бандилик тузоғи” деган мазмунга эга. Масалан, Баҳодирлар тамарруд аҳлидин ҳамул кун кўб кишини асорат қайдиға чекиб, назари анвар пешгоҳиға келтурдилар ва фармони қазожараён мужиби била аксар усаро сиёсатгоҳда қатлға еттилар. (159-б)

Ўзбек тилида *асорат* шаклидаги иккита сўз бўлиб, мазкур омонимлар англатган маънолари билангина эмас, балки ўзак эътибори билан ҳам фарқланадилар: 1. Асорат **اسارت** – тутқинлик, қуллик, эркисизлик ҳолати. 2. Асорат **اثرات** – бўлиб ўтган (воқеа-ҳодиса ва ҳ.к.)нинг қолдиғи, излари (шу ўзакли сўзлар: *асар* – асар ҳам қолмади, *осор* – осори атиқа, таъсир, таассурот)<sup>1</sup>.

Демакки, эски ўзбек ёзувида бу иккала сўздаги *с* араб тилида **س** ва **ث** билан ифодалангани боис, омограф ҳисобланмайди.

*Вазир* сўзи ҳукмдорнинг яқин сиёсий маслакдоши ва кўмакчиси мазмунида олий мартаба эгаси ва давлат ишларининг муайян бир соҳасини бошқарувчи шахс маъноларини касб этади: ... фараҳниҳод вазири равшанзамир Отамурод.қушбеги ... (47-б)

*Вазири аъзам* бирикмасидаги аъзам энг улуғ, энг катта маъносини беради. Масалан, Баҳодирлар тамарруд аҳлидин ҳамул кун кўб кишини асорат қайдиға чекиб, назари анвар пешгоҳиға келтурдилар ва фармони қазожараён мужиби била аксар усаро сиёсатгоҳда қатлға еттилар. (172-б)

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. – Б.22.

*Вазирнинг* ҳозирги ўзбек адабий тилидаги маъно тараққиёти хусусида А.Мўъминова батафсил сўз юритган<sup>1</sup>.

***Ноқис феъллар асосида ясалган сўзлар.*** Учинчи аслий ҳарфи иллат ҳарф бўлган феъллар ноқис саналади<sup>2</sup>. Огаҳийнинг тарихий асарларида ноқис феъллар асосида ҳосил бўлган баъзи сўзларни ҳам учратишимиз мумкин. Масалан, *ғозий* сўзи.

Мазкур сўз арабча *ғаз* غزي – *ҳужум қилмоқ, эгалламоқ* феълидан ҳосил бўлган бўлиб, ақсом бўйича ноқис (охирги ўзаги иллат ҳарф) бўлгани боис унинг аниқ нисбат сифатдоши ясалишида товуш ўзгариши ҳосил бўлади. Яъни, ноқис феълларнинг аниқ нисбат сифатдоши унинг бутунлай тушириб қолдирилиб, ўрнига “танвин касра” кўйиш билан ҳосил қилинади. Лекин сифатдош аниқ ҳолатга келганида танвин йўқолиб, ўрнига *ي* и ҳарфи орттирилади<sup>3</sup>. Демак, *ғаз* феълидан *ғози* غازي ҳосил бўлади ва у аниқ ҳолатда *الغازي* алғози шаклини олади. Ўзбек тилида ҳолат категорияси бўлмагани боис у *ғозий* шаклида ўзлашган.

*Ғозий*нинг луғавий маъноси исми фовил англатган маънога кўра “эгалловчи”дир. *Ғозий* “ислом дини учун ғайри динларга қарши муқаддас уруш – ғазовот иштирокчиси. Шариатга кўра бундай урушда оти ва қурол-яроғи бор ҳар бир мусулмон эркак қатнашиши шарт бўлган. Камбағаллар, куллар, ногирон ва кекса кишилар бундан озод этилган”<sup>4</sup>. Огаҳий шахзода Раҳмонкули Тўранинг Машҳадга ҳужуми борасида ёзади: Ул мавъеда куффори фужжорнинг наҳб ва ғорати учун атрофу жавонибға маъмур бўлгон *ғозийларким*, рўзғор шужаъосининг сарафроз ва мумтози эрдилар, гуруҳ-гуруҳ ўз саркардаси била бир тарафға илғор қилиб эрдилар.

<sup>1</sup> Мўминова А. Ўзбек тилида мансаб ва унвон номларининг лексик-семантик таҳлили: Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2000. – Б.29-33.

<sup>2</sup> Жаноҳ ут-толиб. Араб тили сарф фанидан дарслик. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2004. – Б.39.

<sup>3</sup> Араб тили грамматикаси. – Б.150.

<sup>4</sup> Чориев З. Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. – Б.138.

*Ғозий* билан *ўзакдош газот ёки газовот* сўзлари “дин учун кураш, исломда ғайридинларга қарши мусулмонларнинг муқаддаслаштирилган уруш”дир.

*Ғози* ҳозирда кенг истемолда эмас. Бу сўз *Ғози*, *Ғозгон*, *Ғозибой* тарзларида антропонимларга ҳам асос бўлган <sup>1</sup>.

*Боғий* сўзи. Мазкур сўз сиёсий маъно касб этиб, “мусулмонлар подшоҳига итоатдан ва бўйсуннишдан бош тортган мусулмон киши” деган маънони англатади<sup>2</sup>. Шариат қонун-қоидаларида боғийларга муносабат меъёрлари ҳам белгилаб берилган<sup>3</sup>. Бу сўз негизида *талаб қилмоқ, қабих ишлар қилмоқ* маъносидаги *бағо* بغي феъли ётади<sup>4</sup>. Мазкур сўзнинг юзага келиши учун мазкур феълнинг *бузғунчилик қилмоқ* маъноси асос бўлгани эҳтимолга яқин. Огаҳий ҳам *боғий* сўзини шаръий маънода қўллайди.

Кўринадики, Огаҳийнинг тарихий асарларида қўлланилган арабий асосли ўзлашма сўзларнинг таркибий таҳлили уларнинг маъно тараққиётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

Бобда келтирилган фактик материаллар асосида куйидагича хулосаларни баён қилиш мумкин:

1. Эроний қатламга мансуб сўзларнинг аксарияти тарихан ясама бўлиб, уларнинг барчаси аффиксация усулида ясалган. Таҳлил қилинган сўзлар ясалишида *-бон*, *-дор* аффикслари серунумлиги билан ажралиб туради.

2. Араб луғавий қатламига мансуб сўзларнинг ҳам аксарияти ясама бўлиб, уч ундошли солим феълларнинг турли қолипларида ҳосил қилинган. Шу билан бирга нотўғри феъллар асосида юзага келган сўзлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади.

<sup>1</sup> Бегматов Э. Исм чиройи. – Тошкент: Фан, 1994. – Б.117.

<sup>2</sup> Мухтасар. Арабчадан Р.Зоҳид ва А.Дехқон таржимаси. – Тошкент: Чўлпон, 1993. – Б. 303.

<sup>3</sup> Кўрсатилган асар. – Б. 303-304.

<sup>4</sup> Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – С.79.

3. Ўзлашма сўзларнинг кўпчилигида уларнинг асл луғавий маъноларидан бирининг тараққиёти натижасида ўзлашма сўзларга мансуб birlikлар юзага келган.

## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбек халқининг катта бир қисми тарихи аслича баён қилинган Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарларини лингвистик тадқиқ этиш, биринчи навбатда улардаги ўзлашма сўзларни лингвистика ва тарих фани материаллари асосида пухта ўрганишни талаб қилади.

2. Асардаги ўзлашма сўзларнинг мавзуй-семантик таснифида тадқиқот объекти материаллари, тадқиқот объектида баён қилинган давр ёки асар воқеаларида баён қилинган ҳудуднинг ижтимоий-сиёсий тузуми, давлат бошқарув тизими, тадқиқ қилинаётган асар адабий тилнинг қайси тарихий этапига мансублиги, асар муаллифининг хос (индивидуал) услуби, асар характери (тарихий, бадий, тарихий-бадий, мемуар, бадий-мемуар, диний каби)га ўхшаган жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади.

3. Ўзлашма сўзларга мансуб айрим сўзларнинг кўчма маъноси, омоними ҳам бўлиши мумкинлигини ушбу асар луғат таркиби ҳам кўрсатиб беради.

4. Ўзлашма сўзлар тизимида ўз қатламга мансуб сўзлар миқдори ёзма адабиётда муаллифининг услуби, асар битилган ёки ундаги воқеалар қаламга олинаётган давр давлат тузуми каби омиллар билан боғлиқ равишда ўзгариб туради. Огаҳийнинг тарихий асарларида ҳам ўз қатламга мансуб ўзлашма сўзларнинг миқдори, қўлланиш частотаси ўзлашма қатламга нисбатан кам эмаслигини кўриш мумкин.

5. Эроний қатламга мансуб сўзларнинг айримлари фонетик вариантларда ишлатилган. Улардан баъзилари ҳозирги ўзбек адабий тилида фаол қўлланилади. Шу билан бирга ушбу сўзларнинг асарда англаган маънолари ҳозирги ўзбек адабий тилида билдирган маъноларидан фарк қилади. Бу сўзларнинг кўпчилиги синхрон жиҳатдан туб сўз ҳисобланса ҳам, этимологик таҳлил уларнинг аксарияти тарихан ясама эканини кўрсатди.

6. Таҳлилга тортилган сўзларнинг айримларини синхрон жиҳатдан маъноли қисмларга ажратиш мумкин. Улар, асосан, арабча+форсча, форсча+форсча ва форсча+туркий тарзида ҳосил қилинганлиги кузатилди.

7. Асар луғат фондида субстрат сифатида қараш мумкин бўлган сўзлар ҳам учрайди.

8. Асар давомида эроний ва арабий қатламга мансуб аксар сўзларнинг туркий муқобили ишлатилганини Огаҳийнинг ўзлашма сўзлардан фойдаланиш маҳорати мезонларидан бири деб қараш мумкин.

9. Эроний қатламга мансуб сўзларнинг аксарияти тарихан ясама бўлиб, уларнинг барчаси аффиксация усулида ясалган. Таҳлил қилинган сўзлар ясалишида *-бон*, *-дор* аффикслари серунумлиги билан ажралиб туради.

10. Араб луғавий қатламига мансуб сўзларнинг ҳам аксарияти ясама бўлиб, кўпчилиги уч ундошли солим феълларнинг турли қолипларида ҳосил қилинган. Шу билан бирга нотўғри феъллар асосида юзага келган сўзлар ҳам маълум миқдорда ишлатилган.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Хива шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи // Халқ сўзи. – Тошкент, 1997 йил. – 21 октябрь.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – 31 б.
3. Абдуллаев В. Алишер Навоий анъаналарининг хоразмлик шоирлар томонидан давом эттирилишига доир // Шарқ юлдузи. – 1959. – № 4. – Б. 127-137.
4. Абдуллаев Ф. Арабизми в узбекском языке: Дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1945. – 102 с.
5. Абдуллаев Ф. Ўзбек тилининг Хоразм шевалари. – Тошкент: Ўз ФАН, 1961. – 346.
6. Абдурахмонов Ғ., Рустамов А. Қадимги туркий тил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 167 б.
7. Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. Автореф. дисс. ... канд. Филол. Наук. – Ташкент, 1966. – 23 с.
8. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. I-IV жилдлар. – Тошкент: Фан, 1983-1985. I жилд, 1983. – 656 б.; II жилд, 1983 – 643 б.; III жилд, 1984. – 624 б.; IV жилд, 1985. – 636 б.
9. Алишер Навоий. Мукаммад асарлар тўплами. 20 томлик. 6-том. – Тошкент: Фан, 1990. – 568 б.; 11-том. – Тошкент: Фан. 1996. 640 б.; 3-том. – Тошкент, 1989. – 616 б.; 7-том. – Тошкент, 1991. – 392 б.; 8-том. – Тошкент: Фан, 1991. – 541 б.; 12-том. Тошкент: Фан, 1996. – 325 б.
10. **Амир Тему́р. Тему́р тузуқлари. Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. – Тошкент, 1996.**
11. **Атоқли шоир, тарихнавис ва таржимон. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.**

12. Аттухфатуз закияту филлуғатит туркия. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент: Фан, 1968. – 279 б.
13. Баранов Х. Арабско-русский словарь. – М.: Русский язык, 1985. – 944 с.
14. Баскаков Н.А. Титулы и звания в социальной структуре бывшего Хивинского ханства// Советская тюркология. – 1989. – №.1. – С.63-71.
15. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 160 б.
16. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. –Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.
17. Дадабоев Ҳ. Тарихий ҳарбий терминлар луғати. –Тошкент: Университет, 2003.
18. Дадабоев Ҳ. Огаҳий тарихий асарларидаги ижтимоий-сиёсий терминлар тизими хусусида // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари (Илмий мақолалар тўплами) №3. – Тошкент, 2009. –Б. 21-24.
19. Дадабоев Ҳ. Огаҳий тили билимдони // Маърифат фидойиси. (Субутой Долимов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан) – Тошкент: Ўқитувчи, 2007. –Б.181-183.
20. Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. – Тошкент: Фан, 2007. – 156 б.
21. Дўсимов З. Огаҳийнинг “Зубдатут-таворих” асарининг лексик-грамматик хусусиятлари ҳақида // Огаҳий абадияти. –Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б. 37-41.
22. Жўраев Б. “Бош” сўзининг маънолари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1982. – №3. – Б. 46-49.
23. Замахшарий М. Муқаддимат ул-адаб. Феъллар боби. Таржимон ва нашрга тайёрловчи З.Исломов. – Тошкент: Ислон университети нашриёти, 2002. Сўз боши – Б. 3-10. Луғат қисми 886 б.

24. Иброҳимов А. Бобур асарларидаги ўзлашма лексиканинг статистик, семантик ҳамда этимологик таҳлили: Филол. фанлари д-ри дис... автореф. – Тошкент, 2008. – 52 б.
25. Иброҳимов Н. Юсупов М. Араб тили грамматикаси. Биринчи том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1997. – 456 б.
26. Иброҳимов С., Шамсиев П. Навоий асарлари учун луғат. –Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – 782 б.
27. Ислом. Спровочник. – Тошкент, 1989. –Б.176.
28. Йўлдошев М. Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат бошқаруви. – Тошкент: Ўз ФАН, 1957.
29. Йўлдошев Р. Огаҳий поэзиясида “ов” мазмун майдони // Илм сарчашмалари, 2005, 4-сон. – Б. 78-82..
30. Йўлдошев Р. Огаҳий поэзиясида антонимлар // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2005. - №1. – Б.52–55.
31. Кошғарий М. Девону луғотит турк. I том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент: ЎзФАН, 1960. – 499 б.
32. Кошғарий М. Девону луғотит турк. II том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент: ЎзФАН, 1961. – 427 б.
33. Кошғарий М. Девону луғотит турк. III том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.Муталлибов. – Тошкент: ЎзФАН, 1963. – 466 б.
34. Кошифий Хусайн Воиз. Футувватномаи султоний. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994.
35. Мадраҳимов О. Ўзбек тили ўғуз лаҳжасининг қисқача қиёсий луғати. – Урганч: Хоразм, 1999.
36. Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. – Тошкент: Фан, 1973. – 192 б.
37. Матғозиев А. Ҳарбий терминлар тарихига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1974. – №1. – Б. 47-50.

38. Муҳаммад Алихон Ғафур. Хива сафари. Форс тилидан И.Бекчон таржимаси. – Тошкент: Халқ мероси нашриёти, 2005. – 73 б.
39. Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. 1 жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. – 392 б.
40. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Шоҳиду-л-иқбол. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Н.Шодмонов. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – 335 б.
41. Мухтасар. Араб тилидан Р.Зоҳид ва А.Деҳқон таржимаси. –
42. Неъматов Ҳ. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – 93 б.
43. Носиров О., Юсупов М. Ан-наъим. Арабча-ўзбекча луғат. –Тошкент, 2003. – 959 б.
44. Огаҳий абадияти. Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети, Хоразм Маъмун академияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 152 б.
45. Огаҳий. Ишқ аҳлининг тумори. Танланган асарлар. – Тошкент: Мерос, 1999.
46. Огаҳий. Ой кетди, офтоб келди. Форсийдан М.Абдулҳаким таржимаси. – Хива: Хоразм Маъмун академияси нашриёти, 2002. – 42 б.
47. Огаҳий. Таъвиз ул-ошиқин / Нашрга тайёрловчи Хуршид. –Тошкент: Ўзадабийнашр, 1960. – 648 б.
48. Персидско-русский словарь. Том I. – М.: Русский язык, 1983. – 782 с.
49. Персидско-русский словарь. Том II. – М.: Русский язык, 1983. – 864 с.
50. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Биринчи том. – Тошкент: Университет, 2000. – 600 б.

51. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати. Иккинчи том. – Тошкент: Университет, 2003. – 600 б.
52. Раҳматуллаев Ш., Миртожиев М., Қодиров М. Ўзбек тилининг қисқача этимологик луғати. Биринчи қисм –Тошкент: Университет, 1997.
53. Рустамов А. Сўз хусусида сўз. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987. – 155 б.
54. Таржумон – XIV аср обидаси. Нашрга тайёрловчи А.Юнусов. – Тошкент: Фан, 1980. – 127 б.
55. Тиллаева М. Хоразм ономастикаси тизимининг тарихий-лисоний тадқиқи. (“Авесто” ономастикасига қиёслаш асосида): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2006. – 26 б.
56. Усмонов С. Ўзбек тилининг луғат составида тожикча-форсча ва арабча сўзлар // Навоийга армуғон. Тошкент:1968. – Б.109-120.
57. Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. Том I. – Ташкент: Фан, 1966. – 651 с.
58. Фазылов Э.И. Староузбекский язык. Хорезмские памятники XIV века. Том II. – Ташкент: Фан, 1971. – 780 с.
59. Холманова З. “Бобурнома” лексикаси. – Тошкент: Фан, 2007. – 176 б.
60. Чинги Мухаммед Якуб. Келурнаме. (Стараузбекско-таджикско-персидский словарь XVII в.) Введение, транскрипция и перевод текста, глоссарий, лексико-грамматический очерк, грамматический указатель А.Ибрагимовой. – Ташкент: Фан 1982. – 146 с.;
61. Чориев З. Тарих атамаларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Шарқ, 1999.
62. Шайх Нажмиддин Кубро. Тасаввуфий ҳаёт. Таржимон ва нашрга т
63. Ўзбек тили лексикасида арабча сўзлар // Ҳозирги замон ўзбек тили. Лексикография. Фонетика. Графика ва Орфография. Морфология. Фахри Камол таҳрири остида. – Тошкент: ЎзФАН, 1957. –Б.99-101.

64. Ўзбек тилидаги арабча ва форсча сўзлар луғати. – Тошкент: Ўқитувчи. 1996.
65. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-том. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси. 2006. – 680 б.
66. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2-том.– Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси. 2006. – 688 б.
67. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 4-том. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси. 2008. – 602 б.
68. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбек миллий энциклопедияси. 5-том. 2008. – 592 б.
69. Ганихўжаев Ф. “Таъвиз-ул-ошиқин” девони ва унинг илмий-танқидий матни: Филол. фанлари доктори...дис. автореф. –Тошкент, 1998.
70. Ганихўжаев Ф. Огаҳий асарлари тавсифи. –Тошкент: Фан, 1986. – 125 б.
71. Ҳасанов Б. Навоий асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1993. – 324 б.
72. Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974.
73. Ҳофиз Убаҳи. Тухфат-ул-аҳбоб. Ҳозирқунандаи нашр Ҳ.Рауфзода. – Душанбе: Ирфон, 1992.– 195 с.
74. XV-XIX асрлар ўзбек тили морфологияси. –Тошкент, 1990. – 254 б.
75. اوستا. مترجم جليل دوستخواه. تهران. مرواريد. ۱۹۹۱. ۱۱۲۶. ص
76. ابو عبدالله محمد احمد بن يوسف خوارزمی. مفاتيح العلوم. الناشر كمال الدين الادهمی. مصر. ۱۳۴۹. ص. ۷۷.
77. بزرگترین کتابخانه شعر فارسی. لغت نامه. Al-rams. www. mehrahgam. com. درج ۳.
78. قاموس المحيط www.dorar.net.